

З.Е. Қабилдинов, А.Д. Сандибаева, Ф.Р. Лебаев

Қозоғистон Республикаси
Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган

ҚОЗОҒИСТОН ТАРИХИ

Үмумтаълим мактабларининг 11-синфи учун дарслик

11

Икки қисмдан иборат

2-қисм

Алматы



«Атамұра» –



«Жазушы»

2020

ӘОЖ 373.167.1
КБЖ 63.3 я 72
Қ 13

Дарслык Қозогистон Республикасининг Таълим ва фан вазирлигининг тасдиқлаган умумий ўрта билим бериш даражасининг 10-11-синфлари учун «Қозогистон тарихи» фанидан янгиланган мазмундаги таълим дастурига асосан тайёрланди.

Фикр ёзганлар:

А.Г. Ибраева, тарих фанларининг доктори, профессор
А.Т. Қайипбаева, тарих фанларининг кандидати

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

-  – мавзу юзасидан саволлар
-  – тушунчалар билан терминлар
-  – ҳужжатлар
-  – ҳужжат юзасидан саволлар

Қабилдинов З.Е., ва бошқалар.

Қ 13 Қозогистон тарихи. Умумтаълим мактабларининг 11-синфи учун дарслык / З.Е. Қабилдинов, А.Д. Сандибаева, Ф.Р. Лебаев. Икки қисмдан иборат, 2-қисм. – Алматы: Атамұра – Жазушы, 2020. – 160 бет.

ISBN 978-601-200-716-9

ӘОЖ 373.167.1
КБЖ 63.3 я 72

ISBN 978-601-200-716-9 (1-қисм)
ISBN 978-601-200-714-5 (умумий)

© Қабилдинов З.Е., Сандибаева А.Д.,
Лебаев Ф.Р., 2020
© «Атамұра», 2020
Әзбек тіліне «Жазушы» баспасында
аударылды, 2020

III бўлим
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ОНГНИНГ РИВОЖЛАНИШИ
Олтинчи боб
ҚОЗОФИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ОНГНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

23–24-§

**Ижтимоий-сиёсий онгнинг шаклланиши ва
ривожланиши**

Ўқиши мақсади:

- ✓ қадимги ва ўрта асрлардаги Қозогистоннинг тарихий шахсларининг ижтимоий-сиёсий ғояларини аниқлаш;
- ✓ Қозогистондаги ижтимоий-сиёсий онгнинг ривожланишига тарихий шахсларнинг қўшган ҳиссаларини баҳолаш.

Таянч сўзлар:


Ўзбекча	Қозоқча	Русча	Инглизча
Қадимги туркийлар	Ежелгі түркілер	Древние тюроки	Prototurk
Суфизм	Сопылық	Суфизм	Sufism

Мавзуга ўтиш:

Қозогистондаги ижтимоий-сиёсий онгнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган ўрта асрлик алломалар Ал-Фаробий ва Ҳўжа Аҳмад Яссавий ҳақида билган маълумотларингизни ёдингизга туширинг.



1. Қадимги ва ўрта асрларда ижтимоий-сиёсий ўйнинг шаклланиши ва ривожланишининг шарт-шароитлари. Қозогистон худудида дастлабки давлат тизимини Еттисув ерида эр.ав. VI–III асрларда сак қабилалари шакллантирди. Сакларнинг маданияти одамзод тараққиётининг ажойиб ютуқлари бўлиб ҳисобланади.




Есик құрғонидан топилган ёзуви бор күмуш коса. Косадаги 26 белгили ёзув

Есик құрғонидан топилган косалардаги ёзув са-кларнинг алифбоси бўлганидан далолат беради. Табиятга ўзгача ҳурмат кўрсатган саклар жо-ниворларни «ҳайвонлар услубида» ажойиб уста-лик билан тасвирлаган. Саклар ҳақидаги маъ-лумотлар қадимги грек ва форс ёзма манбалари орқали етиб келган. Тарихий манбаларда саклар дов-юрак дала ахолиси сифатида тарифланади.

Эрамизинг VI асридан Турк даври бошли-нади. Буюк далада 552 йил Турк хоқонлиги (552–603) қурилди. Турк хоқонлигидан кейин Фарбий Турк, Түргеш, Қарлуқ хоқонликлари, Ўғиз, Қарахан давлатлари ва Қипчоқ хонли-ги ҳукмронлик қилди. Мўғул босқинчилигидан кейин Қозогистон ҳудудида асосини Чингиз-хоннинг катта ўғли Жўши солган Олтин Ўрда, у қулаганидан кейин Оқ Ўрда, Мўғулистан, Абулхайр хонликлари умр сурди. Аталган дав-лат бирлашмалари асосида кейин қозоқ хонлиги қурилди.

Икки минг йилдан ортиқ вақт давомида Қозоқ давлатчилиги **прототуркий**, туркий қипчоқ-қозоқ асосларида шаклланди. Сак-



Жўши хон макбараси

лардан бошлаб ҳозирги мустақил Қозоғистон Республикасигача бўлган турли тарихий даврларда умр сурган мустақил давлат тизимлари турлича аталиб келади. Шу билан бир қаторда маҳаллий аҳолининг ўзига хос тили, антропологик хусусиятлари, урфодатлари доимий, ўзгаришсиз сақланиб келди. Дала аҳолиси теварак-атрофнинг табиий иқлим шароитига мослашган чорвачилик билан шуғулланди.

Давлат мағкурасини таниқли ҳукмдорлар, донишманлар, жамоат арбоблари шакллантириди. Тарихда «Скиф Анахарсис» деган ном билан таниқли бўлган сак алломаси ижтимоий қурилиш масалалари билан шуғулланган. У адолатли ҳаёт кечириш учун яхши қонунларнинг бўлиши етарли эмас, қонунни адолатли ҳимоя қилувчилар бўлиши керак деб ҳисоблади. Ижтимоий аҳволи ва хизматига қарамасдан, одамларнинг қонун олдида бирдай эканлиги айтган. Анахарсисдан «қизғаниш ва қўрқинч – одамнинг энг ёмон фазилатлари» деган сўз қолган.

Ўрта асрлардаги буюк файласуф, жиров, қўбизчи Қўрқит ота халқ бирлигини мустаҳкамлаган донишманд, турк дунёқарашининг асосини солган аллома сифатида белгили. Қўрқит ота халққа доимий баҳт олиб келадиган ерни излаган донишманд файласуф. У вақтни қадрлашга чақирди, келажак авлодига ўлмас куйларини қолдирди.

Биз минглаган йилларни ортда қолдириб, тақдир сўқмоқларидан қоқилмай ўтиб, давлатчилигимиз, тилимиз ва маданиятимиз, миллий асосимизнинг уйғунлигини сақлаб қолиб, омон қолдик. Келажакда уни асрлар ва минг йилликлар давомида кўз қорачиғидек асрраб, «Мәңгілік Ел» гоясини келажакнинг шамчироғи сифатида қўллаймиз. Жаҳон миқёсидаги шахсларнинг келажак авлодга омонаст қилиб қолдирган ўй-фикрларининг инсоният учун аҳамияти жуда катта.

2. Мўде, Култегин, Қорқит ота. Хунларнинг таниқли ҳукмдори Мўде эр.ав. 209 йили хукумронликка келди. У давлат бошқарув тизимида бир қатор ислоҳатларни амалга ошириб, хун давлатини бир марказга бирлаштириди.Хитой манбаларига қараганда, Мўде 300–400 минг одамдан иборат доимий аскар ташкил этди. Хун аскарларининг қурилиши ўнлик тизимга асосланди. Мўде давлат билан халқнинг асосий бойлиги биринчи навбатда унинг ери экан-

Ёдингизга туширинг!

Қадимги дунё ва ўрта асрларда Қозоғистон ҳудудида қандай давлат тизимлари умр сурди?

Ўйлаб кўринг!

Қозоқ халқининг ерга оид қандай ҳикматли сўзлари ва мақолларини биласиз?

лигини халқига чуқур тушунтириб: «...Ер – бу давлатнинг асоси. Уни қандай бошқаларга берамиз?» – деб отга миниб, билакнинг кучи билан, найзанинг учи билан ҳимоя қилиб, келажак авлодга омонат қилиб қолдирган.

Туркий халқининг авлоди, таниқли давлат ҳукмдорларининг бири бўлган Қултегин – иккинчи Шарқий Турк ҳоқонлиги аскарининг бош қўлбошчиси, сиёсий арбоб. 1893 йилда даниялик олим В.Томсен Мўғулистанда топилган руна ёдгорликларининг турк тилидаги калитини топиб, ёзувлар мана шу ҳукмдорга тегишли деган хulosага келди. Қултегин ҳурматига унинг айтган сўзлари тошга ўйиб ёзилган. «Ўлик халқни тирилтиридим, ялангоч халқ музлади, камбагал халқни бой қилдим, оз халқни кўп қилдим. Тинч давлатга яхшилик қилдим», – деган ёзув йўлларидан Қултегининг асосий мақсади-давлат мустаҳкамлиги билан унинг баҳти ҳаёт кечиришини ҳоҳлаши ҳозирги давлат раҳбарларининг намунасига айланган шекилли. Қултегин ботир – Турк ҳоқонлигининг қудратли намоёндаси. Унинг ҳукмронлиги даврида ҳоқонликнинг куч-қудрати ортди, ҳудуди кенгайди, халқнинг турмуш шароити яхшиланди. «Тунда ухламадим, кундуз ўтирамадим. Қизил қонимни тўқдим, қора теримни оққиздим. Куч-жигаримни аяма-



Қултегин ёдгорлиги

дим», – деган Култегин сўзлари унинг турк давлати учун тинимсиз меҳнат қилганлигидан далолат беради.

3. Абу-Наср ал-Фаробий ва унинг мерослари. Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлах ибн Тархан ал-Фаробий Шарқниң буюк алломаси. У қадимги грек донишманди Аристотелнинг асарларини таҳлил қилган муаллиф сифатида таниқли бўлди. Шунинг учун ал-Фаробийни «Иккичинчи устоз» деб атайди. Унинг асарлари Шарқ билан Фарбнинг илмий онгининг ривожланишига таъсир кўрсатди. Ал-Фаробийнинг адабий мерослари жуда кўп. 160 га яқин турли соҳалар бўйича ёзилган илмий асарлари бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Буюк олимнинг ёшларга берган насиҳатлари билан қимматбаҳо таклифларининг аҳамияти бугунги кунда янада ортиб бормоқда. У инсониятни қуидаги асосий қадриятларга риоя қилишга чақиради: «*Илм билан шугилланаман деган инсоннинг ақл-идроқи – равшан, ҳоҳишистаги – зўр, тилак-мақсади – ҳақиқат билан адолатликка хизмат этиши зарур*».

Ал-Фаробий халққа билим беришни орзу қилди. Кўплаб ижтимоий-сиёсий ва илмий трактатлар: «Сахий шаҳар аҳолисининг кўзқарашлари ҳақида трактат», «Бахтга етиш», «Фуқаровий сиёсат», «Уруш билан тинч ҳаёт ҳақида китоб», «Жамиятни ўқиб-урганиши» ва ҳакозолар ёзди. Бу асарларида олим дунё, жамият, давлат ва одамларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида ўй-фикрларини жамлаштирди.

Ал-Фаробий грек файласуфлари Платон билан Аристотелнинг сиёсий ва этикавий дунёқарашларига суянди ва қадимги Шарқниң ижтимоий ғояларини янада такомиллаштириб, жамият ҳақидағи бебаҳо қоидасини таклиф қилди.

Файласуфнинг фикрича, сахий шаҳар хукмронининг донолик, одамийлик хусусиятлари билан фикр юритиш қобилияти юқори даражада бўлиши керак.

Ал-Фаробий давлат раҳбари ақилли, одил, маънавий томондан етуқ, кундалик ҳаётда содда бўлиши керак. Одамгарчилик фазилатини сақлаб, гиёбат-ёлғонга, ноқонуний йўл билан бойлик орттиришга қарши туриши, ўзининг шахсий муддаосини жамият муддаосига буйсиндириш ҳақида айтади.

Ҳар бир раҳбар мана шу фазилатларга лойик бўлса, халқ баҳтли ва бой-бадавлат ҳаёт кечиради. Бундай жамиятда фуқаролар ҳар

Ёдингизга туширинг!
Турк хоқонлигининг кучайишига таъсир кўрсатган тарихий шахсларни атанг.


доим давлатнинг ғамхўрлигига бўлади. Ҳар бир фуқаро давлатнинг бойлигидан ўз ҳиссасини олиши керак. Ал-Фаробийнинг фикрича «фуқаролар ўзаро ёрдами ва бирлиги орқали баҳтли, тинч-тотув ҳаётга қўйл етказади».

Аниқланг

Давлатимизда Ал-Фаробийга кўрсатилган хурматни қаердан билиш мумкин?

Зўравонликсиз, баҳтли жамият ўрнатиш шу давлат раҳбарининг ақли, билими ва одамгарчилик хусусиятларига боғлиқ. Яхши шаҳар аҳолиси тинч ва осойишта ҳаёт кечириб, илм ва билимни ривожлантириб, бир- бирига ёрдам бериб туради. Файласуф саҳий шаҳарлар билан биргаликда нодон, бузилган, меҳр-шафқатсиз шаҳарларнинг ҳам бўлишини эслатиб ўтди. Бундай меҳр-шафқатсиз шаҳарнинг раҳбари ҳам, аҳолиси ҳам чин баҳтнинг нима эканлигини билмайди. Бойликка роҳатланиш, мансаб билан обрў-эътиборга қизиқади.

Ал-Фаробийнинг сиёsat ҳақида айтган ноёб ўй-фикрлари Европа давлатлари ва Шарқий араб давлатлари билан Ўрта Осиё давлатларида сиёсий-хуқуқ илмининг бундан кейинги ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди. 2020 йилда давлатимизда ал-Фаробийнинг 1150 йиллиги атаб ўтилди.



Юсуф Болосоғуний

4. **Юсуф Болосоғуний.** Таниқли туркий олим ва файласуф XI асрда Қорахонийлар даврида Қошғар ва Болосоғун шаҳарларида ҳаёт кечирди. Юсуф Болосоғунийнинг исмини дунёга машҳур қилган «Қутадғу билиг» достони бўлди. Болосоғуний бой-бадавлат оиласдан чиққан. Донишманднинг туғилганидан берилган қобилияти, подшо саройида хос-хожиб (сарой вазири) хизмати билан кейинги жамланган адабиёт соҳасидаги чуқур билими унга инсоннинг жамиятдаги ўрни, камчиликсиз жамият, давлат ҳақида фаросатли ўй-хулосалар юритишига имконият берди. Юсуф Болосоғуний

Фароб, Қошғар, Бухоро шаҳарларида билим олиб, араб, форс тилларини етуқ эгаллади. «Қутадғу билиг» достони туркий тилдаги энциклопедия. Бу ёзма асар давлат бошқарувининг сирларини ўргатади, ўрта асрлар давридаги илм, маданият соҳаларини ҳам қамраб олади.

Файласуфнинг фикрича, давлат бошқарувида билимнинг аҳамияти жуда катта. Ёвувчининг асарида билим ҳаётнинг маъно-

си ва жамиятнинг маданий, маънавий даражасининг ўлчами сифатида таъкидланади. Буюк аллома ўқиши билан билим ҳар қандай давлат ва жамият ривожланишининг асоси, давлатни бошқарув тизими, жамиятдаги муносабатлар билим билан илмнинг ривожланишига мос келиши ҳақида айтди.

«Қутадғу билиг» достонида Ю.Болосоғуний ҳаёт давомидаги энг асосий масалаларни күттарди. Шахс билан жамият, давлатнинг баҳтга эришиш йўли ва қудратли давлат қуриш ҳақидаги аллома фикрининг ҳозирги жамият учун ҳам аҳамияти жуда катта. Файлласуф давлат раҳбари ақлли, меҳрибон бўлиши керак деб, одил хукмрон Қунтуғдини (Қорахон давлатининг ҳукмдори) – адолатнинг рамзий белгиси сифатида тавсия қилди. Бу хукмроннинг даврида ҳалқ баҳтли ҳаёт кечирган. Яхши жамиятнинг доимий устуни – адолатлик. У баҳтга олиб борадиган йўл. Ўз ҳалқини баҳтга етказа олган раҳбаргина баҳтли бўла олади. Болосоғунийнинг давлат бошқарган бекга (раҳбарга – *муаллиф*) қўядиган талабида етук раҳбар сиймоси кўринади.

Аллома давлат бошқарувчи раҳбар билан унинг қўл остидаги хизматкорлари, уларга тобе бўлган деҳқонлар, чорвадорлар ва ҳаказо жамият аъзолари ўртасидаги муносабат қандай бўлиши керак эканлигини тушунириб беради.

Ю.Болосоғуний «Қутадғу билиг» достонида мукаммал адолатли қонун-қоидаларга таянган, яхши, мукаммал жамият намунасини тавсия қилади. Шу билан бир қаторда олим ўткинчи ҳаёт билан ўлим ҳақида чуқур фикр юритади. Унинг фикрича, одам ҳаётга меҳмон, дунё қизиги билан тана хоҳишнинг этагидан тутмай, Оллоҳни севиш, яхшиликка эришиш, билимга интилиш керак. У: «*Одам мангу яшамайди, мангу қоладиган унинг яхши номи*», – деб ёзади.

Болосоғуний айтиб ўтгандай, билим билан фаросат инсон ҳаётида учрайдиган золимликларнинг олдини олиш учун зарур. Билим одамнинг ҳаётдаги ўз ўрнини топишига ва меҳрибон бўлишига йўл очиб беради.

5. Махмуд Қошғарий – ўрта асрлардаги файлласуф олим.

Қорахонийлар авлоди ҳукмронлик қилган давлатнинг асосини солган Сотуқ Бўғрахоннинг

Фикрингиз зарур!

Ю.Болосоғуний асарида-
ги жамият қадриятларини
ҳозирги бизнинг жами-
ят билан тақослашга
бўладими?

Ўйлаб кўринг!

М.Қошғарий асарида уч-
райдиган мақоллар ҳо-
зирги қозоқ жамиятида
қўлланиладими?

авлоди Махмуд Қошғарий «Девони-лугатит-турк» («Туркий сўзлар луғати девони») асарини (1072–1083) ёзди.

Биринчи бўлиб шу даврдаги туркий тилларнинг илмий грамматикасини яратди. Бу китобда XI асрда ҳаёт кечирган қўплаган туркий қабилаларининг ҳаёти билан турмуш тарзи ҳақидаги жуда кўп ноёб маълумотлар мужассамланган. Тадқиқотчи ҳозирги қозоқ тилида айтилиб келаётган шу даврдаги 400 дан ортиқ мақолларни айтиб ўтган. Махмуд Қошғарий туркий тилни – дунёдаги энг тоза тилларнинг бири деб ҳисоблайди: «Мен туркий бўламан», туркий тили – «энг очиқ-ойдин ва тўгри тил». Ёзувчи тоза тил деб бошқа тилларнинг таъсирига ўтмаган тилларни атайди.

М. Қошғарийнинг фикрича, жамиятнинг ривожланиши одамгарчилик хусусиятларга боғлиқ. Бунинг учун давлат ҳалқини ватанпарварлик руҳида, Ватанга деган муҳаббат, ботирлик ва мардлик руҳида тарбиялаши лозим. Туркийлар тушунчасида Ватан – туғилган ер, урф-одат ва маданиятдан ташкил топади.

Инсон боласининг барчасига хотиржамлик, тинчлик ва баҳт тилаб, Қошғарий ўз замондошларини ўз ҳаракатлари ила етук бўлишга чақирди: «Мехрибонликка интил, такаббур бўлма». Туркий сўзларининг мажмуаси ҳақида ўзи: «Бу китоб авлоддан-авлодга миллий меросни ўз ҳолича ўзгаришсиз етказиш мақсадида мангу ҳаётга доимијиравиша йўлланма олди», – деб ёзди.



Хўжа Аҳмад Яссавийнинг «Донолик китоби» нинг муқоваси

6. Хўжа Аҳмад Яссавий. Таниқли *сўфи* оқини Хўжа Аҳмад Яссавий ўз асарларини туркий адабий тилида ёзди. Яссавий илми фақат Туркистондагина эмас, шу билан бир қаторда Мовараннаҳр, Хуросон, Эдил бўйи, Азарбайжон, Анадолигача етиб борган. Хўжа Аҳмад Яссавийнинг энг асосий асари «Девони ҳикмат» («Донолик китоби») ислом қоидаларини етказиб беради. Китоб туркий тилнинг қипчоқ диалектикасида ёзилган. У ўзининг донолик китобида одамзодни иймонликка, адолатликка, сахийлик ва меҳрибонликка чақиради.

Аҳмад Яссавий суфизм ғояларини маҳаллий урф-одатлар билан уйғулаштириб, насиҳатлайди. Аллома ўз ҳикматларида нариги дунёдаги абадийлик ҳақида сўз очади: «Дунё меники деганлар – жаҳон мулкини олганлар, пора олган ҳокимлар – ҳаром билан юр-

*ганлар, олтин тожда ўтирса ҳам тупроқ остига тушади, ишон-
ган қуллар –adolatлилар, садақа билан туради».*

Яссавий мероси орқали суфизм туркий халқларнинг маънавий дунёқарашида муҳим ўрин эгаллади. Ўйчил аллома халқни мусо- фирмларга меҳрибон бўлишга, қийинчиликларга бардош бериб, Худога деган ишончини сўндиримй, шукур қилишга чақиради. Яссавий илми ҳар бир одамнинг ҳаётда оладиган ўрнини унинг ички дунё- сининг тозалиги билан ўлчайди. Давлатнинг бирлигини, халқнинг тотувлигини, одамгарчилик билан иймонликни рамз қилиб, адолатга чақирган Ҳўжа Аҳмад Яссавий туркий халқларнинг буюк авлиёси деган ном олди. У ўзининг бор қобилиятини туғилиб ўсган ерига, ёш авлоднинг таълим-тарбиясига сарфлади.

Мустақилликка эришган йили очилган Туркистон шаҳридаги университетга Ҳўжа Аҳмад Яссавий номининг берилиши буюк аллома бобомизга деган юксак ҳурматнинг белгиси ва авлоднинг фарзи бўлиб саналади.

Ал-Фаробий, Ҳўжа Аҳмад Яссавий, Юсуф Болосоғуний, Махмуд Қошғарий ва бошқа ўрта асрлик алломаларнинг меҳнати орқасида қозоқ жамиятининг ижтимоий-сиёсий онгги шаклланиб, давлат тизими мустаҳкамланиб борди.

Ўйлаб кўринг!

Яна қандай шарқ алломаларини биласиз?



Ҳўжа Аҳмад
Яссавий
мақбараси

- ?
1. Қадимги кўчманчиларнинг Ер-Онага деган ҳурмати қандай бўлди?
 2. Нима учун ўрта асрларда ижтимоий-сиёсий ўйнинг ривожланиши авж олди?
 3. М.Қошғарийнинг «Туркий сўзлар лугати девони» («Девони-лугатиттурк») асарини ёзишига нима сабаб бўлиши мумкин?
 4. Ҳозирги кунда қозоқ даласининг файласуфларига ўз даражасида ҳурмат кўрсатиляптими?
 5. Қадимги ва ўрта асрлик файласуфларнинг дунёқарашининг бугунги кундаги аҳамияти нимада?

* Қадимги туркийлар (протуркий) (грек. protos) – дастлабки. Дастлабки туркийлар ёки туркийларнинг ота-боболари.

Суфизм – ислом дини оқимларининг бири. Сўфи деб дин йўлига тушган худогўй, тақвадор одамни айтади.

Ижодий топшириқлар.

1-топшириқ. Кўшимча маълумотлардан фойдаланиб, антик ва туркий файласуфларнинг ижтимоий-сиёсий кўзқарашларини таққосланг.

Антик файласуфлар	Турк дунёсининг файласуфлари

2-топшириқ. «Ўрта асрлардаги Қозогистонда ижтимоий-сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланишига ислом динининг таъсири» мавзусида ўз фикрингизни ёзинг.

25–26-§

Қозоқ хонлиги давридаги ижтимоий-сиёсий онгнинг ривожланиши

Ўқиши мақсади:

- ✓ Қозоқ хонлиги давридаги тарихий шахсларнинг ижтимоий-сиёсий гояларини аниқланг;
- ✓ Қозогистонлик ижтимоий-сиёсий онгнинг ривожланишига тарихий шахсларнинг қўшган ҳиссаларига баҳо бериш.

Таяинч сўзлар:

Ўзбекча	Қозоқча	Русча	Инглизча
Ёвуз	Дию	Демон	Fiend
Империя	Империя	Империя	Empire

Мавзуга ўтиш:

1. Тарихий алломалар деб кимларни айтамиз?
2. Хонлар билан бийлар қандай хизмат бажарди?
3. Тарихий шахсларнинг ижтимоий-сиёсий фикрлари жамиятнинг кўз-карапларини билдира оладими?

1. Қозоқ хонлигининг қурилиши билан шаклланиши даврида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг ўзига хос хусусиятлари. Қозоқ хонлигининг XV асрнинг ўртасида қурилиши – узоқ давом этган қозоқ давлатчилигининг шаклланиш жараёнини хulosа қилди. Қозоқ давлатчилигининг шаклланиш тарихи қадимги сак, хун давридан бошланади. Кейин эса тарихий уйғунлик туркii даврда давомини топиб, Олтин Ўрда даврида ҳам қозоқ давлатчилигининг шаклланиш жараёни давом этди. Қозоқ давлатчилигининг шаклланиш тарихи узоқ кўхна давлардан бошланса, XV асрнинг ўртасида аниқ Қозоқ хонлигининг қурилиши давлатчиликнинг шаклланиш жараёнини якунлаган тарихий воқеа бўлиб саналади.



Керей ва Жанибек ёдгорлиги

Қозоқ хонлигининг қурилиш даври Мұхаммад Ҳайдар Дулати-нинг «Тарих-и-Рашиди» асарида 1465–1466 йиллар бўлиб белгиланган.

Қозоқ хонлигининг ташкил топиши кўчманчи Ўзбек хонлиги ёки Абулхайр хонлиги ва Мўғўлистан давлатининг тарихида ўрин олган сиёсий чигаллашув билан боғлик. Қозоқ хонлигининг жойлашиши Шарқий Даشت Қипчоқнинг, Еттисувнинг ва Туркистоннинг (Жанубий Қозогистон) бепоён ерида этак олган ижтимоий-иктисодий, этносиёсий жараёнларнинг қонуний якуни бўлиб ҳисобланади.

Кўчманчи мол чорвачилиги билан ўтроқ деҳқончилик, шаҳар маданияти шаклланган аралаш иқтисодиётли ўлкаларнинг табиий тифиз муносабати XIV–XV асрларда бутун қозоқ ерининг бир сиёсий тизимга бирлашишига қулай шароит яратди. Ҳудуднинг кўчманчи ва ўтроқ халқи иқтисодий, маданий, ижтимоий-сиёсий муносабатларининг ривожланиши қозоқ уруғлари билан қабилаларининг этник томондан бирлашишига, халқнинг узоқ давом этган шаклланиш жараёнининг амалда якунланишига сабаб бўлди.

Ўрта асрлардаги Қозогистон ҳудудида қозоқ давлатчилигининг пайдо бўлиб, ривожланиши қозоқ этносининг тараққий этишининг узоқ йўлида унинг бирдамлигини сақлаб қолиш учун аҳамияти катта бўлди.

Халқ қийин ҳарбий-сиёсий воқеаларни бошидан ўтказиб, давлатчиликнинг, тилнинг, маданиятнинг, ёзув билан этник асосини доимиyllигини таъминлаб, омон қолди.

1465 йилда Олтин Ўрданинг қулаши даврида дунёning тарихий харитасида янги давлат – Қозоқ хонлиги пайдо бўлди. Ўз даврида у марказлашган, қудратли, доимий давлат сифатида қўшни давлатларга ўзини тан олдирди. Қозоқ хонлари Олтин Ўрда давлатининг меросхўрлари сифатида қўл остидаги уруғлар билан қабилаларнинг бирлиги билан хавфсизлигини сақлаб қолди. Қозоқ хонлиги ташкил топгунга қадар ижтимоий маънога эга бўлган «қозоқ» атамаси сиёсий маънога эга бўлди. Бундан кейин қозоқ атамаси давлатнинг номи сифатида тасдиқланди.

2. Қосим хон ва унинг ижтимоий-сиёсий кўзқарashi. XVI асрнинг бошидаги йирик сиёсий раҳбарларнинг бири сифатида таниқли бўлган «қозоқ ерларини бирлаштирувчи» Қосим хон бўлди. Қосим хоннинг ҳукмронлик даврида Қозоқ хонлиги кучли-қудратли давлатга айланди. Қосим хон хонликни бошқарган йилларда Едил би-



Қосим хонни «Хон күтариш» расми

лан Ёйикгача бўлган ҳудуд тўлиғи билан хонликнинг таркибига кирди. Бепоён ҳудудни макон этган халқларнинг ҳукмрони сифатида у қозоқ халқининг этник ҳудудини шаклланиш жараёнини амалга ошириди.

Хоннинг қўл остида 160 мингта яқин доимий аскари бўлди. Аскар тўплаган вақтда эса қозоқ аскарларининг сони 300 минггacha етди.

Муаллифи белгисиз «Оlam-ара-йи шоҳ Исмоил» асарида Қосим хон хақида ажойиб маълумот учрайди: «Эгилиб салом бергандан кейин, Жанибек сultonнинг кўзи бир дақиқа Қосим хонга тушади. Қараса, подшо ўзининг тахтида ёвуз каби ўтирган экан! Тахти тоза соф олтиндан ясалган экан, тахтнинг тўрт бурчаги арслонинг, йўлбарснинг, қоллоннинг, аждархонинг бошлири ва қўшларнинг расмлари билан безатилибди. Бошига 70 минг Ироқ тумани турадиган қимматбаҳо тошлар билан қопланган «чингизхонлик» намунадаги бош кийим кийибди... 1200 амирчиси ёнида ўтирибди». Муҳаммад Ҳайдар Дулатининг: «Қосим хон ўз ҳукмронлигини Дашиби Қипчоққа таратди. Бу юртда Жўши хондан кейин ундан қудратли хон бўлган эмас» деб таъкидлаши, Қосим хоннинг ўз даврида катта ҳурмат ва обрўга сазовор бўлганини англатади. Қосим хоннинг сиёсий тамойиллари билан

Ёдингизга туширинг!

Мамаш хон отасининг сиёсий кўзқарашларини давом эттиридими?

халқига деган ғамхўрлиги ҳақида унинг ўғли Мамашга хавотирланиб айтган сўзларидан билишга бўлади: «*Менинг барча армоним – қозоқ ерини мустақил давлатга айлантириш бўлди ва мен унга эришдим*. Энди бошқа давлатлар каби ривожланиб, гуллаб-яшина, мустаҳкамланиши керак. Халқимизнинг номини баланд ушла, унинг маданиятини, урф-одатини доим ҳурмат қил! Бўлинганни бўри ейди деганни ҳеч қачон унумта. Ҳар доим бирликда бўл. Агар сен халқнинг бирлигини сақлаб қолгинг келса, ҳуқмронликка интилма, давлатда фуқаролар урушига йўл қўйма!»

Қосим хон ижтимоий ва давлат ҳаётининг анъанавий дастурларини бузишга йўл бермаслик учун одоб ҳуқуқини янгилади. Баъзи бир эски қонунларни бекор қилиб, шу тарихий даврдаги қозоқ жамииятининг турмуш шароитларига мослашган янги ҳуқуқий қонунлар тўламини яратди. Бу халқ ёдида «Қосим хоннинг қашқа йўли» деган ном билан сақланиб қолди. Қосим хон қўшни давлатлар билан тутув бўлишга ҳаракат қилди (Москва).

Алихан Бўкейхон: «*Қосим хон қозоқ халқини бириктириш орқали катта ҳарбий кучга эга бўлди. Қўл остидаги халқнинг бахти учун у ўзининг тинчлик сиёсати билан халқнинг ҳурматига сазовор бўлди, халқ орасида ўзгача таниқли бўлди*», – деб яхши тасвирлаб кетади.

Ёдингизга туширинг!

Хақназар хон ҳуқмронлиги йилларида сиёсий аҳвол қандай эди?

3. Хақназар ва Есим хон. Қозоқ хонлигининг таниқли сиёсий давлат арбобларининг бири Хақназар хон. У қозоқ халқининг бошини бирлаштирувчи шахс сифатида тарихда қолди. Ўз отасининг изидан юриб, ички ва

ташқи сиёсатда Қосим хоннинг ишини давом эттиреди. Хақназар аввалги Олтин Ўрда ва Чагатой улуси ҳудудидаги қўшни туркӣ халқлар билан давлатлар олдидаги хонликнинг таъсирини ўз ҳолига келтиришга ҳаракат қилди. Қадимги Олтин Ўрда ва чағатойликларнинг бир қисми бўлган туркӣ тилдош қўшни давлатларнинг ҳуқмдорлари орасида Хақназар катта ҳурматга эга ва ўзи билан маслаҳатлашишга мажбур қилган қудратли сиёсатшунос бўлди. Қозоқ хонлигининг оға хонлари Чингизхоннинг авлоди, қонуний меросхўрлари сифатида давлат бошқарди.

Мана шундай обрўли қозоқ хонларининг бири *Есим хон* эди. Есим хон давлат арбоби, дипломат, ҳуқмдор. У давлатнинг ерини

кенгайтириб, ўз даврида Ўрта Осиё давлатларининг бироз ерларини Қозоқ хонлигига қаратди. Есим шаклланган қийин сиёсий шароитлардан тўғри йўл топа олган ақлли ва моҳир раҳбар сифатида танилди. Ички сиёсий бирдамликни шакллантириб, Қозоқ хонлигини бир марказга бўйсунган давлатга айлантиришни ҳоҳлаган Есим хон ўзигача кўп ўзгаришларга учрамаган Қосим хоннинг қонунларини амалда қўллашни талаб қилди. «Қосим хоннинг қашқа йўли» деб номланган қонунни Есим шу даврнинг ҳарбий-сиёсий ва ижтимоий эҳтиёжларига, халқнинг турмуш тарзи билан урф-одатларига мос равишда тўлиқтириди. Қонун қоидалари ер, мол, жиноий иш (ўғирлик, одам ўлтириш ва бошқалар), ҳарбий мажбуриятлар ва бошқа масалаларни ўз ичига олди. Бу қонунлар тўплами Есим хоннинг ҳурматига «Есим хоннинг эски йўли» деб аталди.

4. Тавке хон ва унинг ижтимоий-сиёсий кўзқараси. Қозоқ хонлигининг таниқли давлат арбобларининг бири Тавке хон бўлди. Давлатнинг бирдамлиги ва унинг чегарасининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Тавке хон чегарадош давлатлар билан фойдали ва самарали, кўп қиррали ташқи сиёсат юргизди. Хон Олотов қирғизлари ва Орол қорақалпоқлари билан ҳарбий иттифоқ қуришга эришди. Мана шу ҳаракатларнинг натижасида Қозоқ хонлигининг ерига жўнғорларнинг ҳужум қилиш хавфи тўхтатилди. Қозоқ-қирғиз-қорақалпоқ бирлашган ҳарбий аскарлари душман ҳужумини қайтариб турди.

Тавке хоннинг барча хизматлари қўшни давлатлар билан дўстлик муносабат ўрнатишга ва давлат ҳудудини ташқи душманлардан ҳимоя қилишга қаратилди. Унинг мана шу мақсадда Россияга ва Ўрта Осиё хонликларига бир неча марта элчилар юборгани яхши маълум. Уларга юклangan вазифа ташқи душманга қарши курашиб учун ҳарбий иттифоқ қуриш бўлди. Тавке хоннинг ҳукмронлик қилган даври Қозоқ хонлигининг кучайиб, гуллаб-яшнаган даври бўлди. Ҳусусий эркинлиги, қулчиликнинг йуқлиги, бепоён далалар билан яйловлар, ҳарбий руҳдаги одамларни ҳурматлаш дастури Тавке хоннинг ҳукмронлик қилган даври қозоқ халқининг «олтин асли» бўлиб ҳисобланди.

Қозоқ жамиятининг бирдамлигини таъминлаш мақсадида Тавке хон анъанавий урф-одат қонунлари билан «Қосим хоннинг қашқа йўли» ва «Есим хоннинг эски йўли» қонунлар тўпламини янада

Ўйлаб кўринг!

Есим хоннинг қонунлар тўплами нима учун «Есим хонни эски йўли» деб аталди?



Тавке хон

тұулиқтириб, янги қонун тизимини яратди. Уч юзнинг таниқли бийларини түпладаб, Култепанинг бошида «Тавке хоннинг Етти низом» деб аталған қонунлар түпламини қабул қылды. Етти низомга суюнган қозоқ бийлари халқ орасидаги дов-жанжаллар билан сиёсий аҳамиятта эга масалаларни самарали равишда ҳал қила олди. Янги қонун тизими қозоқ халқининг ҳаёттій масалаларини барча томонларини ўз ичига олди.

Тавке хон даврида Жанубий Қозоғистон худудидаги Култепанинг бошида хон ва уч юзнинг таниқли ва обрўли вакиллари ҳар йили кузда бош қўшиб, халқнинг турмуш шароитига тегишли бўлган ўй-

фикрларини ўртада маслаҳатлашадиган қурилтой ўтказилиб турилган. Мана шу ҳақида ўз даврида Я.П. Гавердовский шундай деб ёзиб қолдирган: «*Тавке хоннинг ақли билан оқсоқоллар қозоқ юзларини бошқаришни тартибга келтириш мақсадида уч таниқли бийни (Улуг юзда Тўле бий, Ўрта юзда Қазибек бий, Кичик юзда Айтеке бий) сайлади, уларга ҳар бир овул бий-*

Үйлаб кўринг!
Тавке хон қозоқ тарихида исплоҳатчи бўлдими?

ларининг ёки тўралик қилувчиларнинг суд ишларини қандай юргизаётганлигини назорат қилиш вазифасини юклайди. Экинзор ерлар ҳақидаги келишмовчиликларнинг олдини олиш учун Тавке эл-юртнинг келишуви билан ҳар бир уругнинг кўчишига қишлоғ ва яйлов яшашиб жойларини белгилаб берди, уруглар ичидаги овулбошиларни тайинлаб қўйди, ўзининг қисқа ҳамда аниқ низомларига ҳалқ ёдида қолган баъзи бир қадимги қонун-қоидаларни қўшиб, уругбошиларининг якка ҳукмронлигини чеклади ва шу қонунларни болаларга ўргатиб, ёдлатишни мажбурлади».

Россия тадқиқотчилари М.И. Красовский Тавкени: «*Қозоқ давлатчилиги, халқининг ўйгунилиги билан бирдамлигини сақлаб қолиши учун кураш юргизувчи ҳамда адолатли ҳукмрон Тавке хон. Унга қадар ҳам, ундан кейин ҳам дала тўрида ҳудди шундай ҳукмрон бўлган эмас*», – деб юкори баҳолайди.

Тавке хоннинг даврида доимий давлат тизими: хон кенгаши, бийлар кенгаши иш юритиб, ҳар йили уч юз раҳбарларининг съез-

дини ўтказиш шаклланди. Тарихга «Етти низом» деган ном билан кирган Тавке хоннинг қонунларини тадқиқотчилар қозоқларнинг бунга қадар қўлланиб келган хуқуқ меъёrlарининг бир тизимга келтирилиб, тўлиқтирилган нусхаси деб қабул қиласди.

5. Абулхайир хоннинг кўзқараси. Давлатнинг келажагини ўйлаган, халқининг тинчликда осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаб, ерини сақлашга ҳаракат қилган, келажакдаги асрларни мўлжаллаб кўра олиш қобилиятига эга бўлган хонларимизнинг бири Абулхайир бўлди. Кичик юзнинг хони «Россия мустамлакасини» қабул қилган вақтда Россия империяси ўзининг эркинлиги билан мустақиллигига тажозув қилишини кутмади. Шундай бўлганда ҳам, деҳқонларнинг мол боқиши учун яйловларининг секин-аста қисқаришига ва Россия истеҳкомларининг солинишига Абулхайир қарши бўлди.

Россия *империяси* Абулхайирнинг ҳукмронлигини заифлаштириб, кейинчалик уни ҳукмронликдан тўлиқ четлатишга ҳаракат қилди. Россия ҳукумати ўғлини омонатга олиб, империя мустамлакасидаги бошқа халқларни Абулхайирга қарши қўйиб ўтириди.

Подшо ҳукуматининг асосий мақсадига кўзи етган Абулхайир уч юз қозоқларининг эркинлигини сақлаб қолишига ҳаракат қилди. Россия бўлса Абулхайирнинг қучайишига йўл бермаслиқни кўзда тутди. Умрининг сўнгги йилларида Абулхайир подшо ҳукуматига ишончсизлик билдириб, кураш бошлади.

Абулхайир халқини ҳимоя қилишда мардлик билан жасурлик кўрсатиб, дўстга меҳрибон, душманга шафқатсиз ботир бўлди. Россия империясининг юргизган мустамлакачил сиёсатига қарши бўлди, ер масаласи уни қаттиқ безовта қилди. Едил-Ёйик оралигини сақлаб қолиш учун қозоқларнинг Россия империяси билан кураши узоқ йиллар давом этиб келди. Абулхайирнинг: «Ёйик дарёси қачон қуриб, суви тугаб қолмагунча қозоқлар унинг бўйидан кетмайди», – деб очик-ойдин айтган

Тадқиқот юргизинг

Абулхайир хоннинг сиёсатига тегишли ўз фикрингизни билдиринг.

Фикрингиз зарур!

Абулхайир хон кўзлаган мақсадига эришдими?



Абулхайир хон

сўзи мустамлакачи ҳукмронликка қарши курашининг белгиси бўлиб ҳисобланади.

Россия ҳукумати сиёсатининг асосий мақсадини ўз вақтида тушунган Абулхайирнинг подшо талабларига бўйсунмаслиги, давлат мустақиллигини сақлаш йўлидаги чора-тадбирлари мустамлакачиликка қарши курашганини билдиради.

6. Абилай хоннинг ижтимоий-сиёсий кўзқараси. Абилай хоннинг барча ички ва ташқи сиёсий хизмати бир марказдан бошқариладиган мустақил давлат қуришга йўналтирилди. У чексиз ҳукмронликка эга бўлди, уни халқ қўллаб-қувватлади. Бу ҳақида таниқли олим, маърифатпарвар Чоқан Валиханов шундай деб ёзди: «Абилай ўзгacha ҳусусияти бор муқаддас, ажойиб қудрат эгаси бўлиб ҳисобланади. Ҳеч бир хон Абилай каби чексиз ҳукмронликка эриша олмади».

Ўйлаб кўринг!

Абилай хоннинг кўзқарасининг шаклланишига қандай шароитлар таъсир кўрсатди?

Россия подшосига қариндошларим Абулхайир билан Абилмамбет хонлар дунёдан ўтди. Уларнинг изини босган менга хонлик қуриш ҳурмати насиб этди», – деб, кейин Туркистон шаҳридаги Ҳазрат Султон пойида хон сайловининг расмини ўтказиб, бош хон лавозимига қонуний

равиша тасдиқланганини эълон қилди: «Мени қозоқ халқининг уч Алашининг хони этиб, оқ кийгизга кўтарди». Абилай катта сиёсатда халқ манфатларини ҳамма нарсадан устун қўйди. Абилайнинг моҳир ва доно ташқи сиёсати Қозоқ хонлигининг ҳудудига бегона давлатларнинг кирмаслигини таъминлашга йўналтирилди. У биринчи навбатда Россия ва Хитой империяларининг ўртасида жойлашган Қозоқ давлатининг геосиёсий шароитига мослашган сиёсат юргизди. Абилай ўзининг ҳукмронлик ерларида икки йирик давлатнинг таъсирини кучайишига йўл бермай, улар билан мумкин қадар муросада бўлишга ҳаракат



Абилай хон

қилди. Қозоқ давлатининг шарқдаги ва шимолдаги қўшниларидан узок ушлашининг имконияти жуда зарур эди.

Абилай хон икки йирик империянинг ўртасида ҳукмронлик қилгани учун Россия билан муносабатларга кўп кўнгил бўлишни тўғри деб ҳисоблади. Бироқ Россия подшо ҳукуматининг мустамла-качилик сиёсатининг чуқурлашиши унинг шарқий қўшниси билан яқинлашишга мажбур қилди. Дарҳақиқат, Хитой Қозоқ хонлигига тегишли хон ҳукмронлигини бекор қилиш ёки заифлаштириш учун фаол ҳаракатлар юргизмади. Ҳатто 1767 йилда Хитой ҳукумати қозоқларга аввалги Жўнгор ҳудудининг бир қисмида кўчиб-қўниб юришига руҳсат берди. Қозоқлар у яйловларни фойдалангани учун ҳақ тўлашга мажбур бўлди.

Абилай ҳукмронлиги даврида Оренбургга омонат юборишдан ва шимолий қўшнисининг вакиллари билан Оренбургга бориб учрашишдан бош тортиди. Шимолий қўшниларидан келган элчиларни қабул қилмай, ҳар хил баҳоналар айтиб, қайтариб юборган. Абилайни омонатга болаларини олиш учун Оренбургга бир неча марта чақириб келтира олмагандан кейин, подшо ҳукумати хон билан ҳисоблашадиган бўлди. Абилай хон Россия билан ўзаро тенг томонли муносабат ўрнатди.

7. Оқинлар билан жировлар ва уларнинг Қозоқ хонлигининг ижтимоий-сиёсий ҳаётига бўлган қўзқарashi. Қозоқ хонлигининг қурилиши даврида ҳаёт кечирган буюк шахсларнинг бири *Асан қайгу* (XIV асрнинг охири – 1460 йил). У қадимги Ёйиқ билан Едилнинг оралиғидаги қишловлар билан яйловларни расмга олиб, мана шундай ажойиб юртда бахтли ва омадли ҳаёт кечира олади деб қуylади. Асан қайғунинг асосий армони – халққа қулай макон излаш.

Қозоқ хонлиги давридаги жировлар юрт бошқарган хонлар билан бир қаторда юрган, уларга маслаҳат бериб, душманга қарши йўл бошлаган. Жировлик ҳунарни ботирлик билан уйғунлаштирган таниқли оқинларнинг бири *Дўстмамбет жиров*. У ўз замондошларини кўчманчиларнинг буюк хусусиятларини сақлаб, келажак авлодларга етказишга чақирди. Мустақиллик йўлида фуқаролик бурч, ор-виждон, мардлик каби доимий қадриятларни биринчи ўринга қўйди.

Юрт бошига кулфат келган оғир дақиқаларда жировлар юрт бирдамлигини сақлашга, душманга қарши курашда барча кучни

Таҳлил қилинг

Абилай хоннинг ички сиёсатдаги ҳатти-ҳаракатларини таҳлил қилинг.

Фикрингиз зарур!

Асан қайғунинг қозоқ тарихидаги ўрни қандай?

бирлаштиришга чақирди. «Ақтабан шубиринди» воқеасини бошидан қечирған Ақтамберди жиров халқни ота душман билан курашга чақирди. Барча қозоқларнинг бирлашиб отга минишини, жүнгөрларга кучли зарба беришини армон қилди.

Биз ҳам бир қуарми эканмиз?!
Қулата тоғға қўл суқиб,
Камоннинг ўқини мўл солиб,
Бетпоқнинг энг бир чўлидан
Кескинлаб юриб йўл солиб,
Қўлни бир бошларми эканмиз?!

(*Беш аср куйлайди. XV асрнинг боши-XX асрдаги қозоқ поэзияси. –Алмати, 1993*)

Давлатнинг мустақиллиги билан эркинлиги қил устида турган вақтда жировлар ўтқир сўзлари билан халқни бирликка чақирди.

Фикрингиз зарур!

Ҳозирги вақтда оқинлар билан жировларнинг жамиятдаги хизмати қандай?

Машҳур жировларнинг бири, Абилай хоннинг маслаҳатчиси, қозоқ халқининг «кўмекей авлиёси» *Буқар Жиров Қалқамонўели* бўлди. Жиров хонга давлат бошқариш ишида маслаҳат бериб турди. Жировларнинг асосий ғояси – халқ бирлиги билан ер бирдамлиги. Буқар ўз жирлари билан «Ёдга тизгин бермангиз, тухмат билан бош кетар» деб эл-юртни босқинчи ёвга қарши курашда бирлаштиришга, бир байроқнинг тагига жамлаштиришга куч сарфлади.

Буқар жиров Абилай хоннинг маслаҳатчиси ва доно бийи сифатида хонга танқид ҳам айтиб ўтирган. Хонни халқнинг манфаатларига қарши келадиган ёқимсиз ҳатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиб, «Димогланма, жўнгорни енгган сен эмас, халқ» деб эслатма бериб, сабрга чақирди. Буқар жиров хон ҳукмронлигининг мустаҳкам бўлиши йўлида курашиш билан бир қаторда, бекорга урушмасликни, тинч-тотув қўшничилик муносабатларни сақлаб қолишни маслаҳат берди: «Абилай хоннинг ёнида, Буқар аканг куйлайди. Куйлаганда нима дер: урушма деб куйлайди».

Үйлаб куринг!

Сиёсий масалаларда жировлар ўз фикрларини билдиридими?

Умбетай, Таттиқара ва бошқа оқинларнинг жирларида жўнгор босқинчиларига қарши курашда халқ ясоғи билан ботирлар мардлиги, юрт билан ерни ҳимоя қилиш, давлатчилик ғояси чуқур ифодаланди.

8. Қозоқ бийлари ва уларнинг ижтимоий-сиёсий қўзқараши. Қозоқ давлатининг тарихида юрт бошқариш ишида бебаҳо доноликлари билан эл-юртга таянч бўлган *Тўле бий*, *Қазибек бий* ва *Айтеке бий* номлари белгили. Босқинчилик замонларда бийлар энг асосийси юртнинг бирдамлиги билан мустақиллигини сақлаб қолиш эҳтиёжига чақирди. Бийларнинг энг асосий мақсади ор-виждон тозалигини сақлаш бўлди. Улар жамиятда умумодамзодлик ва миллий қадриятларни насиҳатлаб, оддий меҳрибонлик, адолатлик, яхшилик каби одамгарчилик хусусиятларни сақлаб қолишга чақирди.

Бий-чечанлар ўйларини поэзия турида етказди. Мана шундай мақол-маталларга айланган Тўле бийнинг ҳикматли сўзлари бор: «Дўстингга ёлғон гапирма-ишончинг кетар, душманингга сирингни айтма- тагингга етар». Ёки: «Аёл олсанг чиройига қизиқма, авлоди яхшини ол».

Қазибек бий Қозоқ хонлигининг қўшни давлатлар билан муносабатда доимо дўстона сиёsat юргизишни, бошқаларга тобе бўйламасликни эслатиб ўтади: «*Биз қозоқ деган мол боққан юртмиз, ҳеч кимга тегмасдан жим ётган юртмиз. Юртимиздан қутбарака қочмасин деб, чегарасини ёв босмасин деб, Найзага укки таққан юртмиз, ҳеч бир душманга бўйсунмаган юртмиз. Бошимиздан сўз оширмаган юртмиз, дўстликни сақлай олган юртмиз. Нон-тузни оқлай олган юртмиз*».

Машхур Анет Қазибек бийдан: «*Бий, сен бу ҳаётда кимга қарздорсан? – деб сўраган экан. Шунда Қазибекнинг: «Энг аввал Оллоҳга қарздорман. Ундан кейин онамга. У мени дунёга келтир-*»



Тўле бий



Қазибек бий



Айтеке бий

ди. Ундан кейин – отамга. У мени тарбиялади, ўстирди, билим берди. Ундан кейин халқимга. У мени қадрлаб, кўтара олди. Ундан кейин Сизга, устозимга. Сиз менинг кўп нарсага кўзимни очдингиз», – деган жавоби бобомизнинг юқори фаросат эгаси эканлигининг ёрқин мисоли.

Тавке хоннинг маслаҳатчи ва ёрдамчиларининг бири Айтеке бий бўлган. Унинг исми халққа чечанлиги, топқирлиги билан маълум. Янги ғоялар билан фикрларнинг муаллифлари таниқли хон ва султон, бий ва шажарачилар, жировлар ва чечанлар бўлди. Буюк дала донолари халқни бирдамликка чақириб, юртни сақлаш йўлида курашга отлантириди.

- ? 1.** Жировлар ва оқинларининг Қозоқ хонлигининг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни қандай?
- 2.** Қозоқ хонлари жамиятдаги бирдамликни таъминлашда қандай хизмат бажарди?
- 3.** Бийларнинг жамиятнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги хизматига баҳо беринг.
- 4.** Қозоқ тарихида Тавке хон даврини нима учун «Олтин аср» деб атайди?



Чингиз авлоди – Чингизхондан тараидиган тўра авлоди.

Дио (жин, пари, афсонавий қаҳрамон) – бақувват, кучли, сехрли жон эгаси сифатида таърифланади.

Империя – мустамлакага эга йирик монархия давлат.

Ижодий топшириқлар.

1-топшириқ. «Қозоқ хонлиги давридаги тарихий шахсларнинг ижтимоий-сиёсий онгнинг рифожланишига қўшган ҳиссаси» мавзусида ёзинг.

2-топшириқ. «Бийлар дастурини янгилашга эҳтиёж борми?» мавзусида ўй-фикарингизни ёзинг.



«...Султон Абилай ҳудди шу вақтда кун ўтган сайин кучайиб борди. Ўзи билан замондош қирғизларнинг (қозоқларнинг – муаллиф.) ҳар қайсисидан бўлса ҳам айёрги билан тажрибаси томонидан ортиқ, ақл-фаросати томонидан таниқли, қўл остидаги халқнинг сони томонидан қудратли амирчи. Уч юзга ўзининг Рус давлатининг императори билан ҳам, Хитой бўғдихони билан ҳам муносабати орқали обрўси ортган Абилайнинг бўйида йўрта юзнинг ҳукмдори бўлишга керакли хуқуқнинг барчаси бор эди. Ўзининг ортиқчиликларига тўлиқ ишонган у ўз тарафдорларининг барчасини моҳирлиги билан, сабрли хулқ-атвори билан лол

қолдириб, қизиқтириб, ўзи томонга торта оладиган, ўзининг душманларини куч кўрсатиб қўрқита оладиган, турли хил шароитга қараб эса ўзини баъзан русларнинг қўйл остида, батъизда хитойларнинг қўйл остида бўлгани каби тута олиши, бироқ амалда ҳеч кимни тан олмайдиган мустақил ҳукмдор эди. Унинг бу хусусияти айниқса 1771 йилдан кейин ёрқин кўринди. У бу даврда Россияга сиртдан бўлса ҳам тобега ўхшаб кўриниш ҳақида ўйлашни ҳам қўйди, иккисизламачилик қилмасдан ҳам, ўзини» тўлиқ мустақил ва эркин хонман деб атай бошлади».

Левшин А.И. Қирғиз-қозоқ ёки қирғиз-қайсақ ўрдалари ва далаларининг таърифи. – Алмати. 1996, 254-бет.

- 1. Абдийнинг бўйида қандай хусусиятлари бор эди?
- 2. Сиз нима деб ўйлайсиз, у ўзини Россия билан Хитойдан мустақил деб ҳис қила олдими?

27–28-§

«Зор замон» оқими вакилларининг мафкуравий қадриятлари

Ўқиши мақсади:

- ✓ Қозоқ миллий давлатчилигининг тарихий тақдири ҳақида «Зор замон» вакилларининг ғояларини тушунтириш;
- ✓ Қозоғистондаги ижтимоий-сиёсий онгнинг ривожланишига тарихий шахсларнинг қўшган ҳиссаларини баҳолаш.

Таянч сўзлар:

Ўзбекча	Қозоқча	Русча	Инглизча
Зор замон	Зар заман	Зар заман (эпоха скорби)	Zar zaman (Era of sorrow)
Этноҳудуд	Этноаумақ	Этнотерритория	Ethno-territory
Шўртанбой Қанайўғли	Шортанбай Қанайұлы	Шортанбай Канай- ұлы	Shortanbay Qa- naiuly

Мавзуга ўтиш:

«...бутун бир даврда бир хил йўналишда шеър айтган шоирларнинг барчасига «Зор замон шоирлари» деган ном қўйдик».

M. Аvezov



1. XIX асрнинг биринчи ярмида давлатнинг ижтимоий-сиёсий аҳволини ёдингизга туширинг.

2. Муаллиф нима учун «зор замон шоирлари» деган ном қўйди?

1. «Зор замон» поэзия йўналишининг шаклланишининг шартшароитлари. Қозоқ халқининг XVIII асрдаги Ватан ҳимоясидаги кураши «Мардлик даври» деб аталади. Шу вақтдаги жировлар ёш авлодни ёвдан қўрқмай қарши туришга, мардлик ва ботирликка чақирди. Эпик жанрда ижод қилган Ақтамберди:

Кулдир ҳам кулдир кишнатиб,
Тулпорни минармиканмиз,
...
Оловли найза қўга олиб,
Ёвни қочирамиканмиз! –

деб халқни қаҳрамонликка чақирди.

XIX асрнинг бошида қозоқ адабиётида аввалги қўшиқчилик дастури аста-секин четлатилиб, унинг ўрнини алоҳида поэтик ижод әгаллай бошлади. Агарда авваллари ботирларнинг мардликларини насиҳатлаш босим бўлса, XIX асрдан бошлаб кундалик ҳётнинг ҳар бир соҳаларини, оддий одамни, унинг ички дунёси билан хулқатворини куйлашда янги йўналиш шаклланди. Бу мустамлакачилик сиёсатига қарши миллий-озодлик ҳаракатни, халқнинг дардиди куйлаган оқим эди.

Бу вақтгача қозоқ-жўнғор урушлари якун топиб, Едил қалмоқлари билан Олотов қирғизларига ҳарбий юришлар тўхтатилган эди. 1755 йилдаги қозоқ-бошқурт тушунмовчилигидан кейин икки қариндош, оға-ини халқлар ўртасида бироз илиқлиқ ўрнатилгани билан, эски араз бор эди.

Ёдингизга туширинг!

Миллий-озодлик қўзғалонларнинг қозоқ тарихидаги аҳамияти қандай?

Шу билан бир қаторда қозоқ даласида ҳарбий истеҳкомлар билан округ марказларининг қурилиши юргизилди. Кичик ва Ўрта юз қозоқлари қадимдан буён кўчиб-қўниб юрган ерларидан қувиб чиқарилди. Бунинг ўзи қадимдан шаклланган кўчиб-қўниш тизимини бузди. Подшо ҳукуматининг ерни зўрлик билан босиб олиши натижасида кўплаб қозоқ уруғлари дастурли мол яйловларидан айрилиб қолди. Бир вақтларда ривожланган мол чорвачилиги тифириққа тиралиб, ночорлаша бошлади.

1822–1824 йилларда қозоқ хонлиги бекор қилинди. Шунинг натижасида Кичик юз ва Ўрта юз қозоқлари ўзларининг дастурли давлатчилигидан айрилиб қолди. Қозогистон аста-секин Россия империясининг мустамлакасига айланди. Бўкей Ўрдасида хон ҳукмронлиги 1845 йилгача сақлангани билан, подшо империяси-

га түлиқ тобе бўлиб, ҳарбий истеҳкомлар қуршовида қолди. XIX асрнинг биринчи ярмида Қозоғистон ҳудудидаги мустамлакачилик ҳаракатлар кучайиб борди. 1810 йил подшо ҳукумати Қичик юз ерининг бир қисмини тортиб олиб, Янгиелек истеҳкомини қурди. Қозоқлар 600 минг десятина яқин унумдор яйловларидан айрилди. Маҳаллий аҳолилар у ерлардан куч билан кўчирилди.

1835 йил ана шу *этноҳудудий* бирлашмада подшо ҳукумати янги истеҳком ҳудудини қуриб, 3 млн. 400 минг десятина ерни яна тортиб олди. Маҳаллий аҳоли ўз ерларини ўzlари ижарага олиб, хақ тўлаб турдиган бўлди. Мана шу воқеаларнинг барчаси И.Тайманўғли ва М.Ўтемисўғли, К.Қосимўғли, Ж.Нурмухаммадўғли, К.Кўтибарўғли раҳбарлигидаги бир қатор қўзғалонларнинг бошланишига туртки бўлди. Мустамлака тобелик устун бўлган шароит XIX асрдаги қозоқ шоирларининг ижодидаги асосий мавзуга айланди.

2. «Зор замон» даври поэзиясининг мазмуни билан мафкуравий қадриятлари. Ёзувчи М.Ауезов атаб айтгандай, «Зор замон» даврининг шоирлари XIX асрнинг ўртасигача халқнинг ўтган эркин ҳаётини қўмсаб, миллатни маънавий қадриятларидан ажрамасликка чақириб, халқнинг бирдамлигини сақлаш зарурати ҳақида сўзлади. Улар Россия подшолигининг мустамлакачилик ҳукмронлигига, халқнинг ўз ерида девона ҳолатига тушганлиги га кўнмади. Зор замон шоирлари халқнинг келажаги учун хавотирланди, ўтмишни соғинч билан, қўмсаш билан эсга олди. Бўлис раҳбарларининг порахўрлиги, қозоқ бийларининг адолатсизлиги, жамиятда ўрин олган туҳмат, фийбат ва бошқа ҳолатлар танқид қилинди. Бу шароитдан чиқиш йўлини шоирлар нариги дунё билан таққослаш билан чекланди. Халқ бошига тушган кулфатни охирзамон билан тенглаштириди.

XIX асрнинг биринчи ярмида подшо ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати кучайди. Миллий-озодлик ҳаракатлар аёвсиз бостирилгандан кейин халқ эртанги кунга ишончини йўқотди.

Зор замон шоирлари ижодларидағи асосий ўртоқ ғоя – юрт бирдамлиги билан давлатнинг ҳамжиҳатлиги, асосий тушунчалари – «бирлик», «юрт»: «*Биз бирлик-баракадан айрилиб қолмоқдамиз, шундай давом этаверса тамом бўламиз*». Мана шу йўлда шу даврдаги шоирлар мустамлакачиликни айблаб, қозоқларнинг миллий онгидан, миллатнинг борлиғидан айрилиб қолмасликка чақирди.


Ўйлаб қўринг!

«Зор замон» шоирларининг ижодларида демократия белгилари акс этдими?

«Зор замон» даври шоирлари ижодларининг асосий мафкуравий қадрияти – ўтган ва бахтли даврни чукур тушуниш орқали қийинчиликларни енгиб, келажакка интилиш, халқнинг руҳиятини кўтариш бўлди. Бу даврининг шоирлари ўз шеърларида подшо ҳукуматининг ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маданий, хўжалик мустамлакасига очиқ равишда қаршилик кўрсатди. Қозоқ халқининг озодлик йўлидаги кураши алоҳида кўйланди.

«Зор замон» даври шоирларининг кўз олдида дала халқининг ижтимоий-иктисодий шароити кескин ёмонлашди. Улар замон гувоҳкорлари сифатида подшо ҳукумати қозоқларнинг ерларини тортиб олиши натижасида мол яйловларининг қисқариши, мустамлакачил ҳукуматнинг шафқатсизлиги, турли хил даражадаги чиновникларнинг порахўрлиги каби салбий ҳодисаларни ўз шеърларида ифодалади. Бу оқимнинг шоирлари халқ учун хонлик даврдаги душманга қарши отланган хонлардай ҳукмдорларни орзу қилди. Уларнинг ижодларида ўтган замонни соғиниш, келажакдан умиднинг йўқлиги каби қайғу-ҳасратга берилиш белгилари ҳам сезилади.

XIX асрнинг 40-60 -йилларидағи поэзиянинг ёрқин вакиллари қаторига Дулат Бабатайўғли, Шўртанбай Қанайўғли, Мурат Мўнкеўғлиларни қўшишга бўлади. Булар «Зор замон» даврининг шоирлари деб аталди.



Дулат Бабатайўғли

3. Дулат Бабатайўғли. У Шарқий Қозоғистон вилояти, Аягўз туманида дунёга келган. Мустамлакачилик сиёсатнинг кучайғанлигини, яъни 1822-1824 йилларда хонлик даврнинг тугатилишини, округ марказларини қурилишини, 1867-1868 йиллардаги маъмурият ислоҳатларини, миллий-озодлик қўзғалонларни ўз кўзи билан кўриб, танаси билан ҳис этган Дулат Бабатайўғли ўз шеърларида халқнинг бошига тушган қийинчиликларни куйлади. «Ў, Сариарқа, Сариарқа» номли шеърида қозоқларнинг оғир шароитини тасвирлайди. «Кенесбойга», «Бараққа», деб аталган шеърларида қозоқлардан тайинланган ҳокимларнинг ёқимсиз образларини тасвирлаб, очиқ айтди. Улар ўз халқини ёвдай талаган, сотилган ҳокимларни мустамлакачиларнинг ўйинчоfigа айланди деб айблади. Шоир буюк Абилай давридаги Қозоқ хонлиги қайта

тикланган күнларни орзу қиласы. У ўзининг ижод намуналарида халқнинг эркинлиги учун курашганларни мақтаб ўтади.

Шоир «Васиятнома» шеърида халқнинг ўтган умрини куйлади. У даврда далаликларнинг ҳәётини тартибга келтириб турадиган урф-одатлар ва миллий анъаналарнинг қонуний аҳамияти жуда катта бўлди. Янги даврдаги дастурли қозоқ жамияти инқизорзга учраб борайтганлигини шоир куйиниб айтади. Дулат Бабатайўғли бирлашган Қозоқ хонлигининг ерини Россия империясига берриб қўйган хонлар билан сultonларни ҳатти-ҳаракатини, подшо ҳукуматига хизмат қилган қозоқларни танқид қилди.


4. Шўртанбой Қанайўғли. Шоир ҳозирги Қарағанда вилоятининг Шет туманида дунёга келган.

У ўз даврининг энг таниқли шоирларининг бири. Ўзининг шеъларида шоир жамиятнинг ижтимоий тузумининг ўзгаришларга учраган сирини фош этиб, бой ва камбағалга бўлинишнинг кучайганлигини айтади. Россия империясигининг мустамлакачилик сиёсатининг натижасида халқ сиёсий, иқтисодий ва маънавий зулмга учради. Шу даврнинг қийинчиликлари ҳақида Шўртанбой Қанайўғли «Зор замон» номли шеърида мунгли қўшиқ яратади. Халқ орасида кенг таралган мана шу шеърдан бошлаб, «зор замон» шоирлари деб атала бошланган.

Шоир ўз шеъларида юритидан, давлат тизимидан айрилган, мустамлака ҳолига тушган халқининг аччиқ зори билан ўчмас афсусини ифодалайди. «Зор замон» шеърида шоир қозоқларнинг Россия таркибиға қабул қилиниш жараёнига қаршилик билдириб, подшо ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатининг салбий томонларини: чўқинтириш, чорвадорларнинг оммавий кўчиши, ҳарбий чегаралар билан истехқомлар солинишини мардлик билан айблайди. Шўртанбой қозоқларнинг деҳқончиликка кўчиши анъанавий мол чорвачилигига заар келтиради деб тушунди. Шоир янги ҳаёт тарзи халқнинг шаклланган онгига қаршилик олиб келганини, халқнинг руҳияти билан турмуш тарзига ёқимсиз ўзгаришлар келтириб чиқарганини танқид қиласы.

Изланинг!

«Зор замон» шоирларининг ижодидан қозогистонлик мърифатпарварларни аниқланг.




Шортанбай Қанайўғли

«Бийлар пора олманглар!» деган шеърида шоир юрт ичидаги ижтимоий масалаларни шеърга қўшиб, ҳукм чиқарадиган бийларнинг пораҳўрлик ҳаракатларини айблаб, танқид қилди.

Шўртанбай ҳар доим дин қоидаларини устун қўйиб, диндан ҳимоя излайди. У фуқароларга ислам қадриятларини эсдан чиқармай, фарзларини бажариш кераклигини ёдига соладыи. Шоир ўз даврига миннатдор бўлмай, умидсизлик билан афсусланиб, шеърга қўшди:

Қурт тушди бўйинга,
Торилиб нафас олганда.
Зор билан битди ҳаётим,
Ёрилқа энди орқамни.

Шўртанбой ўз замондошлари ўртасида айтискер оқин сифатида таниқли эди. Вақтида у Ўринбой, Шўже оқинлари билан сўз беллашувига иштирок этиб, халқнинг ёдида қолган. 1888 йилда Шўртонбой оқиннинг баъзи бир ижод намуналари («Қисса Шўртанбой», «Бола зори») Қозон шахрида чоп этилди. Кейинги йилларда улар беш марта қайта нашрдан чиқди.



Мурат Мўнкеўғли

5. Мурат Мўнкеўғли. Бу даврнинг таниқли вакилларининг бири Мурат Мўнкеўғли бўлди. Шоир «Қозтуған», «Уч қиян» шеърларида элда оммавий қўчиб келувчилар пайдо бўлиб, қозоқларнинг еридан айрилганлигига қаттиқ куйинди. Бундан қутилишнинг бирдан-бир йўли – баҳтсиз манзилдан қутлуғ маконга қўчиш, қулай макон излаш. Шоир юртнинг бирдамлигини, ерини ҳимоя қилган аввалги якка ҳукмдорларнинг сиёсатининг натижасида мустамлакачиликка йўл берилмаган кечаги кунни эсга туширди. «Сариарқа» шеърида Мурат Мўнкеўғли мустамлакачилик сиёсатининг натижасида она халқининг қадимги маконидан айрилганини очиқ равишда айблайди. Шу билан бир қаторда шоир қозоқ жамиятида исломнинг аҳамиятига алоҳида эътибор беради. У мусулмончиликни кучайтиришни маънавий қўрғон сифатида кўрди.

Мурат Мўнкеўғли «Уч қиян» шеърида Россиянинг Қозогистонни босиб олиши ва мустамлакага айлантириши вақтида қозоқ халқининг оғир шароитини ҳақиқатдан тасвирлайди:

Едилни тортиб олгани –
Этакка қўлни солгани.
Ёйикни тортиб олгани –
Ёқага қўлни солгани.
Ўйилни тортиб олгани –
Ўйидагини бўлгани.

Мурат Мўнкеўғлининг «Аттанг, бар қоп дунё» шеърида ердан айрилишининг сабабини айтган: «Нўгайли, қозоқ – нодон юрт, Бирлигининг ҳам камчилиги» сатрлари миллат бирлигини йўқота бошлаган халқини бир миллат бўлишга чақирганини далиллайди. Баъзи бир пессимилик ҳаракатлар бўлганлигига қарамасдан, у халқни мустамлакачиликка қарши ҳаракат қилишга чақирди.

6. Абубакир Кердери. Моҳир ва қобилиятли шоирларнинг бири Абубакир Кердери 1858 йил ҳозирги Фарбий Қозогистон вилоятида дунёга келган. Абубакир кердери ўз даврининг ўқимишли ва билимли фуқароси сифатида Урал, Ақтўбе, Ўр шаҳарлари атрофидаги қозоқ овулларида устозлик қилиб, болаларга билим берди. Унинг шеърлар тўплами 1905 йил Қозон шахрида нашр этилди.

Шоир ўз поэзиясида аввалги эл бирлигини, қозоқларнинг ҳеч қандай тарқоқликка таслим бўлмаган даврини соғинади. Юрт учун жон аямай курашишга чақиради: «Ёмон қолиб, яхшиниг вужуди қизийди, Алашлаб қирга чиқиб шиор чақир!».

Шоир ўзининг шеърларида ислом дунёсига кўп эътибор бериб, қозоқ ерида динни кучайтиришни қўллайди. У кучли хон ҳукмронлиги даврини соғинди. Шоир ўз шеърларида ватандошларини ўқишишга ва билимга, илм ва хунар ўрганишга чақиради. Жамият ҳаётидаги билимнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида: «Бой билимсиз бўлса гадо бўлади», – деб эслатиб ўтди.

«Зор замон» шоирлари халқнинг турмуш шароитини ўйлаган миллат жонкуярлари сифатида танилди, миллий адабиёт тарихида ўзига лойиқ ўрин олди. Улар шеърлари орқали подшо ҳукуматининг ҳарбий-мустамлакачилик ҳаракатларидан аввалги эркин ҳаётидан айрилган қозоқ халқининг қайгули тақдирини кейинги авлодга етказди.

- ? 1. «Зор замон» шоирларининг мақсади қандай бўлди?
- 2. «Зор замон» даври қозоқ давлатчилиги учун кураш бўлди», – деган фикр билан келишасизми?
- 3. Бугунги адабиётда «Зор замон» шоирларининг таъсири сезиладими?

Ўйлаб қўринг!

Шоирнинг бу шеърий сатрларидан нимани англашга бўлади?



«Зор замон» – XIX асрда Қозоғистонинг Россияга қўшилиши якунланиб, подшо ҳукумати аввалги давлат бошқарув тизимини бекор қилиб, 1867–1868 йилларда қозоқларни бошқариш ҳақидаги қоида бўйича янги тартиб ўрнатган даврда пайдо бўлган оқим.

Этноҳудуд – бир-бири билан ижтимоий-иқтисодий алоқадаги этник ҳамжамиятчилик турадиган ҳудуд.



Мурат Мўнкеўғли (1843–1906) – қозоқ поэзиясининг таниқли вакили, айтишувчи оқин, жиров.

Шўртанбой Қанайўғли (1819–1881) – шоир. XIX асрда умр сурган қозоқ халқининг тарихидаги йирик вакилларининг бири.

Матн билан ишлаш.

INSERT жадвали орқали «Зор замон» оқими вакилларининг ижтимоий-сиёсий кўзқарашларига хulosha чиқаринг.

+	✓	?	-
Янги маълумот	Фикримни тасдиқлайди (биламан)	Мени ўйлантириди (ажаблантириди)	Менинг фикримга қарши (тушунарсиз)

Ижодий топшириқ. «Зор замон» вакилларидан бирининг ижоди ҳақида эссе ёзинг.



«...Қирғиз (қозоқ – муаллиф) кўшиқчиларининг орасида қўшиқни ажойиб ижро этадиган моҳир шахслар бор. Улар қўшиқни айтилиш марами билан таъсирини ўзларича кучайтириб юбора олади. Бунинг ўзи фақатгина қўшиқ куйлаш эмас, қўшиқни маромига келтириб, хонандалик маҳорат билан ижро этиш бўлиб саналади. Қирғиз (қозоқ – муаллиф) ўзларининг қўшиқларини қайта кўриб чиқиб, гўзаллик ҳусусиятини ортиришдан чарчаган эмас. Шунинг натижасида қирғиз қўшиқлари ўзгача бўлак, чиройли бўлиб келади. Унинг мусиқасини эшита бошлаганданоқ қирғизларнинг (қозоқларнинг – муаллиф) даласининг баъзида иссиқ хавосини, баъзида қирғиз (қозоқ – муаллиф) ерининг ажойиб гўзал кўринишини кўз олдига келтиргандек, ҳатто дала ўсимликларининг тараган хушбўй ҳидини сезингандек бўласан-дала жусанининг ҳиди бурнингни ёриб юборгудек роҳат сезим чулғаб олади...»

Потанин Г.Н. Уч томли танланган ижод намуналари. – Павлодар, 2005. – З-том, 116-бет.



1. Потанин қўшиқчилар билан бастакорларни қандай тасвирлайди?
2. Олимнинг қозоқ қўшиқларига деган кўзқараши қандай?

XIX асрдаги қозоқ маърифатпарварларининг ижтимоий-сиёсий қўзқараашлари

Ўқиши мақсади:

- ✓ XIX асрдаги қозоқ маърифатпарварларининг ижтимоий-сиёсий хизматини таҳлил қилиш;
- ✓ Қозоғистондаги ижтимоий-сиёсий онгнинг ривожланишига тарихий шахсларниң қўшган ҳиссасини баҳолаш.

Таянч сўзлар:

Ўзбекча	Қозоқча	Русча	Инглизча
Шўқон Валиханов	Шоқан Уәлиханов	Шокан Уалиханов	Shokan Ualikhanov
Ибирай Алтынсарин	Йбырай Алтынсарин	Ибраїй Алтынсарин	Ibray Altynsarin
Абай	Абай	Абай	Abai
Қунанбайўғли	Құнанбайұлы	Кунанбаев	Kunanbaiuly

Мавзуга ўтиш:


Бўлис бўлдим мана,
Бор молимни сарфлаб.
Туяда қум, отда ёл,
Қолмади элда тийинлаб...



Абай Қунанбайўғли

1. Шеър сатрлари билан мавзууни қандай боғлиқлиги бор?
2. Муаллиф қандай ёқимсиз хусусиятларни танқидлайди?

1. Шўқон Валихановнинг ижтимоий-сиёсий қўзқараашлари. Қозоқ халқининг таниқли маърифатпарварларининг бири Шўқон Чингизўғли Валиханов. У ёшлигиданоқ қозоқ шоирларининг шеърлари ва чечанларининг ҳикматли сўзларини, доно бийларнинг ҳикояларини тинглаб ўсади. Келажак олимнинг дунёга кўзқарашининг шаклланишига тез-тез меҳмондорчиликка келиб турган *декабристлар* ҳам таъсир кўрсатди. Улар ҳаммасини билишга иштиёқи кучли бўлган ёш боланинг бўйида илм-



Шўқон Валиханов

га, адабиёт билан ҳунарга, ғарбий демократиявий қадриятлариға деган иштиёқини орттириб борди. Шўқон ёшлигидан халқ оғзаки адабиётининг намуналарига алоҳида кўнгил қўйди. У Омби кадет корпусидаги дастлабки йиллардан бошлаб шарқий тиллар соҳасидаги билимини сезиларли даражада кенгайтирди, қўшимча илмий ва адабий китобларни кўп ўқиди.

Шўқон кадет корпусида таниқли олим, сиёсий жамият арбоби Г.Н. Потанин билан бирга ўқиб, дўстлашиб олди. Ш.Валиханов машҳур рус ва чет эл шоирлари ва ёзувчилари А.Пушкиннинг, М.Лермонтовнинг, Н.Гоголнинг, Ч.Диккенснинг ва бошқаларнинг ижод манбаларини катта қизиқиши билан ўқиди. Омбидаги бўлган йиллари у рус зиёли жамиятининг прогрессив *вакиллари* билан танишиб, яқин муносабатда бўлди.

Ёдингизга туширинг!
XIX асрда қандай сиёсий испоҳатлар қабул қилинди?

Подшо ҳукумати ёш олимнинг илмий ишларини юқори даражада баҳолади. 1860 йил Санкт-Петербургда у орден билан мукофотланниб, ҳарбий лавозими ҳам кўтарилид. Уни рус подшоси II Александрнинг ўзи қабул қилди.

Мана шу учрашув вақтида Шўқон подшога рус чиновникларининг қозоқ ҳалқига яхши муносабатда бўлиши ҳақида ўз илтимосини мардлик билан етказди. Ўзининг ижодида қозоқларнинг қадимда яхши ҳаёт кечиргани ҳақида ёzáди.

1862 йил у ҳалқига фойдасини теккизиши ўйлаб, Атбасар округи бўйича оға султон бўлиб сайланишга ўз номзодини тавсия қилди. Подшо ҳокимлари унинг оға султон бўлишига тўскинлик қилиб, турли баҳоналар билан тайинламади. Мана шу ҳақида Шўқон Валиханов 1862 йил 15 октябрда дўсти, таниқли рус ёзувчи Ф.М.Достоевскийга хат ёзди: «Халқимга фойдамни теккизиш учун оға султон бўлгим келди. Уларни чиновниклар билан қозоқ бойларидан ҳимоя қилмоқчи бўлдим. Шунда биринчи навбатдага мақсадим – ўзим орқали маҳалладошларимга ўқиган оға султонларнинг фойдали эканлигини кўрсатиш эди. Бўлисларни эгаллаган ҳурматталаб жаноблар билан приказнойлар менга тўлиги билан қарши бўлишиди. Нима учун ундан қилганини биласанми?» Мен оға султон бўлсанм, бўлис ҳокимлари оға султонлардан оладиган минглаган пулидан айрилар эди, приказнойлар қадамини эҳтиётилик билан босиб, юрт оралаб, тентирараб кетган бўлар эди. Агар билсанг, бу чиновниклар учун «бўлиш ёки бўлмаслик» каби нарса. Чиновниклар бойлар билан бойлик ҳумор

қирғизларни менга қарши қўйиб, «Валиханов ога султон бўлса, сенларни шўринг, у тенглик деган тушунчага амал қиласидиган одам... Худога ишонмайди. Мухаммад пайгамбарга қарши», – деб ифво тарқатди.

1822 йил ўрта юзда хон бошқаруви бекор қилиниб, қозоқларнинг мол яйловлари торая бошлаган вақтда, Шўқон Валиханов округ бошқарувининг киритилишига ўз фикрини билдириб: «Бизнинг еримизни округлар бўйича бўлиб, ёзги ва қишики яйловларни таниқли уруглар билан одамларга бўлиб бериш – мол чорвачилигига зарари ни теккизадиган асосий сабабларнинг бири бўлиб ҳисобланиши керак. Бундай ислоҳатлар тараққиёт йўлига тўскинлик қиласидиган заарали, шу билан бир қаторда халқ учун қайгу-ҳасрат олиб келади».

Шу билан бир қаторда у Кичик юздаги сайлов тизимининг бўлмаслигини катта камчилик сифатида қўриб, янги бошқарув тартибига ҳам қарши чиқди: «Оренбург дала бошқармасининг асосий камчилиги, у ўрда чиновникларини халқнинг сайлови билан эмас, чегара бошлиқларининг ҳохиши билан тайинлашида». У ислоҳатнинг прогрессив қонуниятга суюниб, халқнинг ижтимоӣ аҳволини яхшилашга йўналтирилишини қўллаб-қувватлади. Масалан, «Суд ислоҳати ҳақида ёзмалар» мақоласида: «Ислоҳат фойдали, яъни ижтимоӣ организм ҳар томонлама ривожлана оладиган тўхтамас прогресс қонунига асосланиб тузилган дагина ижобий натижали бўлади», – деб ёзди. Шу билан бир қаторда подшо ҳукумати юргизиб ўтирган суд ислоҳатини халқقا бегона тарафларини очиқ айтди: «Иrrационал теорияга ёки ўзга халқнинг ҳаётига зўрлик билан, эрксиз амалга оширилган ислоҳат одам боласини катта оғатларга дучор этиб келади». Олим анъанавий қозоқ жамиятининг ижтимоӣ-иқтисодий, интелектуал салоҳияти ҳақида айтиб, халқнинг ёрқин келажагига комил ишонч билдириди: «Россия империясининг таркибига кириб ўтирган барча миллатларнинг ичида халқ сонининг кўплиги томонидан, бойлиги томонидан биз биринчи ўринни эгаллаймиз. Менимча, олдиндаги фаровонлик ҳам бизга – қозоқларнинг ҳиссасига тегади».

Олим подшо ҳукуматининг қозоқ даласидаги суд иши камчиликларини танқид қилиб, бийлар судини ортиқчиликлари ҳақида шундай деб ёзади: «Рус номзоди ёки жавобгари кўплаб ҳолатларда руснинг тергов ўрнидан кўра, бийнинг судини ортиқ кўради... бий-

лар судининг ортиқчилиги, у ишни ёлгиз ҳал қилмайди, унга иштирок этувчи одамга чеклов қўйилмайди, ҳатто баъзида улар оқловчи ҳам бўлиб кўради ва бийнинг қарорига шикоят қилишга ҳам ҳуқуқи бор». Демократик бийлар суди Россиянинг судидан адолатлилиги билан фарқланди.

2. Ибирай Алтинсариннинг ижтимоий кўзқараси. Қозоқ халқининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида таниқли педагог, ёзувчи, фольклорчи, этнограф ҳамда жамоат арбоби Ибирай Алтинсарин жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ибирай болалигидан бошлаб билимга ва ўзи эркин ўқиб ўрганишга мойиллигини кўрсатди. Оренбургда ўқиб юрган даврида шарқшунос олим В.В. Григорьев билан яқиндан танишиб олди. 1857 йил Оренбург черага комиссияси ёнидаги мактабни олтин медаль билан битирди. Ибирай рус, араб, татар ва форс тилларида эркин сўзлай олди. Кейинчалик халқ маърифатпарвари сифатида ўзи эркин ўқиб, билимини орттиришни фаол турда давом эттироди. И.Алтинсарин таниқли рус демократлари Н.Г. Чернишевскийнинг, Н.А. Добролюбовнинг, А.И. Герценнинг ва бошқаларнинг ижодлари билан ҳам таниш бўлди.

Мактабни битириб чиққан И.Алтинсарин уч йилдай вақт бувасининг қўл остида котиб бўлиб ишлайди. Мана шу йиллар ичида у халқининг саводини очиб, билимини орттиришнинг жуда зарур эканлигини тушуниб етди.

Маърифатпарвар устознинг:

Ўқисангиз болалар,
Шамдан чироқ ёқилар.
Тилаганнинг олдидан
Изламай-оқ топилар... –

деган мисралари ёш авлодни илм-фанни ўрганишга чақиради.

Муҳокама қилинг!
И.Алтинсаринни «чўқинган» деб нима учун айблади деб ўйлайсизлар?

Унинг билим бериш йўлидаги хизмати осон бўлмади. Олдидан турли тўсқинликлар учради, ҳатто унга «чўқинган» деган айб қўйилди.

1869 йилда И.Алтинсарин Тўрғай уезд бошқармасига иш юритувчи сифатида хизматга жойлашди. Уезд раҳбарининг бош ёрдамчиси ва вақтинчалик уезднинг суд вазифаларини қатор бажарди. Хизмат сафари билан қозоқ овулларида тез-тез бўлиб турди. Ўз халқининг мақсади билан

эҳтиёжини яхши билди. Бўлис раҳбарлари билан овул старшинларининг сайловларига қатнашиб юрди. Сайлов вақтида овозни сотиб олинишини, порахўрлик билан ҳиёнат қилишнинг ўрин олишига йўл бермасликка ҳаракат қилди. Унинг ҳаракатини ёқтирумаган бойлар устидан вилоят бошқармасига, ҳарбий губернаторга ва ундан кейин Ички ишлар вазирлигига шикоят қилди. У ўзининг фаросатли хулқ-автори билан адолатлилигининг, халқ орасидаги обрўси билан ҳурматининг орқасида оқланиб чиқди.

И.Алтинсарин подшо ҳукуматининг маҳаллий аҳолига зулм ўтказадиган тизгинсиз сиёсатини айблади. Улар мустамлакачи ҳукуматни танқид қилиб, маърифатпарварлик соҳасида Россиянинг тараққиёт сиёсатининг асл маъносини яхши тушунди. Далаликларнинг моддий шароитини яхшилашни кўзлаган Ибирай дастлабкиларнинг бири бўлиб, ўз халқининг тилини ва маданий-маънавий меросларини ҳимоя қиладиган ғояларни таклиф қилди. Ибирай бирлашган халқнинг турмуш тарзини, уларнинг ҳаёт кечириш шароитини табиий шароитлар билан ҳисоблашмай мажбурий равишда ўзгартириш «энг қобилиятли деган миллатнинг ўзини инқирозга учратиши мумкин» деб подшо ҳукуматининг бошқа халқларга келтираётган заарини кўра олди.

Қозоқ даласи асосий ҳудудини дехқончилик билан шуғулланишга самарасиз эканлигини эслатиб ўтиб, халқ маърифатпарвари мол чорвачилигини ривожлантириш учун қулай шароит бор эканлигини кўрсатади. У ўтроқчиликка кучлаб кўчишга қаттиқ қаршилик кўрсатиб, эволюция йўлини танлади. Маҳаллий аҳолига талон-тарожлик билан офат олиб келган мустамлакачил ўтроқлаштириш сиёсатини ошкора қилди. И.Алтинсарин қозоқ суди ишидаги адолат ва адолатлиликни йўқотиб бораётган бийларни қаттиқ танқид қилди.

Ибирай миллий анъаналарнинг сақланишини қўллади. Ибирай Алтинсарин ўз халқининг ватанпарвари бўлди. Маҳаллий оқсуяклар ва мустамлакачи ҳокимият билан пайдо бўлган чигаллашувларга қарамасдан, у ўз умрининг сўнгида шундай деб ёзди: «Мен чуқур ишонч билан турган халқимга имкон қадар фойдамни теккизсам деган ниятимдан ҳеч қачон қайтмайман». Бу сўзлар унинг ўз халқига бўлган муҳаббатини яна бир бор далиллайди.

3. Абай Қунанбойўғлиниң ижтимоий-сиёсий қўзқараси. Абай Қунанбойўғли – қозоқ халқининг буюк мутаффакири, маърифат-

парвари, буюк шоири ва қозоқ ёзма адабиётининг асосини солган жамоат арбоби.

Шоирнинг ёшлиқ даври подшо ҳукуматининг Қозогистоннинг жанубига қараб ҳарбий куч билан кириб бораётган даврига тўғри келади. У подшо ҳукуматининг округ приказларида ҳолатини борган сари кучайганини, XIX асрнинг 60–90 йилларида маъмурӣ ислоҳатларнинг жорий этилганлигини ўз кўзи билан кўрди. Озгина вақт бўлис бўлган даврида ҳар қандай ишни оқил ва адолат билан ҳал қилишга ҳаракат қилди. Шунинг учун оддий ҳалқнинг юксак хурмат – эҳтиромига сазовор бўлди. Бироқ жамиятнинг мураккаб муаммоларини бундай оддий йўллар билан ҳал қилиб бўлмаслигига секин аста ишонч ҳосил қила бошлади. Шунинг учун у қозоқларни билим ва илмни әгаллашга чақирди.

Ўйлаб кўринг!

Нима учун Абай сургун бўлиб келган бошқа миллият вакиллари билан муносабатда бўлди?

Шоир кўзқарашининг шаклланишига унинг етуқ ўйли рус зиёли жамиятининг вакиллари билан муносабатда бўлиши катта таъсир кўрсатди. Шу вақтда ўз Ватанининг мустақиллик йўлидаги миллий-озодлик ҳаракатларга фаол иштирок этувчилар Қозогистон худудига кўчирилаётган эди. Улар, атаб айтганда, Украина билан Польшадаги зиёлилар жамиятининг таниқли ва билимли вакиллари эди. Сургун бўлиб келганларнинг орасида подшо ҳукуматининг сиёсатига қарши чиққан рус зиёли жамиятининг вакиллари ҳам оз эмас эди. Улар Абайнинг сиёсий кўзқарашларининг шаклланишига таъсир кўрсатди. Е.Михаэлис, С.Гросс, Н.Коншин, Н.Долгополов ва бошқалар билан муносабатда бўлиши давомида Абай А.С. Пушкин, М.Ю. Лермонтов ва бошқаларнинг асарлари билан тўлиқ танишиди.

Шоирни қаттиқ ўйлантирган ҳолатлар қозоқларнинг оммавий гадолашиб, тиламчилик ҳолатига туша бошлаши, подшо ҳукумати чиновникларининг ҳаддан ташқари зулм кўрсатиши, маҳаллий бўлисларнинг порахўрлиги билан қаноатсиз фойдахўрлиги эди. У ўз шеърларида яқин қариншош-уруғларига ёрдам қўлини чўзмайдиган шафқатсиз бойларни танқид қилди. Абай порахўр раҳбарларни, очкўз судьяларни ошкоралаб ўтириди.

Абай қозоқ жамиятини эринмасдан меҳнат қилишга чақирди. Ўзининг баъзи бир замондошларининг бўйидаги ёмон хислатларни ялқовлик, меҳнатсизлик, очкўзлик ва нодонликни маромига етказиб ошкора қилди. Камбағалликдан қутилишнинг ягона йўли

дәхқончилик билан шуғулланиш, ҳунармандчиликни ва савдо-сотиқни ўрганишда эканлигини айтди. У шундай деб ёзди: «*Бой бўлгинг келса ҳунар ўрган. Агар мол керак бўлса, ҳунар ўрганиш керак. Мол тугайди, ҳунар тугамайди*». Унинг бошқача ўйлаши мумкин ҳам эмас эди. Қозоқ даласида тез-тез бўлиб турадиган ют оддий халқни оғир қайғу-ҳасратга дучор этар эди. Бундай вактда йиллар давомида йиққан молдан бир куннинг ўзидаёқ айрилиб қолар эди.

Абай халқقا жон қуидирмайдиганларни ёмон кўрди, бойларнинг оддий халқقا паст назарда қараши унинг жаҳлинини чиқарди. Жамиятни *прогрессив* турда ривожлантириш йўлларини доим излаштириб юрди. Абай давлат бошқарувига халқ учун хизмат қиласидиган, одил одамлар сайла-ниши керак деб ҳисоблади. У бўлис раҳбарларини, сайлов тизими-ни қаттиқ танқид қилди: «*Уч иилга бўлис сайланади. Дастрлабки йили «Сени биз сайламадикми? деб элнинг норозилиги билан куни ўтади. Иккинчи йили номзод билан олишиб куни ўтади. Учинчи йили сайловга яқинлаб қолиб, яна бўлис бўлишга бўлармикан деб куни ўтади. Энди нимаси қолди?*»

Буюк шоир ўз ижодида халқни одил, ақлли, адолатли бўлишга чақиради. Ҳар кимни ўзининг ўтган кунига албатта ҳисоб бериб ўтиришга, келажак авлодни фаросатли бўлишга чақиради: «*Айёрлик қилиб, кўз сузиб, тиланчилик қилиб, одамни согмоқ- ҳунарсиз итнинг иши. Аввал худога сигиниб, иккинчи ўз кучингга ишониб, соф меҳнат қилсанг, қора ер ҳам беради, қуриқ қолдирмайди*».

Замондошлари Абайни юртнинг ғамини ўйлаган, одил бий деб билди. Уни Қарқарали, Ўскемен, Зайсан ва бошқа узоқ уездлардан излаб келишарди. Бий- бўлисларнинг ор-виждондан, уятдан маҳрум бўлиб, юртини сотиб, халқни икки томонлама тўнаётганлигини ошкор қиласиди: «*Бўлис билан бийни ҳурмат қиласай десанг худонинг ўзи берган бўлис билан бий юртда йўқ. Сотиб олган, ялиниб- ёлевориб олган ҳукмронликнинг ҳеч бир ҳосияти йўқ*». У қозоқ жамиятига катта зарап келтирган туҳмат қилишни, ёлғон гапиришни айблайди: «*Юртдаги барча яхши одамларнинг устидан бекорга ёлғон гапириб «айблади, талади» деган турли жиноят ишларини кўрсатиб, ариза берди. Унга сўров – тергов чиқаради. Бояги яхши одамнинг сайловга яроқсизлиги туфайли, ёлғон гапириб*

Мұхокама қилинг!

Абай асарларининг бу-гунги кундаги аҳамияти қандай?

Үйлаб күринг!

«Буюқ», «таникли» тушунчаларини қандай тушунасизлар? Бугунги кундағолиб бўлиш учун қандай хусусиятларга эга бўлиш керак?

кўрмаганини кўрдим деб айтувчи гувоҳлар ҳам аллақачон тайёрланиб қўйилган».

Ундан насиҳат сўрашга дала ахолиси оқилиб келди. Атаб айтганда, унга Баяновул ўлкасидаги таникли шажарачи ва шоир Машҳур Жусуп Кўпейўғли келиб турди. Абай билан Семейга сургун бўлиб келганлар ҳам

насиҳатлашарди. Мана бунинг барчаси подшо ҳукумати чиновниклари билан уларнинг маҳаллий баъзи бир югурдаклари томонидан қизғаниш билан кўра олмовчилик, ҳатто сиёсий шубҳа туғдирди. Шоирнинг устидан фийбат қилиш ва тухмат қилиш ҳаракатларини кучайтиради.

1897 йил Абайга қарши суиқасд уюштирилади. Устидан айблов аризалари йўлланиб, тухмат қилинади. Подшо ҳукумати Абайнинг изига тушиб, 1903 йил Семей полицмейстери шоирнинг уйида тинтуб ўтказади. Буюк шоирни «оқ подшонинг душмани», «ифвогар», «ота-бобаларнинг урф-одатларини, анъаналарини бузувчи» деб айблади.

Абайнинг фаол ҳаракатлари ватандошларининг ҳаётини ижобий томонга ўзгартиришда муҳим аҳамият касб этди. У юртининг омонлигини, қудрати билан гуллаб-яшанашини ўйлади. 2020 йил давлатимизда буюк Абайнинг 175 йиллиги юқори даражада атаб ўтилди.

XIX асрда ижтимоий-сиёсий онгнинг ривожланишига қозоқ халқининг машҳур маърифатпарварлари Ш.Валиханов, И.Алтисарин, А.Қунанбойўғли ва бошқалар катта ҳисса қўшиди. Улар халқни бирдамликка, Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатига оид шаклланган янги ижтимоий- иқтисодий шароитга мослашишга чақирди.



1. XIX асрда ижтимоий-сиёсий онгнинг ривожланишига қандай воқеалар таъсир кўрсатди?
2. Қозоқ зиёлиларининг ўртоқ мақсадлари бўлдими?
3. Подшо ҳукумати қозоқ маърифатпарварларига оид қандай сиёсат юргизди?
4. «Шўқоннинг сиёсий кўзқарашлари Қозоқ хонлиги давридаги ижтимоий-сиёсий онгнинг давоми» деган фикрга қўшиласизми?
5. Уч маърифатпарвар олимнинг ижтимоий-сиёсий кўзқарашларини ўхшаш томонлари билан фарқини айтинг.



Демократия – ҳукумат ҳукмронлиги халқнинг қўлида бўладиган қурилма, халқ ҳукмронлиги.

Декабристлар – 1825 йил декабрда подшо ҳукумати билан қарамликка қарши қўзғалон уюштирган рус инқилобчилари.

Прогрессив – бутун одамзод тарихи билан жамиятнинг қонуний равишда ривожланиб, олдинга юриш жараёни.

Ижодий топширик.

Турли тарихий вақтдаги шахсларнинг Қозоғистондаги ижтимоий-сиёсий онгнинг ривожланишига қўшган ҳиссасига баҳо беринг. Хулоса чиқаринг.

Тарихий даврлар	Жамиятнинг муҳим масалалари ҳақидаги концепцияларининг мазмуни
Қадимги давр	
Ўрта асрлар	
Қозоқ хонлиги	
«Зор замон» даври	
XIX аср – XX асрнинг боши	



Абайнинг саккизинчи қора сўзи

Шу ақлни ким ўрганади, насиҳатни ким тинглайди?

Бирор – бўйис, бирор – бий. Уларнинг ақл ўрганай, насиҳат тинглай деган ўйи бўлса, у лавозимга сайланиб ҳам ўтирумас эди. Улар ўzlари намунали кишимиз, ўзимиз бирорга ўрнак бўлиб, ақл айтадиган даражадамиз деб сайланди. Ўzlари тузалиб бўлган, энди халқни тузатишигина қолган. У нима учун тингласин, ҳатто тинглай деса ҳам вақти бўладими? Бошида ўзининг ишлари бор: буюклигимизга жазоли бўлиб қоламизми, юртдаги бузуқларимизни буздириб оламизми ёки халқимизни бузик қилиб оламизми, ёки ўзимиз сарфлаб, сарф-ҳаражатимизни ўрнини тўлдира олмай қоламизми? – деган, мумкин қадар бирорга яхшилик қиласайми, бирорни кутқарайми деган меҳнатининг барчаси бошида, қўли тегмайди.

Бойлар, улар ўzlари ҳам бир кун бўлса ҳам, давлат қўниб, дунёнинг ярми бошида турибди. Ўзида йўғини дунёси билан сотиб олади.

Күнгиллари күкда, күзлари осмонда, адолат, одамийлик, ақл, илм, би-лим – ҳеч нарсаны дунёдан қиммат демайды. Дунё бўлса Оллоҳ таолони ҳам пора билан олса бўлади дейди. Унинг дини, худоси, халқи, юрти, би-лими, уяти, ор-номуси, яқини-барчаси дунё. Гапни қандай тушунсин, ту-шунай деса ҳам вақти бўладими? У молини суғоради, тўйдиради, савдоси-ни юритади, қоровуллайди, боқтиради, ўғри-бўридан, қишидан, совуқдан – мана шуларнинг барчасидан сақлайди, шулардан сақлайдиган одам топади. Унинг барчасини жойлаштириб, оёгини олиб келиб ўзи жойлаш-гунга қадар қанча вақт ўтади? Вақти бўлмайди.

Энди ўғри-золим, қаллоб ва кazzоблар ўзлари ҳам тингламайди. Унча-мунча қўй юнли қўнғирчалар кунини ҳам кўра олмай юрибди. Оналар онадай бўлиб турганда, билим, илм, ақлни нима қиласан? Яна-да билим, илм гадога кераги йўқдай: «Бизни нима қиласан, она сўзини тушунадиганларга айт!», – дейди. Унинг ўзга билан иши йўқ, она олди-даги учтасидай бўлган жоннинг ўйида ҳеч бир қайғуси, мунгги бўлмаса керак.



1. Тарихий манбада жамиятдаги шароит қандай тасвирланган?
2. Абайнинг қора сўзларининг бугунги кундаги аҳамияти билан за-руратини аниқлаш учун изланиш юргизинг.

Еттинчи боб

«АЛАШ» – ИЖТИМОЙ ОНГ ВА МИЛЛИЙ ФОЯ

31–32-§

«Алаш» миллий ғоясининг концептуал асослари

Ўқиши мақсади:

✓ «Алаш» миллий ғоясининг тарихий асосларини аниқлаш.

Таянч сўзлар:

Ўзбекча	Қозоқча	Русча	Инглизча
Алаш	Алаш	Алаш	Alash
Алихан Бўкейхон	Өлихан Бөкейхан	Алихан Бокейхан	Alikhan Bokeykhan

Мавзуга ўтиш:

«Қозоқнинг қадимги ерини қозоқлар ўз ҳолича илм ва техникага суюниб, тўлиқ четлаштирмагунича, ер хусусий мулкка ҳам, кўчиб келувчиларга ҳам берилмайди».

A. Бўкейхон

1. Бу фикрга қўшиласизми?
2. «Алаш» миллий ғояси концепцияларининг бири нима учун ер масаласи бўлди?

1. XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол. XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошида халқнинг шароити жуда ноҷорлашиб, қашшоқлик кенг тарқала бошлади. Мустамлакачилик эзигига қарши миллий-озодлик ҳаракатлари бошланди. Солиқлар билан мажбуриятларнинг кўпайиши, унумдор ерларнинг тортиб олиниши қозоқ овулларидан ички кескинликларнинг авж олишига олиб келди. Подшонинг 1905 йилдаги низоми бўйича аввалги Сибир чегара чизифидаги эни 10 чақирим бўлган нейтрал ҳудуд казак аскарларининг доимий

фойланишига берилди. Подшо ҳукуматининг мана шу ва бошқада ўзбошимчалик ҳаракатлари оқибатларидан дала аҳолиси оммавий равища ерсиз қола бошлади. Масалан, биргина Семей вилоятининг ўзида 100 мингдан ортиқ қозоқ ерсиз қолиб, Томск, Тобил губернияларидағи рус чорвадорларидан, Сибир казакларидан ерларини ижарага олиб, фойдаланишга мажбур бўлди.

1905–1907 йилларда элда социал-демократлар жамиятлари қурила бошлади. Жамиятда *петициявий* ҳаракат кенг тарқалди. Мустамлакачил ҳукумат номига йўлланган йирик ҳажмли ва мазмунли петицияларнинг бири Қарқарали ярмаркасида ёзилган петиция бўлди. Миллий курашда шаклланиб келаётган миллат зиёлилари қозоқ халқининг йўлбошловчиларига айланди. Умуммиллий демократик ҳаракатнинг бошида *А.Бўкеийхон* турди. Қозоқ депутатлари Россиянинг Давлат Думасининг минбаридан қозоқ жамиятидаги энг асосий муаммоларни мардона кўтара олди.

Қозоқ халқининг ижтимоий онгини ортиришга 1916 йилги қаҳрли воқеалар жуда зўр таъсир кўрсатди. Уруш йилларида маҳаллий подшо ҳокимиютининг халққа қарши миллий талон-тарожи билан шафқатсизлиги кучайиб борди.

1917 йилга қарай маҳаллий халқнинг фойдаланаётган энг унумдор 45 миллион десятина ери тортиб олинди. Бу вақтда Қозогистонга Россиядан кўчиб келган чорвадорларнинг умумий сони 1,5 миллионга яқинлашиб қолган эди. Қозоқ халқи оғир қийинчиликдан тарқалиб кетмади, аксинча миллатни озод қилишни мақсад қилиб, қийинчилик ва курашга тўла йўлни танлади. Мустақиллик йўлидаги озодлик курашида мардлик ва ботирлик намунасини кўрсатиб, ғалаба қозонди.

Ўйлаб кўринг!
Миллат зиёлиларини қандай масалалар бирлаштириди?

XX асрнинг бошида қозоқ халқининг онги ва ҳиссиёти юқори даражада намоён бўлди. Миллат манфаати йўлидаги курашда қозоқнинг ўқимишли, миллатпарвар ватан-парварлари олдинги қаторга чиқди. XX асрда буюк ислоҳатчилар Алихан Бўкеийхон, Ахмет Байтурсынўғли, Миржақип Дулатўғли миллатни озодликка етаклади. Улар қозоқ халқининг тарих сахнасидан доимий равища йўқолиб кетмаслиги учун қўлидан келганича ҳаракат қилди.

Хозирги мустақил Қазогистоннинг шаклланишида Алихан Бўкеийхон бошлаган гуруҳнинг машаққатли меҳнати ҳеч қачон унутилмайди. Алаш ғояси Қозогистон фуқароларининг бирлаши-



А. Бўкеҳон, А. Байтурсинўғли, М. Дулатўғли

ши, келажакка интилишнинг ёрқин йўналиши, бирлигимизни мустаҳкамлайдиган буюк йўл деб билишимиз керак.

2. Петициялар – Алаш зиёлиларининг етакчи ғояларининг намунаси. XX асрнинг бошида қозоқлар орасида петициявий ҳаракатлар кенг тарқалди. Қозоқ зиёлилари ўз халқининг ҳаётидаги муҳим муаммоларини петициялар йўллаш орқали ҳал қилишга ҳаракат қилди. Петицияларда ер, дин, ҳуқуқ, тил ва халқقا билим бериш соҳасидаги турли хил талаблар қўйилди. Петициялар 1902–1903 йилларда ёзилиб, юқори ҳукумат ташкилотларига юборила бошланган эди. Дастраслабки петициялар йўллашнинг бошловчилари дин хизматчилари (Ш.Кўсшибулўғли, Навон Ҳазрат ва бошқалар) бўлди. Улар қозоқ халқини христиан динига киритишни тўхтатиш, мусулмон ўқув ўринларини қуришга шароитлар яратиш, муллаларнинг хизматига кенг йўл очиш ҳақидаги аниқ талаблар қўйди. Вақт ўтиши билан аҳвол ўзгара бошлади. Биринчи рус инқилоби йилларида петициялар ёзишни қозоқ жамиятининг саводли, зиёли вакиллари ўз қўлларига олдилар.

Петициялар уезд раҳбарларига, ҳарбий губернаторларга, генерал-губернаторларга, Ички ишлар вазирлигига, ҳатто Россия императори II Николай номига ҳам йўлланди. Мустамлакачил ҳукумат номига йўлланган йирик ҳажмли ва мазмунли петицияларнинг бири Қарқарали петицияси бўлди. 1905 йил июлда Қарқарали

шаҳрига яқин ердаги Қуёнли (Ботов) ярмаркасида қозоқ халқининг номидан император II Николайга аталган петиция уюштирилди. Унга Семей вилоятига қарашли бўлган Қарқарали уездидан халқ орасида таниқли бўлган, обрўли 42 қозоқ имзо чекди. Кейинчалик Семей ва Ақмола вилоятларининг бошқа уездларидағи қозоқлар кўшилди. Петицияна ёзишга машҳур сиёсий арбоблар А.Бўкејхон, Ж.Ақбаев, Т.Нурекенов ва бошқалар фаол иштирок этишди.

Петициядаги асосий масалаларнинг бири Россия империясининг қонун чиқарувчи энг юқори маҳкамаси Давлат Думасига қозоқ депутатарини қатнаштириш масаласи бўлди: «Мол чорвачилиги билан шугулланиш қиргизларни сайловга иштирок этиш ҳуқуқидан нима учун маҳрум қилиши керак? Савдо-сотиқ, дехқончилик, балиқ овлаш каби бошқа турли касблар билан шугулланадиганлар бундай ҳуқуқдан маҳрум бўлмаяпти-ку!..»

Давлат чиновчилари юқори ҳукумат маҳкамалариға талаблар айтиб, петиция йўлловчиларини мумкин қадар ёмон кўрди. Буни



Қуёнли (Ботов) ярмаркаси

Семей вилояты ҳарбий губернатори Галкиннинг Даля генерал-губернаторининг номига 1905 йил 19 июнда ёзган хатидан кўришга бўлади: «*Қирғизларнинг петиция йўллаб, талаб қўйишларига йўл беришга бўлмайди*».

Петициянинг бир нусхасини Темирғали Нурекенов рус тилига таржима қилиб, Ички ишлар вазирининг номига юборди. Петициянинг бу нусхаси имкон қадар тўлиқ эди. У 47 бобдан турди. Петиция қозоқ жамиятининг XX асрнинг бошидаги ҳаётидаги муҳим масалаларини: сайловни ташкиллаштириш, ер, дин, суд ишини юритиш, билим ва бошқа масалаларни тўлиқ ўз ичига олди.

Юқори ҳукумат маҳкамаларига йўлланган петицияларда бўлисларни, овул старшинлари ва уларнинг котибларини фақатгина саводли қозоқлардан тайинлаш тавсия этилди. Бу хизматга киришиш олдидан улар қасамёд қилиб, ҳеч қачон хизматни фойдаланиб, халққа хиёнат қилмасликка мажбур бўлди. Чорва бошлиқларининг ўрнига яратширувчи судъялар хизматини киритиш талаб қилинди. Петиция муаллифларининг фикри бўйича, бу хизматга етарли даражада саводи билан бор қозоқлар тайинлашиниши керак.

Қозоқлар петицияда ўзларининг диний ишларига раҳбарлик қилишни 1867–1868 йиллардаги маъмурий ислоҳатлар давомида киритилган Оренбург диний бошқармасининг қарамоғига беришини талаб қилди. Шу билан бирга масжидлар билан мадрасалар қурилишига эркинлик берилишини, газеталар билан китоблар, диний китоблар нашр қилиниши учун нашриётлар очилишини тавсия қилди. Маккага ҳожиликка эркин равишда бориб келишга, қозоқ овулларига христиан динини тарқатувчи миссионерларнинг боришини тақиқланишини талаб қилди. Қамолат ёшига етмаган қозоқ ёшларининг бошқа динни қабул қилишини ҳам тақиқлаш талаби қўйилди.

Петицияда мадрасалар араб, форс, туркий тилларда ўқитиши кераклиги ҳам айтилди. Шу билан бирга эски масжидларни қайта таъмирлашга ва янги масжидлар билан мадрасалар қурилишига ҳаражат бўлиш тавсия қилди. Ҳар бир бўлисда диний солиқларни йигадиган махсус одамларниг бўлиши, тушган мол билан молияни камбағал оиласдан чиқсан шогирдларнинг ўқишига сарф қилиш мўлжалланди.

Мұхокама қилинг!

Галкин ўз хатида нима учун петицияга қарши бўлди?

Үйлаб кўринг!

Алаш вакиллари нима учун бошлангич синфларда қозоқ болаларини она тилида ўқитиш талабини қўйди?

Петицияларда мактаб даврида ислом дини асосларининг мажбурий равишда ўқитилиши, «руска завод чиқаришни» ундан кейин қўлга олиш талаби қўйилди. Петицияда мактабларда христиан динининг ўқитилишига узил-кесил қаршилик билдирилди. Қозоқ халқига «раҳбар бўлгиси келаганларнинг қирғиз (қозоқ – муаллиф) тилини билиши керак» эканлиги алоҳида атаб ўтилди. Петицияга қозоқ ўлкасида иш-қоғозларни қозоқ тилида юргизиш талаби ҳам киритилди.

Терговлар билан суд ишини таржимонларсиз қозоқ тилида олиб борилишини қонуний равишда тасдиқлаш талаблари қўйилди. Барча котиблар билан хавфсизлик хизмати ходимлари маҳаллий ҳудуддан тайинланиши лозим. Петицияни тузувчилар бошлангич синфларда қозоқ болаларини она тилида ўқитишни талаб қилди.

Фикрингиз зарур!

Петицияда тил масаласининг кўтарилишига нима сабаб бўлди?

Эди. Оила ва никоҳ масалаларини ҳарбий губернатор билан уезд раҳбарларининг хузуридан олиб, яраштирувчи суд хузурига бериш талаб қилинди. Одам ўлимни бўлган ҳолатда одамнинг жазога тортилиши билан бир қаторда, қозоқларнинг анъанавий хуқуқ қонуни бўйича хақ тўлашга талаб билдирилди. Округ судини ёнида мажбурий равишда маслаҳатчилар кенгashi бўлиши кераклиги алоҳида айтиб, кўрсатилди. Шу билан бирга айбланувчининг ҳимоячиси бўлиши, бийлар судининг маҳаллий мустамлакачилик ҳукумат маҳкамаларига эмас, Адлия вазирлиги ҳузурига ўтиши талаб қилинди.

XX асрнинг бошида ер масаласи янада кескинлашди. Шунинг учун петицияларда бу масалага алоҳида эътибор берилди. Чегара чизифидаги эни 10 чақирим бўлган ҳудудни ва сўнгги 20 йил давомида тортиб олинган ерларни аввалги қонуний эгаларига қайтариб бериш талаб этилди. Қишловлар билан ёзги яйловлар ўзларининг аввалги эгаларининг қўл остида қолиши керак деб кўрсатилди.

Петицияларда қозоқларнинг ўрмон бойликларини эркин фойдаланиш хуқуқига оид талаблар ҳам қўйилди. Шу билан бирга қозоқларга уларнинг кўчиб юрадиган ҳудудидаги тузли ва балиқ

Петицияларда мактаб даврида ислом дини асосларининг мажбурий равишда ўқитилиши, «руска завод чиқаришни» ундан кейин қўлга олиш талаби қўйилди. Петицияда мактабларда христиан динининг ўқитилишига узил-кесил қаршилик билдирилди. Қозоқ халқига «раҳбар бўлгиси келаганларнинг қирғиз (қозоқ – муаллиф) тилини билиши керак» эканлиги алоҳида атаб ўтилди. Петицияга қозоқ ўлкасида иш-қоғозларни қозоқ тилида юргизиш талаби ҳам киритилди.

Петиция муаллифлари дала халқини суд, терговсиз маъмурий йўл билан сургун қилиш ишларига норозилик билдирилди. Дала генерал-губернатори қозоқларни ҳар қандай арзимас масалалар бўйича сургун қилиш хуқуқига эга

эди. Оила ва никоҳ масалаларини ҳарбий губернатор билан уезд раҳбарларининг хузуридан олиб, яраштирувчи суд хузурига бериш талаб қилинди. Одам ўлимни бўлган ҳолатда одамнинг жазога тортилиши билан бир қаторда, қозоқларнинг анъанавий хуқуқ қонуни бўйича хақ тўлашга талаб билдирилди. Округ судини ёнида мажбурий равишда маслаҳатчилар кенгashi бўлиши кераклиги алоҳида айтиб, кўрсатилди. Шу билан бирга айбланувчининг ҳимоячиси бўлиши, бийлар судининг маҳаллий мустамлакачилик ҳукумат маҳкамаларига эмас, Адлия вазирлиги ҳузурига ўтиши талаб қилинди.

XX асрнинг бошида ер масаласи янада кескинлашди. Шунинг учун петицияларда бу масалага алоҳида эътибор берилди. Чегара чизифидаги эни 10 чақирим бўлган ҳудудни ва сўнгги 20 йил давомида тортиб олинган ерларни аввалги қонуний эгаларига қайтариб бериш талаб этилди. Қишловлар билан ёзги яйловлар ўзларининг аввалги эгаларининг қўл остида қолиши керак деб кўрсатилди.

Петицияларда қозоқларнинг ўрмон бойликларини эркин фойдаланиш хуқуқига оид талаблар ҳам қўйилди. Шу билан бирга қозоқларга уларнинг кўчиб юрадиган ҳудудидаги тузли ва балиқ

етиштириладиган қўлларни қайтариб бериш ҳақидаги талаблари ҳам айтилди. Маҳаллий аҳолининг номидан дарё-кўлларни ижарага бериш имкониятлари тавсия қилинди. Тушган маблағ халқقا озиқ-овқат заҳирасини йиғиш учун керак деб кўрсатилди.

Шундай қилиб, петицияларда XX асрнинг бошидаги Қозогистоннинг сиёсий ҳаётидаги энг муҳим ва асосий масалалари аниқ ва қисқа ҳолда тасвирланди.

Подшо ҳукумати қозоқ халқининг фикри билан санашишга мажбур бўлди. Петицияларнинг мазмунини ёзганлар мардлик билан уюшқоқликнинг намунасини кўрсатди. Бироқ подшо ҳукумати петицияларда қўйилган талабларни бажаришга ихлос билдирамади. Петицияда қўйилган талаблар Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатига мос келмас эди. Шундай бўлганда ҳам, петициявий харакат ижобий аҳамият касб этди – қозоқлар Россиянинг I ва II Давлат Думаларига депутат бўлиб сайланди.

Халқ оммасига раҳбарлик қилишда, мустамлакачи ҳукумат маҳкамаларига уюшқоқлик билан петиция йўллашда қозоқ зиёлиларининг олдинги қаторли вакиллари А.Бўкейхон раҳбарлигида алоҳида фаоллик кўрсатди.

Қарқарали петициясининг асосий тармоқлари Алаш партиясининг дастурига киритилди ва Алашўрда ҳукуматининг хизматидан ўз аксини топди.

4. «Алаш» миллий гоясининг концептуал асослари. Алаш гоясининг асосий мақсади бўлиб ҳисобланадиган давлатчилик анъ-анасини қайта тиклаш, миллат тарихини, тилини, маданиятини сақлаш масалалари қозоқ зиёлиларининг шиорига айланди. Шу билан бирга ғарб маданиятига эътибор бера ўтириб, дунёнинг олдинги қаторли давлатларининг тажрибасидаги энг яхши ижтимоий- иқтисодий ва сиёсий ютуқларини қабул қилишни кўллади. Алаш зиёлилари қозоқ давлатини Фарбий Европа тараққиёти даражасига етказишни мақсад қилди.

Алаш гоясининг асосий тамойиллари: *биринчидан*, алаш зиёлилари «ер шахсий мулкка ҳам, кўчиб келувчиларга ҳам берилмасин. Ерсиз Ватан йўқ», – деди. *Иккинчидан*, әлдаги барча яхшилик халқقا хизмат қилиши керак. Учинчидан, Қозогистон Россия империясининг таркибига қўшилишидан бошлаб шаклланган иқтисоднинг хом ашёвий туридан воз кечиб, «қозоқ давлати тўлиғи

Фикр-мулоҳаза!

III ва IV Давлат Думаларига қозоқлардан депутатларнинг сайланмаслигининг сабаби нимада деб ўлайсиз?

билин иқтисодий мустақилликка әришишга ҳаракат қилиши кераклиги» айтилди. *Тўртинчидан*, қозоқ давлатида давлат ташкил қилувчи миллатнинг тил, дил, дин хукмронлиги бўлиши керак. *Бешинчидан*, илмга, миллий урф-одатга асосланган қонунга суюнган ҳолда, миллий демократик давлат қуриш эди. *Олтинчидан*, қозоқ ерига турли шароитларда келган барча миллат вакиллари учун ўртоқ Ватани Қозогистонда яшашга барча кафолатлар ва хуқуқлари сақланади. Давлат илмга асосланиб, ривожланган давлатларнинг ютуқларини намуна қилиб олиши керак. Дин ишлари давлатдан бўлинган дунёвий бир бутун демоктариқ давлат қуриш эҳтиёжи айтилди.

Алаш ғоясининг асоси – миллий давлат қуриш. Алаш ғоясининг асосий концепцияларининг тўлиқ нусхасини Қарқарали петициясидан, «Алаш» партияси дастуридан ва миллий-демократик ҳаракатнинг йирик вакилларининг ижод намуналаридан кўра оламиз. Уларнинг ичida Алихан Бўкейхоннинг ижтимоий-сиёсий фикрларининг ўрни ўзгача.

Фикр-мулоҳаза!

Сиз нима деб ўйлайсиз,
«Алаш» миллий ғоясини
қайта тикилаш эҳтиёжи
борми?

5. Алаш ҳаракатининг ғоялари Алихан Бўкейхон ижодида. Алаш ҳаракатининг раҳбари, Алаш партияси ва Алашурда ҳукуматининг етакчisi – Алихан Бўкейхон бўлди. У туғилган ерининг тарихини чукур ўрганиб, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг

бошидаги муҳим тарихий воқеаларнинг барчасига фаол иштирок этди. Алаш ғоясининг концепциялари А. Бўкейхоннинг миллий-озодлик ҳаракати, мустамлака эзгисидаги қозоқ жамиятининг аҳволи ҳақидаги изланишлари ва чуқур таҳлилларига оид ишлаб чиқилган. А.Бўкейхон халқ келажагини таҳмин қилишда ўтган тарихни таниб- билишлик эҳтиёжи ҳақида шундай деб ёзади: «*Тарих – тузатувчи ва ўргатувчи. Олдиндаги кунларнинг келажагини билишида тарих аниқ қурол бўлади*». Келажаги зўр эл бўламиз десак, ҳар бир фуқаро миллатнинг тарихи билан унинг сабоқларини билиш эҳтиёжини Алаш раҳбари эслатади: «*Ўзининг тарихини йўқотган юрт, ўзининг тарихини йўқотган халқ қаёққа бориб, қаерда турганлигини, нима қилиб нима қўйганлигини билмайди, келажакнинг қандай бўлишига кўзи етмайди*».

Алихан Бўкейхон умуммиллий «Қозоқ» газетасини ташкиллаштирувчиларнинг бири сифатида Алаш ғояларини олдинга суриб, миллий тарихни ўқиб-ўрганишнинг аҳамиятини айтиб ўтди.

Қозоқ раҳбари Қозоқ хонлигининг Россия империяси мустамлакасига айланишинг сабабларини аниқлаш учун миллат тарихини чуқур таҳлил қилди. У қозоқларнинг мустақиллигидан айрилишининг асосий сабаби – аввалги давлат бошқарувчиларининг қўй остидаги уруғқабилалар билан юзларни бирлаштириб, ташқи мустамлакачилик хавфига қарши отлантира олмаганида деган хulosага келди. У 1913 йилда шундай деб ёзди: «*Аввалги давлат бошқарувчиларининг аксарияти вақти билан кучини ўч олишга, куч кўрсатиш билан зўрлик ва зўравонликка, келишмовчиликларга сарфлади*». У хонлик даврни қайта тиклашнинг натижасиз әканлигини тушунди. Миллат мустақиллигига фақат фаол сиёсий кураш орқалигина эришиш мумкинлигини айтди. Мана шу мақсадда кадет партиясига аъзоликка ўтди. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш маҳкамаларини ривожлантиришнинг эволюцион йўли билан қозоқ давлатчилигини янгилай оламиз деган фикрда бўлди.

А.Бўкейхон ўз замонидаги суд ишини юргизишдан кўра қадимги қозоқ даласидаги бийлар судининг адолатлилигини юқори баҳолаб, подшо ҳукуматининг давридаги аҳвол хақида шундай деб ёзди: «*Қозоқ русга тобе бўлганидан кейин бий йўқолди. Ким русга яхши кўринса, шу юртни бир қамчи билан ҳайдайдиган бўлди. Қадимги чечан бийлардан келаётган адолатли ҳукмронлик анъанаси порахўр бийлар билан оёқ ости бўлди. Пора бериб, оқни қора, қорани оқ қиласидиган кун келди*».

1905 йил А.Бўкейхон Москвада ўтган Россия земствосини минбаридан қозоқ тарихида биринчи бор қондош халқининг йўғини йўқлаб, нутқ сўзлади. А.Бўкейхон Қарқарали петициясини тайёрлашга иштирок этиб, петицияни юқори ҳукуматга топширишда ҳам олдинги қаторда бўлди: «*Омбида генерал Сухотиннинг раҳбарлигига турли ведомостворарнинг чиновниклари бош қўшган*

Ўйлаб кўринг!

Дастлабки умуммиллий нашрнинг «Қозоқ» деб аталишининг сабаби нимада?



«Қозоқ» газети

Кенгашда қирғизларни (қозоқларни-муаллиф) земство мажлисига (Давлат Думасига-муаллиф) юбормаслик ҳақида... фикр айтилди. Дала аҳолисини сиёсий ҳуқуқидан маҳрум қилишининг уларни қанчалик дараҗада қаттиқ хафа қилиб, жаҳлини чиқарғанлигини эсламаслик мүмкун эмас... Энг оддий адолат билан ҳақиқат түргирикка қарши хиёнат қилишининг, олти миллион қирғизни ҳуқуқсиз оломонга айлантиришнинг қандай фаросатли асоси бўлиши мүмкун деган савол туғилади. Шунда қирғизларнинг манбаатларини ким ҳимоя қиласди? Агар бизнинг халқимизнинг ҳозирги ўзлари сайлаган вакиллари земство мажлисига иштирок этмайдиган бўлса, унда у халқни мунг-зорини ва у масалаларни тўғри ечишининг йўлларини ўз вакилларидан бошқа ким айтиб, ким тушунтириб бера олади?..»

Алихан Бўкейхон қозоқ халқининг қадимги аждодларининг маконидан айрилишига узил-кесил қарши бўлди. Подшо ҳукуматининг мустамлакачилик кўчириш сиёсатини ошкора қилди. Маҳаллий аҳолига христиан динини мажбуrlаб қабул қилдириш сиёсатини айблади. Қозоқ халқини бирлаштириш мақсадида миллат қилиб ташкиллаштирадиган Алаш гоясини асос қилиб олди. Ўз халқининг ёрқин келажагини олдиндан башорат қилди: «*Қозоқ табиатан ақлли ва қобилиятли. Қозоқ халқи кела-жакда гарб тараққиётни йўлида айтарли ютуқларга эришади*», – деган фикр билдири. Алихан Бўкейхон Европа тараққиёт йўлини қўллайдиган дастлабки қозоқ демократларининг бири бўлди. Унинг гоявий-сиёсий қўзқарашининг шаклланишига Буюк француз инқилоби зўр таъсир кўрсатди.

Қозоқ-рус муносабатларининг тарихини етук билган А.Бўкейхон ўзининг илмий ижодларида маҳаллий қозоқлар билан кўчиб келувчи руслар ўртасидаги кескинликларни подшо ҳукуматининг адолатсиз ер сиёсатининг натижасидан эканлигини ёзади: «*Ер учун кўчиб келувчилар ва қирғизлар (қозоқлар) ўртасида кураш кучайиб борди. Баъзида оддий ҳол бўлиб кўринган бу кураш шундай ҳам ноқонуний асосда ўрин олиб келаган миллий қарама-қаршиликни чуқурлаштируди ва янада кескинлаштируди*».

Қозоқ даласида партия ташкил қилишининг хусусиятлари ҳақида чуқур тушунчага эга Алаш арбоби А.Бўкейхон: «*Яқин келажакда, қирғиз ўртасида шаклланиб келаётган икки сиёсий йўналишга хос икки сиёсий партия қурилиши мүмкун. Уларнинг бири миллий-диний аталиб, мақсади – қозоқларни бошқа мусулмонлар билан*».

лан бирлаштириш бўлади. Иккинчиси – гарбий йўналишида», – деб айтиб ўтди.

У саводли, жуда билимли, фаросатли, ўз замонининг етук онгли фуқароси бўлди. Дала фуқароларинингни эмас, бошқа миллатларнинг ҳам ҳурматига сазовор бўлди. Ўз миллатининг ота тарихини етук ўрганиб, маданияти билан урф-одати, анъаналари га ҳурмат кўрсатишнинг, ўз халқига одил хизмат қилишнинг намунасини кўрсатди. Миллий давлатчиликни қайта тиклаш учун тўхтовсиз кураш олиб борди.

Алихан Бўкейхон халқнинг раҳбари қандай шахс бўлиш кераклигини ўз намунаси билан ёритиб берди. У миллионлаган халқни «Алаш» ҳаракати ғояси атрофида тўплади. Қозоқнинг зиёли фуқароларини ўз Ватани билан халқига одил хизмат қилишга чақирди. Ўзининг: «ҳаётимнинг сўнгига қадар қозоқ халқига хизмат қиласман», – деган фикригаadolатли бўлиб ўтди.

«Алаш» ҳаракати раҳбари Алихан Бўкейхоннинг номи ҳеч қачон унуптилмайди. Қозоғистоннинг деярли барча шаҳарларида унинг исми билан кўчалар аталган. Бугунги кунда Қозоғистон Республикасида ўғил болаларга Алихан исмими қўйиш жараёни кенг тарқалган. «Алаш» маданий ва тараққиёт институти унинг кўп томли ижодларини чоп этди. Унинг ҳурматига республика миқёсида ва халқаро миқёсда конференциялар ўтказилиб турилади. 2016 йил давлатимизда А.Бўкейхоннинг 150 йиллик юбилей тўйи атаб ўтилди.

- ? 1. Миллий нашриётнинг ижтимоий-сиёсий онгни ўйгошишдаги роли қандай?
- 2. Миллий мафаатларни ҳимоя қилишда қандай ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилди?
- 3. Миллат зиёлиларининг қозоқ жамиятида оладиган ўрни қандай?
- 4. Қозоқ зиёлиларининг ижодий мерослари ижтимоий онгга қандай таъсир кўрсатди?
- 5. Миллат мафаатларини ҳимоя қилишдаги Алихан Бўкейхоннинг сиёсий раҳбарлик хизмати қандай акс этди?

* Алаш (қадимги турк сўзи – бағри-жигарлар, қондошлар, қариндошлар) – қадимги замонда, туркий қабилалар бўлинмаган даврда пайдо бўлган тушунча. Халқнинг афсонасига кўра «Олти алашли» туркий халқлари ташкил қилган қабилаларнинг авлод-аждоди.

Алаш ҳаракати – XX асрнинг дастлабки чорагида Россия империясининг мустамлакачилик ҳукмронлик тизимига қарши йўналтирилган миллий-озодлик кураши.

Петиция (лат. *petitio* – сўраш)- жамоавий мурожат (талаб, тилаклар, сўранишлар). Давлат раҳбарига ёки юқори ҳукумат маҳкамасига кўпчилик номидан топшириладиган ёзма ариза.

Алихан Бўкейхон (1866–1937) – XIX фасрнинг охири – XX асрнинг бошида қозоқ зиёлиларининг, жамият ва давлат арбоблари қаторидаги алоҳида ўринга эга шахс. Таникли жамоат ва давлат арбоби, миллий-озодлик ва Алаш ҳаракатининг раҳбари, Алашурда автоном ҳукуматининг раиси, публицист, олим, таржимон.



Ижодий топширик.

«XX аср бошида қозоқ миллатининг ижтимоий-сиёсий аҳволи» ва «Алаш» миллий гоясининг тарихий асослари» мавзусида мақола ёзинг. (*Сўз сони: 150–200*)

Мақола мезонлари:

Кириш (асосий ўйга қисқача тўхталиб ўтиш)

Асосий бўлим (кам деганде 2 далил билан 2 факт келтириш)

Хулоса (ўз баҳосини бериш)



«Қозоқнинг» ёпилиши» таҳририят эслатмаси

Бугун Оренбургдан «Қозоқ» газетаси ёпилди деган телеграмма олдик. Бундан аввал «Қозоқ» бошқармасидаги бир одамдан келган бир хатда шундай сўзлар бор: «Оренбургга большевиклар билан бирга Алиби Жангелдин келди . У Тўргай вилоятига комиссар бўлиб олиб, «Қозоқ» газетасининг нашрдан чиқай деб турган 220-сонини тўхтатиб кўйди. Жангелдин большевикларни мақтаб, уларга қарши сўз ёзгани учун «Қозоқ» газетасига тишини қайраб ўтирибди. У «Қозоқни» ёпиб кўйиб, унинг ўрнига большевик йўналишидаги янги газета очмоқчи. Жангелдин «Қозоқнинг» нашриётига келиб, «Фуқаронинг» ҳисоб-китобини сўради. У вақтда Байтурсиновлар Оренбургда йўқ эди. Шунинг учун унга ҳисобот берадиган ҳеч ким бўлмади».

Энди мана бугун келган жумбоқ телеграмманинг ечими мана шу.

Алиби Жангелдин дегани таги Тўргай вилоятининг қозоги. Бироқ, унинг қозоқдан чиқиб кетганига кўп бўлди. У қозоқ қолиб, ҳатто ислом динидан ҳам безиб, христианликка чўқиниб, қаерда бўлса шу ерда тентираб юрарди. Унинг чўқингандан кейинги фамилияси Степанов. У ўзгаришдан кейин Ислом динига қайта кирдим деб, халқ орасига чиқиб, юртга большевик фикрини таратмоқчи бўлиб юрарди. Энди бу Оренбургда большевиклар ғолиб бўлгандан кейин Тўргайга комиссар бўлиб, «Қозоқ» газетасини ёпиб ўтирибди.

Жангелдин – Степановнинг ким эканлигини мана шу ёзганимиздан халқнинг ўзи билади.

«Қозоқ» газетаси ёпилди деган хабарни эшитганда ҳар бир Алаш фарзандининг юраги шиф этиб, бели буқраяди. Биз бунга ишонамиз. «Қозоқ» газетаси Алашнинг қоронғу замонда йўл кўрсатиб турган шамчироғи, шошган вақтда ақл айтиб турган раҳбари. У қораси ўчган золим ҳукумат замонида Алашнинг кўз ёши билан қанчадан-қанча балолардан қолган эди. Унинг бир томонида ману шундай нотинч замон турганидан кейин халқ «үф» деб нафасини олиб, энди «Қозоққа» деган бало-қазо бир йўлата қурийди деб турганда бу хабарнинг тўсатдан келиши «мен Алашман» даганнинг жонига қаттиқ озор беради.

«Бирлик байробги». – 1918. №22. – 20 февраль.



1. «Қозоқ» газетасининг ёпилишига қандай объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатди?
2. Воқеани маҳаллий қозоқ халқи қандай қабул қилди?

33–34-§

Алаш ҳаракати ва қозоқ инқилобчи-демократларининг сиёсий қўзқарашлари

Ўқиш мақсади:

- ✓ Қозоқ давлатчилигининг ривожланиш йўллари хақидаги миллат зиёлиларининг ижтимоий-сиёсий қўзқарашларини солишитириш;
- ✓ Қозогистондаги ижтимоий-сиёсий онгнинг ривожланишига тарихий алломаларнинг қўшган ҳиссасини баҳолаш.

Таянч сўзлар:

Ўзбекча	Қозоқча	Русча	Инглизча
Милиция	Милиция	Милиция	Militia
«Қозоқ» газетаси	«Қазақ» газеті	Газета «Қазақ»	Newspaper «Kazakh»
Ўтинши Алжанов	Отыншы Әлжанов	Отыншы Альжанов	Otynshy Alzhanov

Мавзуга ўтиш:

1. Кўзингни оч, уйғон қозоқ, кўтар бошни,
Ўтказмай қоронғуда бекор ёшни.
Ер кетди, дин ночорлаб, аҳвол ҳаром бўлиб,
Қозоғим энди ётиш ярамасди!

M. Дулатўғли

«Уйғон қозоқ!» шеърининг ёзилишига нима сабаб
бўлди?



1. «Алаш» партиясининг қурилиш тарихи. Алаш ҳаракатининг шаклланиши халқнинг бир неча минг йиллик давлатчилигининг анъанасини модернизациялаш учун кураш йўлидаги энг муҳим давр эди. Қозоқ жамиятининг кўзи очик, кўкраги уйғоқ, миллат-парвар фуқаролари миллий гоя атрофида тўплашди. Бироқ тарих тақозоси билан XX асрнинг 30-йилларининг иккинчи ярми билан 80-йилларнинг охиригача Алаш ҳаракати илмий томондан ўрганилмай унут бўлиб қолаверди, нашр этилган нашриётлар ҳам «миллатчилик-буржуазиячилик» сифатида баҳоланди.

Фикрни давом эттиринг!

Подшо ҳукумати Россия-да билим олган қозоқ зиёлиларини мустамкачил ҳукуматга хизмат қилдириш мақсадини кўзда тутган эди. Бироқ...

Алаш зиёлиларининг асосий таркиби Россия империясининг олдинги қаторли ўқув ўринларида билим олган фуқаролар эди. Бу шароит Алаш раҳбарларига идеологик ва шахсий нуқтаи назардан шахс сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Россия губернияларида ўқиб ва ишлаб юрган вақтда

улар сиёсий курашда тажриба орттириб, сиёсий партиялар (эсер, кадет ва бошқалар) қаторига қўшилди. Алаш зиёлилари қозоқ урф-одатлари асосида Фарбий Европа демократияси тажрибасини фойдаланиб, миллий давлат қуриш гоясини шиор этиб кўтарди.

Алаш зиёлилари партия қуриш ҳаракатини биринчи рус инқилоби даврида ўйлади, 1905-1907 йиллардаги воқеалар, Биринчи жаҳон уруши, Феврал ва Октябр инқилоблари каби йирик тарихий юзбуришлар қозоқ халқининг ижтимоий-сиёсий онгининг уйғонишига ўзгача туртки, қувват берди. Қозогистоннинг барча худудларида, Омби, Оренбург, Урал, Семей, Тошкент, Петропавлда социал-демократ ташкилотлар пайдо бўлди. Бу ташкилотлар маҳаллий аҳолининг сиёсий ҳаётга тортилишини теззатди. Инқилобий ҳаракатларга иштирок этганларни полиция аёвсиз

жазолаб, сургун қилди, қамоққа қамади. Уларнинг орасида қозоқ халқининг таникли вакиллари бўлди. Масалан, А.Бўкейхоннинг хизмати Россия империяси полициясининг назоратига 1897 йилдан бошлаб олинган эди. Дала генерал-губернаторининг махсус ёрлиги буйича инқилоб даврида чоп этилган демократия йўналишидаги даврий нашрлар билан адабиётларни таратиш қатъий тақиқланди. Бироқ тез ҳаракатланадиган ва тез мослашувчан дала ахолиси янги вақт оқими ҳақидаги хабарни тез тарқатди. Бу ҳақида А.Бўкейхон шундай деб ёзди: «*Қозоқларнинг тез ҳаракат қилишининг орқасида манифест қисқа вақт ичида бутун далага тарқалиб улгурди. Барча ҳудудларда қозоқлар катта ва кичик сеззларги йигилиши, манифестни ўқиди. Давлат думасига келажакда сайлов юргизиши масалаларини мухокама қилди. Энг олис бўйислардан қозоқлар шаҳарларга гуруҳ-гуруҳи билан отланди, у ерда ўтаётган шаҳар митингларига иштирок этди. Рус, татар, ўзбек ва қозоқлар қардош бир оиласа бирлашди».*

1905 йил декабрда Урал шаҳрида беш вилоятдан келган қозоқ делегатларининг съезди бўлиб ўтди. Ундаги мақсад қадетлар намунаси билан қозоқнинг сиёсий партиясини қуриш эди. Партия 1905 йил 17 октябрдаги II Николай эълон қилган Манифест бўйича қозоқ халқининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиши керак эди.

1906 йил феврал ойида Семей шаҳридаги қозоқларнинг навбатдаги II съезди чақирилди. Шу йили май ойида кадет партиясининг қирғиз бюроси қурилди. Унда қабул қилинган асосий дастурга мұхим тұлқынишлар киритилиб, маҳаллий халқнинг күчіб юриш сиёсатини тұхтатиши, Дала ўлкасига маҳаллий халқнинг мулки хуқуқий мавқеини бериш, қозоқ болалари учун миллий мактаблар очиш ва ҳақозо талаблари қўйилди.

Россияда Давлат Думасига сайлашнинг бошланиши, биринчи рус инқилобининг мағлубиятга учраши кадет намунасидаги умум-миллий қозоқ партиясини қуришга тұсқынлик қилди. Партияning ишончли ижтимоий таянчи ва қозоқ тилида чиқариладиган нашриёт маҳкамаси ҳам бўлмади. Далаликларнинг сиёсий маданиятининг демократияланиш асоси ҳали ҳам заиф эди. Партияning мақсадлари ва мажбуриятлари кенг турда насиҳатланмагани сабабли ўлка халқи учун тушунарсиз бўлиб қолаверди. Биринчи рус инқилоби аёвсиз босиб-янчилганидан кейин, подшо ҳукумати давлатда қувғин-сургун чо-

Ёдингизга туширинг!
Биринчи рус инқилоби қозоқ халқига қандай таъсир кўрсатган эди?

Үйлаб кўринг!

Агар қозоқлар сайлаш ҳуқуқидан айрилмай, III ва IV Давлат Думаларига иштирок этганда аҳвол қандай бўлар эди?

раларини амалга оширишга киришди. Подшо ҳукумати қозоқ халқининг вакиллари ни ҳукумат маҳкамаларига мумкин қадар яқинлаштирасликка ҳаракат қилди: давлат Думасига сайлаш қонунига ўзгартиришлар киритилиб, подшо ҳукуматининг сиёсатини қўллайдиганларнинг фойдасига ҳал қилинди.

Мана шунинг ўзи қозоқлар ўртасида норозиликлар билан жаҳлнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Махаллий халқ вакиллари Россиянинг Давлат Думасига қатнаштиришни мардларча талаб қилди. Ўлканинг барча худуларини тўлиқ қамраб ўтган демократик жараёнлар тўлқини қозоқларнинг петициявий ҳаракатини сезиларли даражада кучайтируди. Подшо ҳукумати халқнинг талабларини тинглашга мажбур бўлди.

1906–1907 йилларда Алаш зиёлиларининг сиёсий фаолликлари натижасида қозоқлар Россия Давлат Думасига қатнашадиган бўлди. Депутатликка сайланган ўлка фуқаролари ўз хизматлариниadolatli равишда бажариб, халқининг кўзини очиб, сиёсий онгини уйғотиш йўлида бирқатор яхши ишлар бажарди. Газета босиб чиқаришга ҳаракатлар қилинди. Рус либерал-демократик нашриётларининг саҳифаларида қозоқ зиёлиларининг мақолалари тез-тез чоп этилиб турди. I ва II Давлат Думасида Даля ўлкасилининг депутатлари халқнинг манфаатларини ҳимоя қилиб фаол турда иш олиб борди. Давлат Думаси минбарида нутқ сўзлаб, подшо ҳукуматининг ўлкадаги мустамлакачилик сиёсатини қаттиқ танқид қилди, ер масаласини мардларча кўтариб, аграр ислоҳатларда ўз лойиҳаларини тавсия қилди.

1907 йилдаги реакциячил сайлов қонуни бўйича қозоқлар сайлаш ҳуқуқидан айрилди. Қозоқларга Давлат Думасига ўз вакилларини сайлашга руҳсат берилмади. Шунинг учун бу шароитда А.Бўкейхон бошчилигига Алаш раҳбарлари мусулмон, кадет фракциялари билан шартномалар тузишга киришди.

Алаш раҳбарлари ҳукумат томонидан қувгинга учраб, қамоққа қамалди, каторгаларга юборилди. 1913 йил «Қозоқ» газетасида Алаш ҳаракатининг фаол идеологи М.Дулатўғли: «1905 йилдан бошлиб бизнинг халқ бошқа халқлар каби эркинлигини, миллий бирдамлигини ўйлай бошлади. Мустақилликка интилган шу йиллари Семей вилоятидаги ҳаракат раҳбарлари билан юртни тараққиёт йўлига бошловчи миллат зиёлилари қувгин қилиниб,

уларнинг бар қатори хибсга олиниб, қамоқقا қамалди, бошқалари Сибирга ҳайдалди. Қолғанлари ишончсизлар сифатида танилди», – деб ёзди.

Бу инқироз қобилиятынан ҳукуматга қарши норозилик келтириб чиқариб, 1917 йилдаги феврал инқилобига улашди. Петроград меҳнаткашлари билан солдатларининг қуролли қўзғалони ғалаба билан якунланди. Подшо ҳукумати қулатилгандан кейин Муваққат ҳукумат Россияядаги барча қонун чиқарувчи ва бажарувчи ҳукуматни ўз кўлига олди. Феврал инқилобининг ғалабасини миллий демократия вакиллари мустамлакачилик зулмдан қутиладиган вақт келди деб қувонч билан қарши олди.

Янги ҳукуматнинг бошқариш усуллари ва сиёсий йўналиши инқилобгacha бўлган подшо ҳукуматининг сиёсатини давом эттириди. Муваққат ҳукумат маҳаллий аҳолининг аҳволини ўзгартирмади. Шундай бўлса ҳам бир қатор яхши чора-тадбирларни амалга ошириди: қора ва оғир ишларга олингандарни юртга қайтариш, қозоқлардан вилоят комиссарларини тайинлаш, Қозогистонга юборилган жазо отрядларини ортга қайтариш ва ҳаказо. Миллат зиёлиларининг сиёсий фаоллигининг ортиб боришига вилоят съездлари катта таъсир кўрсатди. 1917 йил 2–8 апрелда Оренбургда қозоқ съезди чақирилди. Бу ерда умумий қозоқ съездини ташкиллаштиришга қарор қабул қилинди. Съезднинг ер масаласини, дин, маданий, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа масалаларни ҳал қилиш учун аҳамияти зўр бўлди. Алаш ҳаракатининг раҳбарлари Қозогистон ҳудудига келган бошқа этносларнинг тенглигини ҳимоя қилди. Алаш зиёлилари умуммиллий бирлик ва тотувликни сақлаш ва ривожлантиришда бирлаштирувчи кучга айланди.

Қозоқ халқининг манбаатларини ҳимоя қилишда Алаш раҳбарлари фаол сиёсий кураш орқали тинч йўлни танлади. А.Бўкеҳон қўлга қурол олиб, қўзғалон кўтариш халқ учун фақат зарар келтиради деган ўй билан доимий ислоҳатлар орқали мақсадга эришишни режалаштириди.

Бу ғоя халқнинг хабарчисига айланган «Қозоқ» газетасини дунёга келтириди. Газета 1913–1918 йилларда чоп этилиб турди. Миллий зиёлий жамият «Қозоқ» газетаси чоп этилиши билан бирлашган сиёсий кучга айланди. «Қозоқ» газетаси миллий давлатчиликни қайта тиклаш гоясини барча ҳудудларга тарқатиб, халқнинг миллий онгининг уйғонишига туртки бўлди. Газета ўз Ватанига содик бўлган миллатпарвар фуқароларни тарбиялади.

2. Алаш ҳаракати вакилларининг 1916 йилда қозоқларни қора ишларга олишга кўзқарашлари. 1916 йил ёзда қозоқларни миллий-озодлик ҳаракати бошланди. 6 далали вилоятларнинг деярли барчасида уюшмаган турда норозиликлар акс этди. Кўзғалончилар қора меҳнатга олинадиганларнинг рўйҳатини тузган бўлис раҳбарларини ўлдириши. Подшо ҳукумати кўзғалончиларга қарши жазоловчи аскар юборди. Алаш раҳбарлари қуролли кўзғалонга қарши чиқиб, бошқа қон тўкилишига дучор бўлмаслик учун сабр қилишга чақирди.

Ўйлаб кўринг!

Мустақиллик учун курашнинг тинч йўлиниң фарқи нимада?

Гаҳида қолдира туриб, керакли тайёргарлик ишларини олиб боришни кўзлади.

Халқнинг қуролли кўзғалони Алаш ҳаракати раҳбарларининг ғояларига ва мақсадларига мос келмади. Қозоқ зиёлилари эволюция йўлини танлаб, тинч йўл билан миллий автономияга эришини кўллади.

Алаш зиёлилари шароитни таҳлил қилиб кўриб, қора ишларга боришга рози бўлишни тавсия қилди. Ундан бўлмаган ҳолда халқ ичига подшонинг жазоловчи аскари кириб, халқни қириб ташлашини билди. Вақт кўрсатгандай, кўзғалон давомида қуролсиз халқ ҳукуматнинг жазолаш чора-тадбирларининг қурбони бўлди, минглаб бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди, мол-мулкидан айрилди.

Ўйлаб кўринг!

Нима сабабли Алаш вакиллари халққа қора меҳнатга боришни насиҳат қилди?

Алаш вакиллари халққа ҳарбий хизматга боришни, қора ва оғир ишларга иштирок этишини насиҳат қилди.

1916 йил декабрда Алаш элитаси (студентлар, шифокорлар, ўқитувчилар, фельдшерлар, таржимонлар) штаби Минск шаҳрида жойлашган Фарбий майдоннинг тил меҳнатидаги йигитлар билан учрашибди. Улар тил меҳнатига чақирилганларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиб, озиқ-овқат, дори-дармонларини етказиб бериб, қўлдан келган ёрдамини аямадилар.

1917 йил феврал ойида А.Бўкейхон Минскдаги Фарбий майдоннинг земство ва шаҳар уюшмалари ёнидан очилган мардикорлар бўлимини бошқарди. Бу ҳақида А.Бўкейхон ўзи ҳам ёзади: «У ерда

қозоқ тилини биладиган шифокорнинг ҳам, фельдшернинг ҳам ёрдами жуда зарур». Фарбий майдоннинг ва империянинг бошқа туманларида умумий 200 минг қозоқ меҳнат қилди.

3. «Алаш» партиясининг қурилиши. Сиёсий партия қурилишининг дастлабки шарти 1917 йилдаги феврал инқилобидан кейин шаклланди. Феврал инқилобини қозоқлар тушунувчанлик билан қарши олди. Инқилоб қозоқларга қон тўкишсиз подшо ҳукуматининг зулмидан озодлик олиб қелди, ўзини-ўзи бошқариш умидини уйғотди. Мана шундай шароитда миллий элита сиёсий партия қуриш ҳақида қарор қабул қилди.

Кадет партияси қозоқ автономиясининг қурилишига қарши бўлгани учун халқнинг умиди оқланмади. Бу 1917 йилда А.Бўкейхоннинг кадет партиясидан чиқиб кетишига сабаб бўлди. Алаш зиёлилари миллий партия қуришга киришди. Оренбургда 1917 йил июль ойида ўтган I умумқозоқ съездиде «Алаш» миллий-сиёсий партияси қурилди. Тўлиқ эмас бўлган тарихий маълумотларга қараганда Алаш партиясининг таркибига 5 мингта яқин одам кирган. Қозоқ зиёлиларининг демократик ғоялари ўз вақтидан ўзиқ эди.

«Алаш» партияси қозоқ жамиятининг асосий масалаларини ҳал қилишга йўналтирилган дастур тайёрлаган биринчи сиёсий ташкилот бўлди. Бу тарихий съездда «Алаш» партияси дастурининг лойиҳаси қабул қилиниб, 1917 йил ноябр ойида «Қозоқ» газетасида чоп этилди. «Алаш» партияси биринчи навбатда миллий сиёсий, ижтимоий-иктисодий ривожланишига муҳим масалаларни олға суриб, туғилган ерини сақлаб қолишни мақсад қилиб қўйди. Қирғиз ерида (Пишкеқда) «Алаш» партиясининг бўлимчаси қурилди. Унинг ишларига И.Жайнақов, А.Садиқов, И.Арабаев, Н.Айдарбеков, В.Сооромбаев ва бошқалар фаол иштирок этди.

Большевикларнинг миллатларга тенглик ва эркинлик бериш ҳақидаги ваъдаси миллий ҳудудлардаги халқларга Кенгаш ҳукумати томонига ўзишига ўз таъсирини кўрсатди.

4. «Алаш» партиясининг асосий дастурий мақсадлари. Алаш ҳаракатининг раҳбарлари миллий ва давлат қурилишининг асосий қонуниятларини тайёрлади. «Алаш» партияси дастурининг лойиҳасини А.Бўкейхон бошлаган Алаш ҳаракатининг таниқли вакиллари тайёрлади.

Дастур лойиҳаси 10 бобдан иборат бўлди: давлат тизими, маҳаллий эркинлик, асосий ҳуқуқ, дин иши, ҳукмронлик ва суд,

Тарихий манбалар билан ишлаш!

Дарсликнинг христоматиясида келтирилган «Алаш» партисининг дастури билан танишинг. Дастурда қозоқ давлатчилигини қайта тиклаш қандай акс этган?

юрт ҳимояси, солиқ, меҳнаткашлар, илмбилим ўргатиш, ер масаласи.

«Алаш» партияси дастурида социал-демократ ғоялар аниқ акс этди. Дастурда бепул билим бериш ва тиббий ёрдам кўрсатиш; демократик сайлов, шунинг ичидаги аёлларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги эълон қилиниб, маҳаллий **милиция** ва маъмурий маҳкамалар

қуриш масалалари кўрилди. Алаш вакиллари тайёрлаган партия дастури давлатнинг ҳуқуқий асосий ҳужжати сифатида халқнинг қўллаб-қувватлашига эга бўлди. «Алаш» ғояларининг муҳимлиги ва ҳаётийлигини 1995 йилдаги Мустақил Қозогистон Конституцияси тасдиқлади.

5. Автономиядан – мустақилликка. А.Бўкеҳон ва унинг шериклари 1917–1918 йилларда Қозоқ автономиясини қуришда Қозоқ давлатининг мустақиллигини қўзлади. Бироқ вақтинчалик иттифоқдошлари ва рақиблари билан юргизган мунозараларида у ҳақида очиқ айтмади. Алаш раҳбарлари шаклланган шароитда мустақил давлат бўлиш учун зарур бўлган шартлар ҳали тўлиқ писиб етилмаганлигини, шунинг учун биринчи навбатда федератив Россия билан Сибир таркибидаги автономия қуриш керак эканлигини яхши тушунишди.

1917 йил «Қозоқ», «Сариарқа», газеталарида чоп этилган «Умумий Сибир съезди» мақоласида Алаш раҳбари миллат зиёлиларининг асосий мақсади ҳақида очиқ турда ёзди: «*Сибир автономияси бўлсин, бизнинг қозоқ миллати вақтинча Сибирга қўшилади... Сибир автономиясининг асосий қонунида қозоқ миллати ҳам ўзга да Сибирни макон қилган юрт автономиясига бўлиниш ҳуқуқларини сақлаш йўли билан вақтинча қўшилади деб ёзилади*».

А. Бўкеҳон миллий давлатчиликни қуриш келажакда амалга ошишига тўла ишонч билдириди: «*Тирик бўлсан олдимиизда катта тўй. Алашнинг фарзанди бу йўли бўлмаса, яқин орада ўз тизгини ўзида алоҳида давлат бўлади*». Алаш вакилларининг асосий мақсади, энг биринчи навбатда, миллий автономияга эришиш, ундан кейин тўлиқ мустақил давлат қуриш эди. Алаш қонуниятлари ўз вақтидан олдинда бўлди. Қозогистон 1920 йилда – автоном республика, 1936 йилда – иттифоқдош республика, 1991 йилда мустақил давлатга айланди. Алаш ғояларининг аниқлигини тарихнинг ўзи далиллаб берди.

6. Алашүрда ҳукуматининг хизмати. «Алаш» партияси жамиятнинг ҳар хил вакилларини бирлашган Алаш ғояси атрофида тўплаштириди.

Қозоқ миллий интелигенцияси 1917 йил декабрда Оренбург шаҳрида ўтган Иккинчи умумқозоқ съездиде қозоқ давлатчилиги ҳақидаги масалани муҳокама қилди. Съезднинг кун тартибидағи муҳим масала – Россия таркибида миллий автономия, миллий ҳукумат қуриш бўлди.

Съездда Алашўрда миллий-худудий автономия қуриш ҳақида қарор қабул қилинди. Унга: Бўкей Ўрдаси, Ўрал, Тўргай, Ақмола, Семей, Еттисув, Сирдарё вилоятлари, Фарғона, Самарқанд, Амударё бўлимчасининг қозоқ уездлари, Каспий бўйидаги вилоятлар, Олтой губерниялари кирди.

Алашўрда раҳбарлари миллий автономия қуришнинг асосий қонуниятлари сифатида бошқа миллат вакилларининг мафтаatlари билан ҳисоблашадиган миллий бирлашишни кўзлади. Съездга Б.Кулманов раҳбарлик қилди. Президиумдан А.Бўкейхон, Х.Досмухаммедов, А.Кенесарин, О.Қарашев ва бошқалар ўрин олди. Ҳукумат таркибига 25 одам кирди. Иккинчи умумқозоқ съездиде ҳукуматга 15 одам сайланниб, 10 ўрин ўлкада истекомат қиласидиган бошқа миллат вакилларига берилди. Бу Алашўрда ҳукуматининг демократик қиёфасининг ёрқин намунаси эди.

Съездда вилоят кенгашлари ва комитетлар қурилди. Алашўрда ҳукуматига ижро этувчи ҳукуматни ўз қўлига олиш топширилди. Алашўрда автономиясининг маркази бўлиб Семей шаҳрининг атрофидаги Янги Семей ҳисобланди, кейинчалик Алаш шаҳри деб аталди. Қозоқ автономиясининг раҳбарлигига кўпчилик овоз билан А.Бўкейхон сайланди.

Алашўрда ҳукуматининг бўлимчалари: Фарбий бўлимча-Жимпити қишлоғида (Урал вилояти), Шарқий бўлимча – Семей шаҳрида ва Тўргай бўлимчаси қурилди. Фарбий бўлимчанинг раҳбарлигига Ж.Дўсмухаммадўғли тайинланди.

7. Алаш ҳарбий бўлимчалари. Алаш милициясини қуриш ҳақидаги расмий ҳужжат Алаш партиясининг дастурига киритилди. Алаш вакиллари учун автономия масаласи қанчалик муҳим



Алашўрда Фарбий бўлимчасининг муҳри

Фикрингиз зарур!

Ҳарбий Қенгаш қуриш нима учун керак деб ўйлайсиз?

бўлса, ана шу давлат тизимининг хавфсизлигини таъминлайдиган миллий армия қуриш дикқат марказида бўлди. А.Бўкейхон буни шундай тушунтириди: «*Милиция дегани нима? Милиция –бу миллий армия*».

1918 йилда Фуқаролар уруши кенг этак олди. «Оқлар» билан «Қизиллар» ўртасидаги урушда қозоқ халқи зарап кўрди. Кўп ҳолларда қозоқ овуллари ҳимоясиз қолди. Оддий халқ бир «Оқларнинг», бир «Қизилларнинг» хўрлигига дучор бўлди. Алашўрдаликлар большевизм ғоясини қабул қилмай, оқларнинг ҳукумати билан Урал, Оренбург, Сибир, Семей казак аскарлари томонига ўта бошлади. Дастлаб Алашўрда милиция бўлимчаларининг раҳбарлари казаклардан иборат бўлди.



М. Тинишибаев

1918 йил 11 июнда Алашўрда ҳукуматининг қарори билан Ҳарбий Қенгаш қурилди. Ҳарбий Қенгаш таркибига уч одам кирди. Раиси – Алаш раҳбари А.Бўкейхон, аъзолари – М.Тинишибаев, Х.Ғаббасов бўлиб тасдиқланди. Алашўрданинг 3–5 одамдан иборат бўлган вилоят ва уездларда вақтинчалик қенгашлари қурилди. А.Бўкейхон ҳар бўлисдан 30 одамдан иборат отли милиция бўлинмаларини қуриш хақидаги буйруғи ҳар томонга юборилди.

Ҳарбий Қенгашнинг иш маҳкамаси ҳисобланадиган ҳарбий бўлим қурилди. Ҳарбий бўлим раҳбарлигига Ҳамит Тўхтамишев тайинланди. У Биринчи жаҳон урушига иштирок этган, Сибир кадет корпусининг ва Константинов артиллерия училищасининг битирувчиси эди.

Семейда 1918 йилнинг ўртасидан бошлаб прапорщиклар тайёрлайдиган ҳарбий мактаб очилди. Бу ўқув марказида қозоқлар орасидан саводли, рус тилини эркин ўзлаштирган прапорщиклар (вахмистр) тайёрлади. Ҳаражат етишмовчилиги туфайли Алаш раҳбарлари Самара (Қомуч) ва Сибир ҳукумати билан иттифоқ тушиб, адмирал Колчакдан ёрдам олиб турди.

Алашўрда раҳбарлари 40 минг аскардан иборат бўлган 4 отли корпус ва бир отли дивизия қуриш хақида қарор қабул қилди. Бироқ режа амалга ошмади. Миллий армияни молиявий томондан таъминлаш аниқ белгиланмади. Офицер ходимлар етишма-

ди. Оқларнинг раҳбарияти қозоқ ҳарбий аскарлариға ишонсизлик билан қаради: оқларнинг орасида 1916 йилги миллий-озодлик ҳаракатни бостиришга фаол иштирок этганлар кўп эди.

Тўғридан-тўғри ҳарбий хизматга чақириш билан маҳаллий уезд кенгаши шуғулланди. Аскарга олинадиган йигитлар қабул қилиш пунктига тўлиқ кийим-кечаги, отлари эса тўлиқ от абзаллари билан еткизилиши юклатилди.

Ҳарбий хизматга яроқли 20–35 ёш оралиғидаги йигитларга эркли равишда қабул қилиниши керак бўлди. Алаш милициясига керакли қурол-яроғ, милиция ходимларига маош Алашўрданинг «миллий жамғармаси» ҳисобидан бериш режалаштирилди. Алаш ҳарбий бўлимчаларининг «йигитлари» қатордаги жангчи ва казак даражалари билан тенглаштирилди.

Шарқий бўлимчаси. 1918 йил Семейда биринчи Алаш полки қурилиб, ҳарбий машқлар бажаришга киришди. Бироқ уларга керакли бўлган қурол-яроқ билан кийим –кечак, маблағ етишмовчилига ҳам келиб чиқди.

Вақтингчалик Сибир ҳукуматининг раҳбари адмирал Колчак Алашўрдага ишончсизлик билдириб, Алаш армиясининг қурилишига қаршилик кўрсатди.

Алашўрданинг Farбий бўлимчаси. Алашўрданинг Farбий бўлимчасида ҳам ҳарбий бўлим қурилди. Мана шунга боғлиқ: «*Сариарқа*» газетаси шундай деб ёзди: «*Алашўрда буйруги бўйича Урал вилоятида 2 минг одамдан иборат қозоқ аскари қурилди*».

Алашўрданинг Tўргай бўлимчаси. 1918 йилнинг ёз ойларида Оренбургда Алашўрданинг Tўргай вилояти бўлими қурилди. Бўлим раиси бўлиб Мирзагали Есболов, аъзоларига Байтурсинўғли, Дулатўғли, Қадирбаевлар тайинланди. Маҳаллий йигитлар милиция қаторига олина бошланди. Самара комитетининг қурилтой мажлисидан қурол-яроқ билан кийим-кечак олинди.

Еттисувдаги Алашўрда бўлимчалари. 1918 йил август ойида

Алашўрда гарбий аскарларини қуришга қизгин ишлар юргизилди. Алашўрда милициясини қуриш И.Жайнақовга, Ў.Алжановга ва С.Сатилғановга топширилди. Верний билан Лепси шаҳарларида милиция бўлимлари қурилгани ҳақида маълумотлар учрайди. Ў.Алжанов бошчилигига Лепси уездига таркибида 300 аскари бор Алаш бўлимчаси қурилди.

Алашўрдаликлар буюк мақсади қозоқ автономиясига қўл етказиш учун секин-аста Қенгаш ҳукумати томонига ўта бошлади.

«Алаш» партиясидан бошқа ўлкада Туркистоннинг диний йўналишдаги «Шура-исломий» ва «Шура-улема» сиёсий ташкилотлари қурилди. Диний ташкилотларнинг таъсири республиканинг жанубий худудларига тарқалди. Қозоғистоннинг катта шаҳарларида эсерлар, кадет ва социал-демократик гуруҳлар ҳаракат қилди.

1917 йилнинг охирида қозоқнинг миллий, демократик йўналишдаги сиёсий ташкилоти «Уч юз» партияси қурилди. Партия аъзолари ўз ташкилотини «Қозоқнинг социалистик партияси» деб атади. Партиянинг марказий комитетининг жойлашган ўрни Омби шаҳри бўлиб белгиланди. М.Айтпенов – партиянинг раиси, ўринбосари – К.Тўғисов, аъзолари Ш.Алжанов, А.Досов, И.Кўбенов ва бошқалар бўлди. Кейинчалик партия раҳбарлигига К.Тўғисов сайланди. Таҳририят маҳкамасида «Уч юз» газетаси 1917–1918 йилларда Петропавл шаҳрида нашр қилиниб турди. Партия таркибига зиёли гуруҳ вакиллари билан бирга қозоқ камбағаллари ҳам кирди. «Уч юз» партиясининг дастурида қозоқ халқини ўтрок ҳаётга кўчириш, уларга чорвачилик билан шуғулланиш учун етарли ер бўлиб бериш, камбағаллар ва гадоларга ёрдам бериш, ўлкада ўқиш-билимни тарқатиш ва ҳаказо масалалар атаб кўрсатилди.

Қозоқнинг демократик-радикал гуруҳларининг манфаатларини ҳимоя қилиб, улар «Алаш» партиясига қарши мафкуравий-сиёсий кураш олиб борди. «Уч юз» партияси большевикларни қўллаб-қувватлаб, уларга ўлкада Кенгаш ҳукуматини ўрнатишга ёрдам берди. Қозоқ халқининг миллий манфаатларини бошчиликка олгани билан «Уч юзликлар» ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалаларда большевикларнинг таъсирида бўлди. 1918 йилда партия тарқатилди.

Фикрингиз зарур!

Кенгаш ҳукумати Алаш-ўрдаликларга нима учун кечирим эълон қилди?

8. Кенгаш ҳокимиятининг Алаш вакилларига сиёсий раҳмдиллиги. Фуқаролар уруши даврида Алаш вакиллари оқлар билан бирга бўлди. Кейинчалик Алашўрданинг большевиклар билан муносабатлари ижобий тус ола бошлади.

1919 йилда большевиклар алашўрдаликларни ўзлари томонга тортиш мақсадида РКФСР БЎИК Алашўрдага раҳмдиллик қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. А.Байтурсынўғли раҳбарлигига алашўрдаликларнинг Тўрғай бўлимчаси большевиклар томонига ўтди. Секин-аста қозоқларнинг бошқа гуруҳлари ҳам большевиклар томонига ўта бошлади.

Кенгаш ҳукумати ғалаба қозонганидан кейин Алашўрда ҳукуматини тарқатди. Большевиклар қозоқ автономиясини қуриш

ҳақидаги талабни бажаргани билан, табақа кураши ва пролетариат диктатураси асосида 1920 йилда Қирғиз (Қозоқ) АКСР -и қурилди.

1919 йил апрелда БҮИК қарори билан Алашўрда ҳукуматининг аъзоларига кечирим эълон қилиниб, унинг таниқли аъзолари Кенгаш ҳукуматига хазматига тортилди. А.Байтурсынўғли Қирғиз ҳарбий-инқилобий комитети таркибиға киритилди. Алашўрдаликлар маъмурий маҳкамаларда, шифокор, адвокат, ўқитувчи сифатида халққа хизматини давом эттираверди. Бироқ бу вактинча эди. 1921 йил кузда «аввалги алашўрдаликлар орасида контринқилобий ташкилот» аниқланди деган хабар тарқатилди. Алаш вакиллари Қозогистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидан четлатилиб, А.Бўкейхон, А.Байтурсынўғли, М.Дулатўғли, М.Шоқай ва бошқалар қисувга олинди. М.Шоқай чет әлга кетишга мажбур бўлди.

? 1. Қўшимча маълумотлардан фойдаланиб, ўз вилоятларингизда ҳаёт кечирган Алаш ҳаракатининг вакиллари ҳақида айтиб беринг.

2. Алашўрдаликларнинг оқлар билан вактинчалик иттифоқ қуриб, кейин большевиклар томонига ўтганини қандай тушунтиришга бўлади?

3. Тарихий шахсларнинг ижтимоий-сиёсий онгнинг шаклланишига қўшган ҳиссаларига баҳо берib, холоса қилинг.

***** «Қозоқ» газетаси – 1913–1918 йилларда нашрдан чиқиб турган умуммиллий хафталиқ нашр.

Автономия – бир давлат ҳудудида якка миллатнинг сиёсий томондан ўзини-ўзи бошқариши ва якка ҳукмронлик.

Милиция – жамият мулкини, фуқароларнинг хавфсизлигини, мол-дунёсини ҳимоя қиладиган тартиб сақлайдиган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи маҳкамা.

Ўтишни Алжанов (1873–1918) – таниқли жамоат арбоби. «Алашўрда» ҳукуматининг вакили, Алаш гояси учун қўлига қурол олиб курашган.

Ижодий топшириқлар.

1-топшириқ. GREAT формуласи бўйича Алаш миллий автономиясининг эълон қилинишининг тарихий аҳамиятини таҳлил қилинг.

G (Groundbreaking) – аҳамиятли/юз буриш


R (Remembered) – барчанинг ёдида сақланган

E (Events) – кенг таралишга эга воқеа

A (Affected) – келажакка таъсир кўрсатган

T (Terrifying) – қўрқинчли

2-топшириқ. Берилган чизма бўйича ҳикоя тузинг.



Сакен Сайфуллиннинг «Ахмет Байтурсинўғли элликга тўлди» мақоласидан:

«Ахмет Байтурсинўғли оддий одам әмас, ўқимишли одам. Ўқимишлилар ўртасидан чиққан, ўз замонасида подшонинг бузук ниятли отарман-чопарманларининг хўрлигига, масхарасига айланган ҳалқнинг номусини ҳимоя қилиб, овозини кўтарган киши. Бошқа ўқимишли мирзолар лавозим излаб юрган вақтда, хўрликка чидаб, қулликка рози бўлиб, уйқудаги қозоқ ҳалқининг номусини ҳимоя қилиб, миллатнинг зорини айтган пошдо даврида биргина Ахмет эди. Қозоқнинг у даврдаги баъзи бир ўқимишлилари губернатор, судларга кучини сотиб, таржимон бўлиб, баъзи бир ўқимишлилари номусини сотиб, лавозим излаб юрганда, Ахмет қозоқ миллатига жонини аямай хизмат қилди. «Қирқ мисол», «Маса» китобларини, «Қозоқ» газетасига редакторлик қилган меҳнатларини ўқиб, Алаш даврини, ундан кейин компартияга кирган вақтига тўлиқ тўхталиб, шундай хуносага келасан: Қандай бўлса ҳам ёзувчи озгина, адабиёти заиф қозоқ жирларига ўқиш ҳамда тил воситалари билан қилган хизмати тоғдек... Элликга келган шоирни чин дилдан табриклаб, умрининг узоқ бўлишини тилайман».

«Меҳнатчи қозоқ» (1923 йил, 30 январь)

- ?
- 1. А.Байтурсинўглини ҳалқ маърифатпарвари деб баҳолашга қандай муносабатдасиз?
- 2. С.Сайфуллин Қенгаш ҳукумати билан партия аъзоси бўла туриб, Ахмет Байтурсинўғли ҳақида мана шундай фикр билдирганини қандай тушунтиришга бўлади?

Саккизинчи боб

«МӘҢГІЛК ЕЛ» УМУМИЛЛИЙ ФОЯСИ – XXI АСРДАГИ ҚОЗОҒИСТОН ЖАМИЯТИНИ БИРЛАШТИРУВЧИ АСОС

35–36-§

«Мәңгілік Ел» умуммиллий ғоясинаң тарихий асоси

Үқиши мақсады:

- ✓ «Мәңгілік Ел» умуммиллий ғоясинаң тарихий асосларини анықлаш.

Таянч сўзлар:

Ўзбекча	Қозоқча	Русча	Инглизча
Фоя	Идея (ой)	Идея	Idea
Мәңгілік Ел (Абадий давлат)	Мәңгілік Ел	Мәңгілік Ел (Вечная страна)	Mangilik El (Eternal Country)

Мавзуга ўтиши:

«Мәңгілік Ел» – туркий халқларининг донишманди, уч бирдай хоқоннинг маслаҳатчиси бўлган Тўникўк (Туй-уқуқ) асосини солган гоя...»

Туркшунос, олим Қ.Сартқұйжаұғли

1. Муаллифнинг бу фикрига оид ўз фикрингизни билдиринг.

1. Миллий ғоянинг аҳамияти. Ватан тажрибаси ва халқаро тажрибалар кўрсатганидай, ўзининг тараққиёт йўлининг ҳар бир даврида **элни** бирлаштиришда миллий **ғоя** муҳим ўрин эгаллаган. Масалан, XX асрнинг бошидаги Алаш ғояси муҳим бўлди.

Кенгаш ҳукумати парчаланганидан кейин элимизда янги жамиятни ўрнатишнинг муҳим бўлаги бўлиши керак бўлган янги миллий гоя қонуниятларини шакллантиришга ҳаракат қилинди. Коммунистларнинг кенг тарқалган «ёрқин коммунистик келажак қуриш» гояси социалистик лагернинг ва тоталитар тизимнинг парчаланиши билан ғойиб бўлди. Коммунистик даврдан кейин энди элимизда янги давлат идеологиясини аниқлаш масаласи кун тартибига қўйилди. Ҳар қандай жамият умуммиллий идеологияга муҳтож. Бирлаштирувчи гоянинг бўлмаслиги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, диний, ва маданий қарама-қаршиликларга олиб келиши мумкин. Халққа ягона гоя, олдинга қадам босадиган йўналиш керак.

Ёдингизга туширинг!

Алаш миллий ғоясининг
асосий концепциялари
қандай эди?

Хозирги кунда дунёда кенг этак олган экстремизм моддийгина эмас, маънавий манқуртликнинг натижасидан тарқалди. Ёшларга турли секта оқимлари катта хавф туғдирмоқда. Ёлғон диний бирлашмалар панднасиҳат қилиб, ёшларнинг онгини заҳарлаб, кўплаб оиласларнинг бузилишига олиб келади. Баъзи бир диний оқимлар давлатнинг бирдамлиги билан доимиyllигига зарап келтиради. Глобаллашув шароитида давлатимиз халқаро муносабатлар тизимида қандай ўрин эгаллайди? Биз қўшниларимиз билан қандай муносабатамиз? Бунинг барчаси умумиллий ғояга ва унинг мазмунига боғлиқ. Миллий ғоя этник, диний, тиллик наслига, сиёсий кўзқарашига қарамасдан миллий қадриятлар орқали элда барча халқни ўртоқ мақсад атрофида жамлаштира олади.



А. Кекилбаев

2. Миллий ғоя атрофидаги мунозара. Умумиллий ҳажмдаги гоя масаласи мустақил Қозогистонда XX асрнинг 90-йилларида, айниқса XXI асрнинг бошида кўтарилиб, бир қатор намуналар тавсия қилинди. Миллий ғоя атрофидаги қизғин мунозараларга таниқли олимлар, жамият ва давлат арбоблари: А.Кекилбаев, М.Жолдасбеков, А.Сейдимбек, С.Қасқабосов, А.Байменов, М.Ашимбаев, А.Косиченко, А.Нисанбаев, А.Фали, М.Қойгелдиев ва бошқалар иштирок этди. Ману шу ғояни аниқлашда турли лойиҳалар билан кўзқарашлар тавсия қилинди.

Миллий ғоя әлни ва бутун жамиятни тўплаштирувчи фактор бўлиши шарт. У Қозоғистоннинг жаҳон дунёсига мос киришиб, глобал мураккаб жараёнларга ижобий иштирок этишига шароит яратиши керак. Глобаллашув шароитида миллий ғояни амалга ошириш бутун жамият билан ҳар бир қозоғистонликнинг фойдаси нуқтаи назаридан давлатимизнинг бундан кейинги тараққиётини таъминлаши керак. Миллий ғоя одамзоднинг умумий борлиғидан ажратиб турадиган алоҳида мазмунга эга бўла туриб, жаҳон хамжамиятига кириб, унинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида эълон қиласди.

Таниқли ёзувчи А.Кекилбаев миллий ғояни қўлловчи бирлашган қозоқ табиатини ўрганиш ва миллий онгни жонлантиришга алоҳида кўнгил бўлди. Унинг фикрича, энг аввало, мустамлакачил онгдан қутилиб, ҳалқ сонини орттириш учун әлимизда бола туғилиши кўрсаткичларини кўтаришимиз керак. Шу билан бирга миллий давлат қуриш, миллий онгни ривожлантириш, қозоқ диаспораси билан ирредентасисининг элга қайтиши, ғарбий демократия билан либерализм ва бошқа масалаларни кўтариб, қозоқ халқининг тарихий-маънавий табиатини кўрсатишга ҳаракат қиласди.

ҚР МИА академиги С.Қасқабасов А.Қунанбой ўғлиниң поэзия ва фалсафасига суюниб, «миллий ғоя» деган сўзни «давлат ғояси» деган маънода тушуниш керак деб тавсия қиласди. «Давлат ғоясини» амалга ошириш – мустақилликни сақлаш; миллий онгини ошириш; мувозанатли ташқи ва ички сиёsat; қозоқ халқининг бирдамилиги ва миллий менталитети; давлатимизда истекомат қиласдиган бошқа миллат вакилларининг қозоқ билан ва ўзаро бир-бири билан тотув яшашига ҳаракат қилиши.

3. Элбоши Н.А. Назарбаевнинг таклифлари. Қозоғистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашга давлатимизда истекомат қиласдиган турли миллат ва дин вакилларини бирлаштирадиган миллий ғояни шакллантиришда Элбоши Н.А. Назарбаевнинг меҳнати катта эканлигини айтиб ўтиш зарур. 2001 йилда миллий ғоянинг бешта қонуниятлари тавсия қилинди: 1. Полиэтникиали Қозоғистон халқининг тенглиги; 2. Қозоқ халқи – миллат қурувчи, давлат қурувчи этнос; 3. Диний мослих; 4. Қонунга бўйсунадиган фуқароларни тарбиялаш; 5. Ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш.



Қозоғистон-2050 «Мәңгілік Ел»

2005 йилда Элбоши Н.А. Назарбаев миллий ғоя сифатида мустақиллик ва фуқароларнинг ҳаёт тарзини күтариш каби асосий тушунчаларни тавсия қилди. Үндан кейин миллий ғоя сифатида давлатимизнинг индустрисал-инновацион ривожланиш дастури белгиланған әди. Элбоши ўз тавсияларида вактнинг ўзгачаликларини хисобга олиб, оқыл бўлди. Ўз навбатида миллий ғояни тайёрлаш тұғрисидаги

умумий мунозарага иштирок эта ўтириб, у бошқа муаллифларга ҳам ўз фикрини билдиришга имконият берди. 2014 йилда «Мәңгілік Ел» миллий ғоясининг янги нусхаси тавсия қилинди. Элбоши «Мәңгілік Ел» ғоясини миллий ғоя дея атайды ўтириб, барча қозоғистонликларни «Қозоғистон-2050» дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирларга фаол иштирок этишга чақирди.

Үйлаб қўринг!

Нима учун «Мәңгілік Ел» ғояси «Қозоғистон-2050» дастури билан бирга тавсия қилинди?

«Мәңгілік Ел» ғояси халқ орасида ижобий қабул қилиниб, қўллаб-қувватланди. Уни кенг доирада муҳокама қилиб, кўпчиликка тавсия қилиш учун ЕМУтомонидан бир неча йиллардан буён уч тилдаги кўп тиражли «Мәңгілік Ел» журнали чиқарилиб, бир қатор давлатларга тарқатилади.

4. «Мәңгілік Ел» бирлаштирувчи миллий ғоя. Қозоғистон Республикасининг Тўнгич Президенти Н.А. Назарбаев 2014 йил «Қозоғистон йўли – 2050: бир мақсад, бир муддао, бир келажак» номли

халққа мурожатида янги бирлаштирувчи «Мәңгілік Ел» миллий ғоясини тавсия қилди: «*Бизлар қозоғистонликлар – бир халқмиз! Биз учун ўртоқ тақдир – бу бизнинг, Мәңгілік Ел, лойиқ ва буюк Қозоғистон!*

«Мәңгілік Ел» – умумқозоғистонлик ўртоқ оиласизнинг миллий гояси. Отабоболаримизнинг армони. Мустақил тараққиётимизнинг 22 йиллигига барча қозоғистонликларни бирлаштирадиган, давлат келажагининг пойдеворини яратган асосий қадриятларимиз пайдо бўлди.



«Мәңгілік Ел» салтанат дарвозаси, Нур-Султон шаҳри

Хақиқатдан, бизнинг қадимги ва абадий еримиизда қозоқ халқининг кўп асрлик давлатчилигининг тарихий тажрибаси бор. Мустақилликка эришган Қозогистон ўзининг миллий давлатчилигини ривожлантириш йўлига тушди. Бу ҳақида тўнгич президент Н.А. Назарбаев шундай дейди: «*Менинг армоним ва бор фикрим Қозогистоннинг абадий бўлишидир. Шунинг учун «Мәңгілік Ел» деган гояни тавсия қилдим. «Мәңгілік Ел» бўлиш учун ҳамма нарсани бажариб келмоқдамиз. Қозогистоннинг энг катта патриоти ҳам, давлатни олдинга бошлайдиган ҳам шулар бўлади деган ишончдаман*», – деди. Бу гоянинг бошланиши узоқ тарихга бориб тақалади. Дастреб VIII асрнинг бошида ҳозирги Монголияда, маркази Ўтикен ҳудудида ота-боболаримиз – ўрта асрлик туркийларнинг тарихи абадийликка ўйиб ёзилиб қолган. «Мәңгілік Ел» ғояси Қозогистоннинг мустақиллик руҳи билан уйғунлашиб турмоқда. Мустақиллигимизни кўзимизнинг қорачигидек сақлашимиз лозим, уни сақлаб қолиш анча қийин.

Мана шу қадриятлар орасида биз ҳар доим ғалабага эришдик. Бу ғоя – қозоқ давлатининг асрлар бўйи армон қилган мақсади, мустақиллик йилларидағи вақт синовидан ўтган Қозогистонлик йўл тажрибаси.

5. Миллий ғоя қабул қилишнинг тарихий аҳамияти. «Мәңгілік Ел» миллий ғоясини қабул қилишнинг тарихий аҳамияти жуда катта. 20 йилдан ортиқ мустақиллик йиллари давомида бизнинг миллий ғоямиз бўлмади. Элбоши барча фуқароларга яқин, турли миллат ва дин вакилларига бирдай ғояни тавсия қилди. У жамият олдида турган дастурий мажбуриятларни амалга оширишда, шунинг ичида дунёдаги 30 ривожланган давлатлар қаторига кириш учун халқни бирлаштиришнинг муҳим қуроли ва қудратли механизми сифатида қабул қилинди.

ҚР нинг Тўнгич Президентининг айтишича: «*Миллий гоя жамиятнинг ўзида пишиб етилади. Унда сиртдан берилган таъриф бўлмайди*».

Ер кўлами томонидан Қозогистон жаҳон давлатлари ичида 9-ўринни эгаллайди. Камида кейинги уч минг йилдан ортиқ вақт давомида Қозоқ давлатчилигининг томири, давлатимиз сақ, фун, туркий, қипчоқ-қозоқ асосларида ҳаёт кечирди. Турли тарихий даврларда давлат тизимлари турлича аталиб келди. Маҳаллий ахолининг ўзига ҳос тили, антропологик хусусияти, дили, диний

эътиқоди, урф-одатлари, чорвачилик-маданий турлари доимий, ўзгаришларсиз сақланиб келди.

Хозирги кунда бутун Фарбий Европани ёки бешта Францияни қамраб оладиган жуда катта ҳудудни ҳимоя қилиш, фақатгина рухи баланд, жанговор хусусиятларга эга ахоли ва кучли идеологияси бор құдратли давлатнинггина қўлидан келади.

«Мәңгілік Ел» миллий ғоясининг асосидаги муҳим умуммиллий 7 қадрият:

Биринчидан, бу – Қозогистоннинг мустақиллиги билан пойтахти.

Иккинчидан, бу – жамиятимиздаги миллий бирлик, тинчлик билан то-тувликт.

Учинчидан, бу – зомонавий жамият ва юқори мағнавият.

Түртінчидан, бу – индустрىялаштириши ва инновацияларга асосланған иқтисодий ўсииш.

Бешинчидан, бу – Барчага ўртоқ меҳнат жамияти.

Олтینчидан, бу – тарихнинг, маданият билан тилнинг уйғунлиги.

Еттінчидан, бу – давлатимизнинг миллий хавфсизлиги, умумжаҳон ва ҳудудий масалаларни ҳал этишга жаҳон миқёсіда иштирок этиши.

Биз минглаган йилларни ортда қолдириб, тақдир сўқмоқларидан қоқилмай ўтиб, давлатчилигимизни, тилимизни, маданиятимиз билан ёзувимизни сақлаб омон қолдик. Келажакда уни асрлар билан мингйилліклар давомида кўз қорачигимиздай сақлаб, «Мәңгілік Ел» ғоясими келажакнинг шамчироғи сифатида амал қиласидиган бўламиз.

Мана шу туфайли миллий ғоя жамиятнинг муҳим масалаларини ҳал қилишга йўналтирилади. Миллий ғоя миллат билан бирга умр суради. Келажакда давлатимизнинг миллий ғояси замон талабларига боғлиқ ўзгаришлар билан тўлиқтирилиши мумкин, ҳозирги вақтда эса у халқ орасида кенг равишда қўллаб-қувватланмоқда.



1. «Миллий ғоя» мазмунини қандай тушунасиз?
2. Қўшимча маълумотлардан фойдаланиб, қўшни давлатларда қандай миллий ғоялар бор эканлигини аниқланг.
3. «Мәңгілік Ел» миллий ғоясими амалга оширишда қандай тавсияларин-гиз бор?



Фоя – илм, онг, теория юзасидан, логик тузилишни аниқловчи тушунча. Одам онгидаги бирор бир нарсанинг тасвири, шу нарса ҳақидаги билим, тушунча.

Мәңгілік Ел – Қозғистон Республикасининг Түнгіч Президенти Н.А. Назарбаевнинг 2014 йилдаги Мактубида тавсия қылган миллій ғоя.



Жолдасбеков Мирзатай Жолдасбекұғлы (1937) – давлат ва жамоат арбоби, Қозғистон халқ ёзувчisi, Қозғистон Республикасининг давлат мұкофотининг лауреати, Қозғистоннинг Мемлекеттік Қаһрамони.

Кекилбаев Абиш (1939–2015) – таниқли давлат ва жамоат арбоби, Қозғистоннинг халқ ёзувчisi, Қозғистон Республикасининг Давлат мұкофотининг лауреати, Қозғистоннинг Мемлекеттік Қаһрамони.

Ижодий топшириқлар.

1-топшириқ. «Қозғистон – Абадий давлат!» мавзусида 80–100 сүздан иборат бўлган эссе ёзинг. Таянч сўзлар: *Мустақиллик, миллій гоя, автономия, «Мәңгілік Ел», тотувлик, келажак*.

2-топшириқ. GROW усулини фойдаланиб, «Мәңгілік Ел» ғоясини таҳлил қилинг.

Goal – мақсади

- Дастаннинг асосий мақсади нимада?
- Натижасида нимага эришишни ҳохлайсизлар?
- Мақсадга эришиш учун қанча вақт берасизлар?
- Мақсадга эришгандан кейин биз қандай бўламиз?

Reality – амалга оширилиши

- Ҳозирги вақтда нималар амалга оширилмоқда?
- Дастанни амалга оширилишини қандай бошқаришга ёки нималарни ўзgartаришга бўлади?
- Дастаннинг амалга оширилишига қўшимча яна қандай манбалар зарур?

Options – имкониятлари

- Дастаннинг амалга оширилишида қандай ички қарама-қаршиликлар туғилиши мумкин?
- Узоқ муддатли дастаннинг мақсадлар билан қабул қилиниши қандай имкониятлар беради?
- Агар сизда вақт билан моддий қуроллар ва бошқа усуллар етарли бўлса нимани ўзgartирар эдингиз?

Way forward – олдинга қараб ҳаракат қилиш

- Сизларни қандай ҳатти-ҳаракталар қаноатлантиради?

- Ютуқларни қандай мезонлар билан ўлчайсизлар?
- Олдинга қараб ҳаракат қилиш учун қандай ёрдам керак деб ҳисоблайсиз?

3-топширик. Қўшимча маълумотлардан фойдаланиб, Ўрта Осиёнинг бошқа давлатларида қандай умуммиллий гоя бор әканлигини аниқланг. Таққосланг.



«Мәңгілік Ел» – ота-баболаримизнинг минг йиллардан бүён кела-ётган бебаҳо армони. У армон – жаҳон давлатлари билан тенг ҳуқуқда муносабат ўрнатадиган, дунё харитасидан ўйиб ўрин әгаллайдиган Мустақил давлат деб аталиш әди. У армон – турмуш тарзи бақувват, тутини тўғри учган, авлоди келажакка ишонч билан қарайдиган баҳтли Эл бўлиш әди. Биз армонларни ҳақиқатга айлантиридик. «Мәңгілік Ел»нинг пойдеворини қурдик.

Мен жамиятда «Қозоқ давлатининг миллий гояси қандай бўлиши керак?» деган савол тез-тез музокара бўлишини кўриб юрибман. Биз учун келажагимизга йўлланма берадиган, миллатни бирлаштириб, буюк мақсадларга етаклайдиган гоя бор. У – «Мәңгілік Ел» гояси. Мустақиллик билан бирга халқимиз Абадий Мақсадларига эришди. Биз давлатимизнинг юраги, мустақиллигимизнинг таянчи – Абадий пойтахтимизни қурдик. Қозоқнинг Абадий Умри келажак авлоднинг Абадий Келажагини фаровон этишга бағишлиданади. Эндиги авлод – Абадий Қозоқнинг Фарзанди. Шундай экан, Қозоқ Давлатининг Миллий Гояси – «Мәңгілік Ел».

Мустақилликка эришишга қараганда уни сақлаб, ушлаб туриш анча қийин. Бу дунё коинотида умр сурган қанчадан-қанча халқларнинг бошидан ўтган тарихий ҳақиқат. Ўзаро низолар билан ҳар томонга тортган баракасизлик қанчадан-қанча давлатларнинг тақдирига болта чопди. Тирикчиликнинг синовларига бардош бера олмай, ер юзасидан йўқолиб кетган миллатлар қанча. Биз бошқаларнинг хатолигидан ва ўтганларнинг тажрибасидан ўзимизга дарс олишимиз лозим. Бу дарснинг мазмуни биргина – «Мәңгілік Ел» бизнинг ўз қўлимиизда. Бунинг учун ўзимизни доимо қамчилаб, ҳамиша олдинга интилишимиз керак. Бойлигимиз ҳам, баҳтимиз ҳам бўлган Абадий Мустақиллигимизни кўзнинг қорачиғидек сақлай олишимиз лозим.

«Қозогистон-2050» – абадий давлатга бошлайдиган энг обрўли, энг мартабали йўл. Мана шу йўлдан адашмайлик, суюкли халқим! Ҳар бир кунимиз байрам, ҳар бир ишнимиз барокатли бўлсин! Тараққиётимиз тез, келажагимиз ёрқин бўлсин! Яхши ишлар билан бутун дунёни лол қолдириб, Яшасин, Давлатимиз Абадий!»

*Қозогистон Республикасининг Тўнгич Президенти Н.А. Назарбаевнинг
мактубидан, 2014 йил, 17 январь, Нур-Султон ш.*



1. Фоя нима учун «Мәңгілік Ел» деб аталди?
2. «Мәңгілік Ел» гоясининг бирлаштирувчи роли қандай?

Ўқиши мақсади:

- ✓ «Мәңгілік Ел» ғоясининг бирлаштирувчи қадриятларининг ахамиятини аниклаш;
- ✓ «Мәңгілік Ел – ватанпарварлық актини» ва «Қозогистонлик бирлик билан бирдамлықни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш қонуниятини» ўрганиш асосида давлатнинг идеология соҳасидаги сиёсатини тушунтириш.

Таянч сўзлар:

Ўзбекча	Қозоқча	Русча	Инглизча
Толерантлик	Толеранттылық (төзімділік)	Толерантность	Tolerance
Фотиха бериш	Бата беру	Дать благославение	To give abiessing

Мавзуга ўтиш:

1. Қозогистон жамиятини қандай умуммиллий қадриятлар бирлаштиради?

1. «Мәңгілік Ел» ғояси Қозогистон жамиятини бирлаштирувчи қадрият. Ҳозирги кунда Қозогистонда ноёб қадриятлар шаклланиб, умуммиллий маънога әга бўлди. Уларнинг қаторида этнослараро келишув, очиқлик, катталарни ҳурмат қилиш, меҳмондўстлик, ўзаро ёрдам бериш, одоб билан камтарлик ва бошқалар муҳим ўрин эгаллади.

Тинчлик ва тотувликда ҳаёт кечиришга интилиш қозоқ халқининг бебаҳо фазилатларидан бири эканлиги маълум. Қозогистоннинг кўп миллатли халқининг тотувлиги ва бирдамлиги, ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилиши – давлатимизнинг асосий бойлиги. Бугунги кунда Қозогистон – тинчлик ва тотувлик сақланган, турли ҳил миллат вакиллари ўзаро келишиб умр сураётган бирлашган давлат.

Қозогистонлик бирдамлик ва бирликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш. 2015 йил Қозогистон Республикаси Прези-

денти Ёрлиги билан «Қозғистонлик бирдамлик ва бирликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш концепцияси» тасдиқланди. Қозғистонлик бирдамлик ва бирликни маданий, энтос, тил ва дин хилма-хиллигига асосланган умуммилий қадриятлар ташкил қиласы. У ҳар бир фуқаролик ва этнослик келиб чиқишига қарамасдан ўзининг тақдири ва келажагини Қозғистон билан боғлашга асосланади. Ўртоқ тарихимиз, бугунги турмушимиз, келажакка деган жавобгарчилигимиз жамиятни бирдамликка бошлиайди. Концепция бўйича фуқаровий қонуниятлар, уч тилилик каби қадриятга алоҳида эътибор берилди.

«Мәңгілік Ел» гоясининг асосий мазмуни етти қадриятдан иборат. 1991 йил әришган мустақилигимиз барча қозғистонликларни бирлаштирадиган оммавий келишувнинг асосий қадрияти бўлиб ҳисобланади.



EXT саммити. 2010 йил. Нур-Султон шаҳри

Бугунги кунда миллий ғууруимиз Нур-Султон шаҳри нафакат республикамизда, балки Евросиё қуриқлигининг сиёсий, маданий ва маънавий марказига айланди. 2010 йил Нур-Султон шаҳрида EXPO саммити бўлиб ўтди, бутун жаҳон ва анъанавий динлар фолларининг съездларини, қозоқларниң бутун жаҳон қурилтойини ўтказиш анъанага айланган. 2017 йилда ЭКСПО халқаро кўргазмаси ўтказилди.

«Мәңгілік Ел» умуммиллий ғоясида жамиятдаги миллий бирликни сақлаш, шу билан бирга тотувлик ва келишувни янада мустаҳкамлаш режаси акс этган. Шу билан бир қаторда, индустрялаштириш ва инновацияларга асосланган иқтисодий ўсишга, турмуш тарзини яхшилашга йўналтирилган барчага ўртоқ меҳнат жамиятини ўрнатишга, республикамизда истеъқомат қиласидиган барча миллатларнинг тилларини ривожлантиришга шароит яратиш ва миллий хавфсизлик масаласига катта эътибор берилди.

Умуммиллий ғоя шу билан бир қаторда миллий хавфсизликни таъминлашга ва Қозоғистоннинг умумий жаҳон масалаларини ечишга иштирок этишига йўналтирилган. Давлатимиз пойтахтида иқтисодий ва маънавий келишув форумларининг ўтиши-Қозоғистон мана шу қадамларни самарали амалга ошириб келаётганигининг далили.

2. Қозоғистон ахолисининг очик-оидинлиги ва ёрқин хулқатвори. Раҳмдиллик, одамгарчилик, меҳрибонлик, очик күнгиллик, сабрлилилк каби фазилатлар Буюк Далани макон қилган қозоқ халқининг миллий табиатида алоҳида акс этган. Қозоқ халқининг асрлар давомида тўплаган урф-одатлари билан маданий қадриятлари тинчлик билан мустақилликни сақлаб қолишига имконият бериб келмоқда. Ш.Валиханов: «*Қозоқлар – дунёдаги энг меҳрибон халқ*», – деб ёzáди. Қозоқларнинг авлод-аждодлари қипчоқлар, ўрта асрлардаги туркий қабилалар, фунлар ва саклар раҳмдиллик, меҳрибонлик, одамгарчилик фазилатлари билан ажралиб турди. Эркинлик, ажойиб жанговор фазилати, анъанавий мол чорвачилиги, бепоён даласи одамларнинг одамгарчилик фазилатларини шакллантирди. Буюк сакларнинг ҳам табиати ана шундай бўлган. Фунларнинг кучли ва мард бўлишининг сабабларидан бири уларнинг сабрлилиги, ҳатто бошқа дин вакиллари ва қулларга ҳам меҳрибончилик қилишидир.

Миллатимизнинг хулқатворидаги асрлар давомида шаклланган катталарни ҳурмат қилиш, ўз сўзига жавоб бериш, аёлни ҳурмат

Үйлаб кўринг!

Далаликлар хулқ-авто-рининг шакланишига табии омилларнинг қандай таъсири бор?

бўлиб, қозоқ тили ва маданиятини ўрганишга ҳаракат қилди. Мустақиллик йиларида ўз ватанларига кўчиб кетган немис, рус украин миллатларининг вакиллари қозоқ халқи билан яқин муносабатда

Фикр-мулоҳаза

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ўз ватанига кўчиб кетган бошқа миллат вакиллари нима учун Қозоғистонга қайта кўчиб келди?

тўрга чиқарилган. Йиғилишларда улар муҳим рол ўйнади. Ёшлар уларнинг айтган сўзларини ҳеч икки қиласидан бажардилар. Ёш йигит учун катта товоқдан оқсоқолнинг ўз қўлидан таом ёйиши энг катта мукофотнинг белгиси бўлиб ҳисобланган. Кичик ука катта аканинг руҳсатисиз ҳеч қачон ўз бошимчалик билан дастурхон атрофига ўтирмас эди.

Фикрингиз зарур!

Ҳозирги кунда катталарга ҳурмат кўрсатиш одоби қандай даражада сақланган?

ҳисобланиб, бунга умуман руҳсат берилмади.

Ёшлар катталарнинг йўлини ҳеч қачон кесиб ўтмаган. Икки қозоқ учрашган вақтда ёши кичкинаси ёши каттасига биринчи бўлиб салом беради. Оқсоқолларнинг отини тизгинлаш тўғридан-тўғри ёшларнинг вазифаси бўлди. Ёшлар узок сафарга чиқишдан аввал ёки оила қуришдан аввал ёши улуғ оқсоқолларнинг олдиндан ўтиб, оқ *фотиҳасини* олган. Қонун бузиб, ножӯя ҳаракатлар қилгани учун оқсоқоллар «тескари фотиҳа» беришди. Бу жазонинг энг оғир тури бўлиб ҳисобланди. Ер масаласи, есир масаласи, уруғлар ўртасида бўлиб турган мураккаб дов-жанжалларни ҳал

қилиш каби фазилатлар қадриятларимизнинг юксак пойдевори бўлиб ҳисобланади.


Турли миллат вакиллари қозоқ ерига турли шароитларга боғлиқ кўчиб келиш натижасида жойлашган. Европа миллатининг вакиллари қозоқ халқи билан яқин муносабатда

3. Ёши катталарни ҳурмат қилиш.

Дастурли қозоқ жамиятида ёши катта одамларни ҳурмат қилиш фазилати қадимдан бор. Ундаи ҳурмат ёши катта инсоннинг қайси уруғдан, қайси юздан ва қайси миллатдан эканлигига қарамай кўрсатилган. Улар барча маросимларда, тўй ва йиғинларда ҳурматли ўринларга,

Ёш одамнинг катта ёшдаги одамнинг олдини кесиб ўтиши тарбиясизлик деб ҳисобланган. Бу қоида аёл одамнинг йигит кишини олдини кесиб ўтишига ҳам таалуқли бўлди. Ёши кичкиналарнинг ёши катта одамларга баланд овозда гапириши энг катта тартибсизлик деб ҳисобланади.

Қозоқларнинг одобилик ва камтарлик урф-одати



қилишга қишлоқ оқсоқоллари ёки бўлмаса уруғнинг, қишлоқнинг обрўли одамлари аралашган. Катталарни ҳурмат қилиш ҳар қандай шароитда амалга оширилган. Овчиликка чиққан вақтда ёш овчи ўлжасини ўзи билан бирга овчиликка чиққан одамларнинг орасидаги ёши каттасининг қўнжига бойлаган.

Дала аҳолисига хос одобилик ва камтарликнинг бир намунаси – катта кишининг исмига «ака» ёки «еке» каби қўшимчаларни қўшиб айтиш. Масалан: Дайир – *Даке*, Қазбек – *Қазеке*, Ертас – *Ереке* каби атилади. Ёшлар ёши катта одамларни ўз номи билан атамай, жамиятдаги хизмати ва лавозими билан атади: *Бий-ога*, *Ботир-ога*, *Бўйлис-ога* ва ҳакозо.

Учинчи мингийилликнинг бошида ёши катта кишиларни ҳурмат қилиш дастури қон-қонимизгача сингтан фазилат сифатида кўп миллатли Қозоғистон давлатимизда ҳозирги кунга қадар сақланиб, миллий қадрияtlаримизнинг бири бўлиб ҳисобланади. Қозоқ учун катталарга ҳурматат кўрсатиш – ёзилмаган қонун.

4. Буюк Дала аҳолисининг меҳмондўстлик фазилати. Буюк дала аҳолисига анъанавий меҳмондўстлик қадимдан хос. Уларнинг бу фазилатлари кўп асрлар давомида шаклланган.

Қорқит васиятларининг қайси даврда бўлмасин эксирмайдиган бебаҳо бойлик бўлиб ҳисобланадиган сўзларида меҳмондўстлик фазилатини қатъий ушлашга кўрсатма беради: «*Меҳмони йўқ қора уйдан ёмон бўлган туз ортиқ*». Қозоқ халқи мол-дунёнинг орқасида меҳмонга текин дастурхон ёзиб, меҳмондўстлиги билан дунёни тан



Қозоқлар. XVIII–XIX аср.

М.В. Горелик

қайсақлар (қозоқлар – муаллиф) мүмкин қадар меҳмондўст ва раҳмдил бўлиб келади. Уларнинг кийгиз уйларига кириб жойлашган ҳар қандай бегона одамнинг ўзимни бирорлар тўнаб ёки ўлтириб кетадими деб хавотир қилмай, ташвишисиз бемалол ухлайверишига бўлади».

Иzlанинг!

Ҳозирги қозоқ жамиятида меҳмондўстлик фазилати сақланганми?

ва дастури қозоқ ерида бўлган чет эллик саёҳатчилар, олимлар билан хизмат юзасидан келган одамларни лол қолдирган. Француз тадқиқотчиси Ш.Е. Ужвалъд де Мезе-Ковезд Буюк Даля аҳолисининг ажойиб фазилати ҳақида шундай дейди: «Одамгарчилик фазилатлари бўйича қозоқ оқ кўнгилли, ақлли, одил ва меҳмондўст бўлиб келади. Улар чет элликларни зўр меҳмондўстлик билан кутишади». XIX асрнинг охирида инглиз кон ўринларининг акционерлик жамиятида хизмат қилган америкалик инженер Э.Нельсон-Фелл қозоқларнинг меҳмондўстлиги ҳақида илиқ фикрларини билдиради: «Бу ажойиб қонун, унга барча амал қиласи. Бошқа қонунлар билан урф-одатлар бузилса ҳам, бу қонун бузилмайди».

Қозоқ «Қирқнинг бири – Хизр» дейди. Меҳмон билан биргаликда эргашиб қут-барака келади. Далаликларда уйига келган одамга албатта текин меҳмон ошини бериш, унга қулай ўрин-жой солиб, тунатиб юбориш урф-одати қадимдан шаклланган. Қут-

олдирган юрт. Меҳмон оши – қозоқнинг бўлинмаган одати. Оддий меҳмонни ҳатто кучли ҳукмдорлар ҳам хафа қилмай, меҳмон қилиб, ғамхўрлик кўрсатган.

XIX асрнинг охирида Россия тадқиқотчиси Виктор фон Герн шундай деб ёзди: «Умуман олганда қозоқлар мана шу вақтга қадар илиқ истараси, раҳмдиллиги, оқкўнгиллилиги ва меҳмондўстлик фазилати билан лол қолдиради. Бунинг ўзи уларнинг суюкларига сингиб кетган қадимдан келаётган бебаҳо фазилат».

Уйга келган меҳмон ҳар доим уй эгасининг ҳимояси ва ғамхўрлигига бўлади. XIX асрда Қозогистонда бўлган немис тадқиқотчиларининг бири Ф. фон Хелльвальд ҳам шундай деб ёзади: «Киргиз-

маган жойдан келиб қоладиган меҳмонни қозоқ *Худойи меҳмон* деб, унга алоҳида ҳурмат кўрсатган. Агар уй эгаси меҳмонга ундей хурмат кўрсатишнинг анъанавий урф-одатидан бош тортса, ҳалиги бегона йўловчи уй эгасининг устидан бийга бориб, шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Бий бўлса меҳмондўстлик урф-одатини бузган уй эгасига от-тўн жаримасини (*от-тўн ёки от ёки чапон ҳажмида солинадиган жарима* – муаллиф) солар эди. Одатда бундай ёқимсиз воқеалалр қозоқлар орасида жуда кам учраган. Бундай жарима тури ҳақида А.Гейне ҳам ёзган: «*Ҳар бир йўлловчини имкон қадар меҳмон қиласди. Уй ичига киргизмаган ва меҳмон ошини бермаган уй эгаси от ва чапон турида жарима тўлаши зарур эди*». Бемаҳал меҳмонга маҳмон ошини бермаган одамни от-тўн айбга кесилган, бундай одамни атрофидаги әл-юрт ҳам хурмат қилмайдиган бўлди.

Қозоқлардан қадимдан келаётган урф-одатнинг бири – *таомга оғиз тегиши*. Уйга кирган ҳар қандай одамни таомдан оғиз теккизмагунча, фотиҳасини олмай кетказмас эди. Қозоқ даласига сургун қилинган поляк ёзувчиси А. Янушкевичнинг қозоқларнинг меҳмондўстлиги ҳақида: «*Агар экватор чизиги бўйлаб фақат қозоқ овуллари макон қилиб ўтирган бўлса, мен ер шарини бир тийин пул сарфламай айланиб чиққан бўлар эдим*» деган сўзи жуда тўғри айтилаган.

Бу анъана одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаб, умуман олганда жамиятнинг бирлигини мустаҳкамлаган. Қозоқларнинг меҳмондўстлиги аввалги КСРИ нинг миллионлаган фуқароларини сиёсий қувғин-сургин, оммавий депортация ва эвакуация йилларида очарчиликдан ва қийинчилаклардан омон сақлаб қолди. Бу томондан қозоқлар бошқаларга қараганда устун бўлди.

5. Одоблилик билан камтарлик урф-одати. Дала аҳолисига хос одоблилик ва камтарлик оила тарбиясидан бошланади. Бу фазилатлар одам боласининг бўйида тугайдиган бўлса, бу жамиятнинг маънавий инқизозига олиб келади. Ватан оиласдан бошланишини доно халқимиз чуқур англаб, ҳар доим ёдидаги сақлаб келган. Бизнинг ота-боболаримизнинг асрлар давомида сақлаб келаётган миллий қадриятларимизнинг бири бўлиб ҳисобланадиган одоблилик, ҳурмат, камтарлик эканлигини ёддан чиқармаслигимиз керак. Бу қадим замонлардан халқимизнинг суюигига сингган фазилатларнинг бири бўлиб ҳисобланади.

Фикрингизни билдиринг

Ҳозирги қозоқ жамиятида ёш келинчаклар күёвиининг яқин қариндош уруғларининг исмини атамаслик урф-одатини сақладидими?

гіб кетган ағзал одат.

Ёш келинчаклар йигит кишини ўзгача ҳурмат қилишининг белгиси сифатида күёвиининг яқин қариндошларининг исмини айтиб чақырмаган. Күёвиининг ота онасини қайнота, қайнона деб ҳурмат қилишган. Күёвиининг укалари ва сингилларини чироқ, ёруг, ойнам, гулім, жигарим деб әркалатиб исм қўйган, бошқа қариндош-уруғларига ҳам ўзларига ярашадигандек қилиб исм ўйлаб топган.

Қозоқлар хомиладор аёл билан ёши катта одамнинг олдини кесиб ўтишни одобсизлик деб ҳисоблаган. Келинлар отасининг, қайин акаларининг қўзига кўринмасликка ҳаракат қилган. Оила бошлиғи уйда йўқ вақтида катта йигит кишининг, яқин қариндош уруғи бўлмаса, уйга киришига руҳсат бермаган. Қозоқлар уйга киришидан авввал ҳар доим қурол-яроғини ташқарида қолдирган. Хоннинг олдига қамчи ушлаб киришга ҳам бўлмаган.

Қишлоқ оқсоқоллари овқат вақтида катта товоқдан ёши кичикларга ошатиш (*овқат едирши*) қилар эди.

Дала аҳолиси бир-бирига қувончли хабарни «Суюнчи!» деб етказиш урф-одати бўлган. Қувончли хабарни етказган одамга илиқ сўзларини айтиб, совға берган. «Суюнчи» деб чақалоқ дунёга келгандан, йигит киши ҳарбий хизматдан эсон-омон қайтиб келаганда ва бошқа яна ҳар қандай қувончли хабарларни айтади.

«Ботирдан – совға, овчидан сиралги», – дейди қозоқ халқи. *Совға* деб ёвга ҳужум қилган ботирнинг ҳужум ўлжасидан олинадиган нарсани айтади. Масалан, қозоқ-жўнгор урушларида узоқ ҳарбий юришлардан ўлжа билан келган ботирлар қариндош уруғларига совға сифатида мол, тақинчоқ буюмлар ва бошқа нарсалар берган. Ўлжа билан келаётган овчидан *сиралги* сўралган. Овчилар сиралғининг сўзини ерга ташламай, ҳоҳлаган нарсасини берган.

Мана шу урф-одатларнинг барчаси Қозогистон халқининг бирдамлигини сақлаб қолишга имконият бериб, илиқ муносабат

Қозоқларнинг урф-одатларига кўра каттани исми билан атамайди. Ёши кичиклар катталарни ёки бегона танимайдиган кишига «Сиз» деб ҳурмат қилиб атайди: «ога», «огатой», «кўке», «янга». Кичик каттани ҳурмат қилса, катта ўз навбатида кичикнинг кичикилигини ҳурмат қилиши – халқимизнинг қонига сингиб кетган ағзал одат.

ўрнатди, жамиятдаги руҳий-психологик аҳволни сезиларли даражада ижобий томонга ўзгартирди.

6. Қозоқларнинг ўзаро ёрдам тўғрисидаги урф-одат қоидалари. Буюк Дала элида ўзаро ёрдам, ҳар қандай ёрдамга муҳтоҷ одамларга қўл учини бериш анъанаси азалдан давом этиб келаётган урф-одатлар ҳисобланади. Халқ оммаси ичидаги бундай ёрдамнинг бўлиши, қозоқ жамиятида гадоларнинг бўлмаслигига ўз таъсирини кўрсатди. Қозоқ халқи бирдамлигининг орқасида яқинлари билан қариндош-уругларига жонкуярлик билан ёрдам бераб келди.

Қозоқ халқида тўсатдан уйи ёниб кетган ёки душман ҳужумидан, аёвсиз қишининг қийинчиликларидан, сув тошқинидан, очарчиликдан заарар кўрган оиласларга қишлоқдош ёки қариндош-уругларига ёпирилиб ёрдам берар эди. Улар заарар кўрган фуқароларнинг олдига имкон қадар мол қўшиб берган, кийим-кечак, кўрпа-тўшак томонидан ёрдам беради, бошларига бошпанга қуришга ёрдамлашади. Бунинг ўзи заарар кўриб, қийналган қариндошига жонкуярликнинг, ғамхўр бўлишликнинг намунаси эди. Имконияти бўла туриб, ёрдам беришдан бош тортган қариндош-уруг уруғ ичидан қувилиб, узоқлаштирилган. Бундай жазога маҳкум этилганлар ўз уруғлари томонидан ҳеч қандай яхшилик ва ғамхўрликка умид қила олмайди.

Қозоқ даласида *юртчилик* деган урф-одат ҳам кенг тарқалган. Унинг маъноси белгили бир сабаблар билан қарзга ботган ва уни тўлашга имконияти йўқ қариндош одамга бағри-жигарларнинг ёрдам бераб, қарзидан қутилишига ёрдамлашиши бўлиб саналади. Бундай ёрдам қишлоқ оқсоқолларининг қарорига кўра кўрсатилади. Қозоқларнинг бирдамлигининг, ўз бағри-жигарларига жонкуярлик билан ёрдам беришининг яна бир намунаси мана шундай.

Дала аҳолисининг анъанавий урф-одатларининг бири – *ҳашар*. Унда қишлоқ аҳолиси ҳеч қандай хақ олмасдан, биргаликда бирорвнинг белгили бир ишини битириб беради. Масалан, улар бирорларнинг қишки бошпанасини ёки мол қўрасини солиб беришга, шу билан бирга қудуғини қазиб беришга биргаликда ёрдам беради. Ҳашар бир қишлоқда истеъқомат қиласиган қишлоқдошлар ва қариндош-уругларнинг тотувлиги билан бирдамлигининг намунаси бўлиб топилади. Ҳашар чақирилганда унга бормай қолишлик одобсизлик саналади. Қозоқлар XX асрнинг бошида мана шу урф-

Ўйлаб кўринг!

Ўзингиз яшайдиган худудда «ҳашар», «юртчилик» анъаналари акс этадими?

одатни фойдаланиб, күплаган жойларда замонавий мактаблар ва масжидлар солди.

Хар бир қозоқ қайгули шароитга дуч келган одамга ёрдам қўлини чўзишга, қийналган одамнинг илтимосини бажаришга, чанқаган одамга сув бериши зарур. Уруғдош одамлар ўғирлаган ёки йўқолган молни биргаликда излашган. Дала ахолиси жуда муҳтож, кейинга қолдиришга бўлмайдиган, дарҳол бажариш эҳтиёжи пайдо бўлган вақтда, дуч келган қозоқнинг йилки уйиридан от ушлаб, миниб кетаверишга ҳуқуқли бўлди. Бу учун от эгасидан руҳсат сўраш зарурияти бўлмади. Бундай шароитда улов беришдан бош тортган одамга от чапон (от-тўн) жаримаси солинган ва у ҳақида жамиятда ёқимсиз фикр шаклланган.

Шундай қилиб минглаган йилларга давом этган тарихимизда миллий бир анъана ва урф-одат шаклланди. Бу қадриятлар «Мәңгілік ел» гоясида халқнинг тотувлиги ва бирдамлигини мустаҳкамлашга катта таъсир кўрсатди.

- ? 1. «Далаликларнинг ёзилмаган қонунлари» иборасини қандай тушунасиз?
- 2. Ёши катталарга ҳурмат кўрсатиш ҳақида қандай ибратли сўзлар ва мақол-мatalлар биласизлар?
- 3. Қадимги урф-одатлар вақт ўтиши билан ўзгаришга учрадими?

* Толерантлик (лат. *tolerantia* – тўзимлик, бардошлиқ) – бошқа ўйга, кўзқарашга, ишонч-эътиқодга, ҳатти-ҳаракатга, урф-одатга, сезим-куйга, гояларга бардошли бўлиш, юмшоқлик кўрсата олиш фазилати.

Ҳашар – бирлашиб ишлашга ёрдамга чақириш.

Фотиҳа бериш – яхши тилак билдириш.

Гейнс Александр Константинович (1834–1892) – Россия тадқиқотчиси, саёҳатчи, этнограф.



Ижодий топшириқлар.

1-топшириқ. «КСРИ ҳукмронлиги халқларнинг бирдамлигини йўқ қилиш мақсадида миллий сиёсатни қатъий равища юргизди. Шунинг натижасида урф-одатларимиз билан анъаналаримиздан айрилиб қолдик». Берилган фикрга оид ўйингизни ПТМН формуласи орқали билдиринглар.


П – позиция (*Мен шундай деб ўйлайман...*)

Т – тушунтириш (*Сабаби...*)

М – мисол (*Мен буни қуийдаги мисоллар билан далиллай оламан...*)

Н – натижа (*Натижасида...*)

2-топширик. Ҳозирги ва дастурлы қозоқ жамиятининг қадриятлар тизимини таққосланг.



3-топширик. Христоматияда берилған «Мәңілік Ел» патриот актінинг түлиқ нұсхаси билан танишиб, давлатнинг мағкура соҳасидаги ролига баҳо беринг.



«Қыргызларнинг (қозоқларнинг) ўзгача фазилатта эга эканлиги гумонсиз. Бу халқ бугунғи кунда ҳам ўзининг бирдамлигини сақлаб қолған. Халқ ижодкорлигининг намуналари: мақол-маталлар, қуй-құшиқлар, әртаклар, топишмоқлар, тарихий ҳикоялар ва башқа ижод намуналари бу халқнинг бой тарихининг бор эканлигини далиллаб, шу билан бир қаторда уннинг келажак тараққиётининг кафолати бўлиб саналади. Эркинликка деган иштиёқи, камтарлиги, ишончи ва билимга хушторлиги – қыргызларга (қозоқларга) хос фазилатлар...»

Васильев А.В. Татарлар билан қыргызларнинг (қозоқларнинг) ўзаро муносабати ҳақида тасвирлаш маълумотларига олдиндан қисқача очерк. Оренбург, 1898, 28–29-бетлар.



1. Муаллиф қозоқ халқининг бирдамлигини қандай ҳис этган?
2. Тадқиқотчи А.Васильев қозоқ халқининг қандай фазилатларига алоҳида тўхталиб ўтди?

Учинчи бўлим юзасидан тест топшириқлари

1. Фуларнинг таниқли ҳукмдори:

- A) Йўлиқ-тегин
- B) Култегин
- C) Мўде
- D) Сулу ҳоқон
- E) Бўғра хон

2. «Иккинчи устоз» деб аталган олим:

- A) Юсуф Болосоғуний
- B) Ал-Фаробий
- C) Махмуд Қошғарий
- D) Хўжа Ахмад Яссавий
- E) Мухаммад Хайдар Дулати

3. «Девони ҳикмат» («Донолик китоби») асарининг муаллифи:

- A) Юсуф Болосоғуний
- B) Ал-Фаробий
- C) Махмуд Қошғарий
- D) Хўжа Ахмад Яссавий
- E) Мухаммад Хайдар Дулати

4. Мухаммад Хайдар Дулатининг таниқли асари:

- A) «Қутадғу билик»
- B) «Баҳтга эришиш»
- C) «Девони лугати-ат-турк»
- D) «Девони ҳикмат»
- E) «Тарих-и-Рашиди»

5. «Ўз ҳукмронлигини Даشتி Қипчоққа таратди. Бу юртда Жўши хондан кейин ундан құдратли хон бўлган эмас». Бу ерда қозоқнинг қайси хони ҳақида айтилган?

- A) Есим хон
- B) Жангир хон
- C) Қосим хон
- D) Тавке хон
- E) Жанибек хон

6. Тавке хоннинг даврида ёзилган қонунлари тўплами:

- A) «Қашқа йўли»
- B) «Жети жарғи»
- C) «Билик кесим»

D) «Янги бийлик»

E) «Эски йўл»

7. «Кўмекей авлиё» деб аталган таниқли жиоров:

A) Дўспамбет жиоров

B) Марғасқа жиоров

C) Ақтамберди жиоров

D) Буқар жиоров

E) Умбетай жиоров

8. «Зор замон» номини киритган ёзувчи:

A) Юсуф Болосоғуний

B) Жусипбек Аймауитов

C) Мухтар Авезов

D) Сабит Муқанов

E) Абдижамил Нурпейисов

9. Қозоқ халқининг машҳур олимни, маърифатпарвар, Чингиз авлоди:

A) Абай Құнанбаев

B) Ибрай Алтинсарин

C) Шўқон Валиханов

D) Санжар Асфендияров

E) Мухаммад Хайдар Дулати

10. «Алаш» партиясининг қурилган йили:

A) 1913 йил

B) 1916 йил

C) 1917 йил

D) 1918 йил

E) 1919 йил

Учинчи бўлим юзасидан тадқиқот иши:

Ижтимоий-сиёсий фикрнинг бирлаштиручи роли.

Учинчи бўлимга хулоса

Ижтимоий-сиёсий онгнинг шаклланишида таниқли ҳукмдорлар, мутафаккирлар, давлат ва жамоат арбоблари турди. Улар Буюк Даладаги давлат тизимларининг ижтимоий-сиёсий, иқисодий ва маданий ҳаётларида муҳим рол уйнади. Халқ манфаатларининг тарафдорлари қаторида фақатгина хоқонлар билан хонларгина эмас, шу билан бир қаторда жировлар, бийлар шоирлар ва Алаш зиёлилари бўлди.

XX асрнинг бошида миллий онгнинг ўйгонишига туртки бўлган – Алаш зиёлиларининг миллий давлатни қайта тиклаш ҳақидаги мурожаатномалари эди. А.Бўкејхон каби Алаш арслонларининг атрофига йигилган миллатимизнинг билимли ҳамда саводли, зиёли фуқаролари мустақил давлат қуриш учун курашди.

1920 йилда қозоқ АҚСР-и қурилиб, у 1936 йилда иттифоқдош республикага, 1991 йилда Мустақил Қозогистон Республикасига айланди. Бу Алаш алломаларининг келажакни кўра олишилиги ва миллий-озодлик ҳаракатининг галабаси бўлиб ҳисобланади.

Бугунги мустақил давлатимизда халқни бирлаштирадиган миллий гоя барчамизга ўртоқ бир мақсад адрофида тўплаштириш учун ҳам зарур. XXI асрнинг бошида Қозогистон халқини бир мақсадга тўплаштирадиган «Мәңгілік Ел» умуммиллий гояси қабул қилинди. Қозогистон жамиятининг миллий қадрияtlари: этнослараро келишув билан тинчлик, оқ кўнгиллик, толерантлик, каби фазилатлари ҳозирги кунда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

IV бўлим

ИЛМ ВА ФАННИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Тўққизинчи боб

ЎРТА АСРЛАРДАГИ ҚОЗОҒИСТОННИНГ ИЛМИЙ МЕРОСЛАРИ

39–40-§

Ўрта асрлардаги Қозоғистонда илм ва фаннинг ривожланиши

Ўқиши мақсади:

- ✓ тарихий даврлардаги илм ва фаннинг ютуқларини аниқлаш;
- ✓ Қозоғистонда илм ва фаннинг ривожланишига ўрта асрлик олимлар-нинг кўшган ҳиссаларини таҳлил қилиш.

Таянч сўзлар:

Ўзбекча	Қозоқча	Русча	Инглизча
Руна ёзуви	Руна жазуы	Руническая надпись	Runic inscriptions
Трактатлар	Трактаттар	Трактаты	Teatise

Мавзуга ўтиш:

Ўрта асрлардаги Қозоғистонда илм-фаннынг ривожланишига қандай тарихий-маданий воқеалар таъсир кўрсатди?

1. Қадимга турк ёзувининг шаклланишининг шарт-шароитлари, араб алифбосининг ўрта асрларда тарқала бошлиши. Қадимги ўрта асрлар давридан (VI–XII асрлар) ҳозирги Қозоғистон ерида этнотиллиқ ва сиёсий аҳвол ўзгара бошлади. Мана шу даврда туркий қабилалар этник ва сиёсий ҳукмронликка эга бўла бошлади. VI асрнинг ўртасида «туркий» деб аталадиган қабилалар иттифоқининг давлати – Турк хоқонлиги бўй кўтарди. Ҳарбий юришлар натижасида туркийлар Узоқ Шарқда Манъҷуриягача, Жанубий Сибирда Енисейнинг юқори оқими, Ўрта Осиёда Амударёнинг юқори оқими ва Қора денгиз қирғоқларида Керчъ бўғозигача бўлган ҳудудларда ўз ҳукмронлигини юргизди.


Ёдингизга туширинг!

Дунёдаги энг биринчи алифбо (ёзув) қаерларда пайдо бўлди?

Турк хоқонлигининг ҳудудига кирди. Гарбий Турк хоқонлигининг қарамоғига ўтрок ва кўчманчи халқлар кирди. VIII асрда Еттисувда Тургеш, Қарлук, X асрда Қорахон давлати бўй кўтарди.

Орхон-Енисей белгилари	Товуш қиймати	Орхон-Енисей белгилари	Товуш қиймати
Ճ Ճ	а з (е)	Ӯ Ӯ Ӱ	м м'
Ւ Ւ	ы ı (e)	Ը	н
Ւ >	о у	Ҥ Ҥ Ҥ	н'
Ւ Ւ Ւ	ө ү	Ӭ	ň (ň)
Ճ Ճ Ճ		Ӯ Ӯ Ӯ	к к'
Ӯ Ӯ Ӯ Ӯ		Ӯ	п п'
Ӯ Ӯ Ӯ Ӯ		Ӯ Ӯ	р
Ӯ Ӯ Ӯ Ӯ		Ӯ Ӯ	р'
Ӯ Ӯ Ӯ Ӯ		Ӯ Ӯ Ӯ	с
Ӯ Ӯ Ӯ Ӯ		Ӯ Ӯ Ӯ	с'
Ӯ Ӯ Ӯ Ӯ		Ӯ Ӯ Ӯ	т
Ӯ Ӯ Ӯ Ӯ		Ӯ Ӯ Ӯ	т'
Ӯ Ӯ Ӯ Ӯ		Ӯ Ӯ Ӯ	ч ч'
Ӯ Ӯ Ӯ Ӯ		Ӯ Ӯ Ӯ	ш
Ӯ Ӯ Ӯ Ӯ		Ӯ Ӯ Ӯ	ш'
Ӯ Ӯ Ӯ Ӯ		Ӯ Ӯ Ӯ	лт, л' т'
Ӯ Ӯ Ӯ Ӯ		Ӯ Ӯ Ӯ	нт, н' т'
Ӯ Ӯ Ӯ Ӯ		Ӯ Ӯ Ӯ	нч, н' ч'
Ӯ Ӯ Ӯ Ӯ		Ӯ Ӯ Ӯ	рт
Ӯ Ӯ Ӯ Ӯ		Ӯ Ӯ Ӯ	шифрланмаган
Ӯ Ӯ Ӯ Ӯ		Ӯ Ӯ Ӯ	

Кўхна турк алифбоси



В. Томсен

Бепоён ҳудудли империя VII асрда Шарқий Турк ва Фарбий Турк хоқонлиги бўлиб иккига бўлинди. Гарбий туркларнинг давлати Ўрта Осиёни, Жўнгорияни ва Шарқий Туркистоннинг бироз қисмини эгаллади. Сариарқа Гарбий Кучли давлат тизимларининг қурилиши, маъмурий ва элчилик хизаматлар, давлат бошқарув ишига керакли ёзувнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу кўхна турк тараққиётининг буюк ютуқларининг бири эди. VI–VII асрларда Турк хоқонлигининг таркибиға кирган Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг туркий қабилалари, қуи Едил бўйи, Дон ўлкасини, Шимолий Кавказда Хазар давлатини қурган ғарбий турк қабилалари ўзларига хос ёзувларини фойдаланди. Элчилар махсус мақтов ёрлиқлари билан таъминланди. 568 йил Константинополга Юстиниан император саройига келган турк элчиси хоқон номидан ёзилган хат олиб келган.

VII асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлган турк алифбоси. Бу ёзув ёғоч ва тошга ўйиб ёзишга қулайлиги билан ажralиб турди. Кўхна турк ёзувини биринчи марта XVIII асрнинг 20-йилларида I Петр саройида хизмат қилган немис олимни Д.Мессершмидт билан унга эргашиб юрган шведнинг хибсдаги офицери И.Страленберг Енисей қирғоқларидан топди. Скандинавиянинг руна ёзуви билан ўхшашлиги туфайли турк ёзувини «руна ёзуви» деб атади. Фанда мана шу ном

сақланиб қолди. Мана шундан кейин бошқа янгиликлар ҳам очилиб, 1889 йилда топилган руна ёзувларини ўқишнинг калитини дат олими В. Томсен топди.

Туркийларнинг руна ёзувлари Енисей қирғоқларидан бошқа Монголия, Еттисув, Шарқий Қозоғистон, қуи Едил бўйи, Дон ўлкаси, Шимолий Ҷавказ ерларидан топилган. Уларнинг ичидаги энг машҳурлари – Билга хоқон билан унинг иниси, қўлбошловчи Қултегиннинг ва Тўникўкнинг ҳурматига барпо қилинган ёдгорликлар. Қадимги туркийларнинг *руна ёзуви* XI–XII асрлардан кейин қўлланишдан чиқди. Кейин бу ёзувни ислом динининг таъсири билан араб алифбоси четлатди.

2. Қимоқларнинг ёзма манбалари. Қозоғистоннинг далали худудларида Сирдарё ва Балхашдан шимолга қараб VIII асрда маркази Иртишда бўлган қимоқлар кучая бошлади. Қимоқ ҳукмрони туркийларнинг энг олий «хоқон» унвонини қабул қиласди. X асрда олим Ал-Хоразмий шундай дейди: «Хоқон – туркийларнинг подшоси. Хоқон ҳукмроннинг ҳукмрони, форсиларнинг шоҳаншоҳ, ёки хонларнинг хони деган сўзи». Жанақ ибн Хакан Ал-Кимаки (X–XI аср) китоб ёзиб, уни XII асрда араб географи Ал-Идриси қимоқ давлатини тасвирлаган асарини ёзишда фойдаланган. Араб олимни ўз асарида қимоқларнинг шаҳарларда истеъқомат қиласдиган, якка ҳукмронликка эга ҳукмдорларининг бўлганини ёзади. Бу вақтда қимоқ давлатининг қўл остига қипчоқ қабилалари ҳам кирган.

Араб адабиёти вакилларининг бири Яқут Ал-Хамауи ўзи оралаб кўрган қимоқ қабилалари ҳақида айта келиб: «Кейин биз қимоқ деб аталадиган қабилага етдик. Улардаги узум мева-сининг ярми оқ, ярми қора. Яйловли ҳудудда олтинни соғ ҳолида чиқарадиган кон ўрни бор шу каби дарёнинг оқимидан топадиган олмос ҳам топилади. У ерда ёзишга аталган қалам ясайдиган қамиш ўсади», – деб ёзади.

3. Қипчоқ даври. XI асрдан бошлаб ўлқадаги ҳукмронлик қипчоқларга ўтади. Едилдан олтойгача бўлган худудлар форс-араб тилидаги адабиётларда Даشتி Қипчоқ (Қипчоқ даласи) деб аталади. Қипчоқ даври бошланиб, қипчоқ диалектиси тарқалади. Едилдан

Ёдингизга туширинг!

Туркийларнинг руна ёзуви Билга хоқон ва Култегин ёзмаларида нима ҳақида айтилган?



Талас ёзуви

Қора денгиз қирғоқларигача бўлган ҳудудларни қипчоқ қабилалари макон этган. Ҳозирги илмда Қозоғистон ҳудудини шарқий Дашиби Қипчоққа ётқизади. ХІІІ асрда Чингизхон басқинчилигига Қипчоқ давлати қуласа ҳам, қипчоқ тили мустаҳкамлана бориб, босиб олувчилар тилига айланиб, ғарбга тарқала бошлади.

Ўйлаб кўринг!

«Кодекс Куманикус» қандай мақсадда ёзилди?

Ўрта асрларда «Кодекс Куманикус» номли ноёб лугат, қипчоқларни адабий мероси ёзилди. Бу мерос 1303 йилда Қора денгизнинг шимолида ёзилган, муаллифи номаълум. Лугат икки қисмдан иборат. Биринчи

бўлимида лотин, форс, қипчоқ тилидаги сўз бирикмалари ва гапларнинг лексик маънолари берилади, иккинчи бўлим грамматика қоидаларини ташкил қиласди. Кодексда тўпланган 3000-га яқин сўзлар ҳозирги қозоқ тили билан уйғунлашади: *фуқаро, совуқ, ойна, айрон, айб, очиш, от, ота* ва бошқалар. Бугунги кунда қўлланишда юрган форс сўзлари ҳам келтирилган: *савоб, ҳалол, ҳаром* ва бошқалар. Бу лугат қипчоқ даврининг бебаҳо илмий мероси бўлиб ҳисобланади.

4. Ўрта асрларда Қозоғистонда илм-фаннинг ривожланишидаги араб тилини роли. Буюк Далада савдо, шаҳар маданиятининг тараққиёти билан бир қаторда, илмий асарлар тез ривожланди. Улар ислом динининг туркий хоқонликлар ҳудудига тарқалиши билан араб тилида ёзила бошлади. Савдо ҳалқларнинг ўзаро муносабатларини кенгайтириб, илм ва ҳунар ютуқлари билан алмашишга имконият туғдирди. Мусулмон савдогарлари маҳаллий аҳоли билан савдо-сотик юргизиш орқали дин тарқатишга ўз ҳиссаларини кўшди.

Ислом дастлабки даврда ўтроқчи туркийлар ўртасига кириб, шаҳарлар билан йирик турар – жойларга тарқалди. Таниқли олим В.Бартольд туркийлар ислом динини VII–VIII асрларда қабул қила бошлади дейди. Самонийлар даврида, Қорахон давлатининг даврида туркийлар оммавий турда ислом динига ўтган. X асрнинг бошида Тараз шаҳрида Сотуқ Қорахон (Сотуқ Ҷоғра хон ибн ал-Керим) исломни қабул қилди, унинг ўғли Ҷоғра хон Ҳарун Муса 960 йилда ислом динини давлат дини деб эълон қилди. Ис-



В.В. Бартольд

лом қадимги туркий давлатларнинг халқини жаҳон тараққиётининг руҳоний қадриятлари билан таништиришда муҳим рол ўйнади. Араб тили орқали улар бошқа халқларнинг адабиёти, фалсафаси ва тарихи билан танишди. Мусулмон олимлари араб тилида ижод қилишди.

Араб маданияти жаҳон маданиятининг марказига айланди, қадимги тараққиётларнинг ютуқлари араб тилига таржима қилинди. Араб тилининг устуворлиги ислом динининг тарқалишига ўз таъсирини кўрсатди.

Ислом динининг тарқалиши, туркий халқларга ўртоқ тилнинг бўлиши бир маданият ўчогининг шаклланишига таъсир кўрсатди. Шаҳарлар ислом динининг, таълим ва фаннинг, маданиятнинг марказларига айланди. Қозогистон шаҳарларида ёзма ва оғзаки адабиёт, илм ва фан кенг тарқала бошлади.

Ўрта асрларда кўчманчиларнинг астрономия, география ва бошқа табиий илмлар бўйича билимлари илмий *трактатлар* турида ёзилди. Туркий қабилалар турлича диалектлар билан сўзлашди. Шунинг учун тил билими соҳаси яхши ривожланди. Араб тилининг тарқалиши ёзма адабиётнинг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатди. Араб тараққиёти ўз замонасида буюк олимлар ва алломаларни тарбиялади. Туркийлардан чиққан машҳур алломалар, донишманд файласуфлар Ал-Фаробий, Ю.Болософуний, М.Қошфарий, А.Яссавий, С.Бақирғани ва бошқалар бутун жаҳон маданиятининг тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Ўйлаб кўринг!

Ислом дини ўрта асрларда илмнинг ривожланишига асосий сабаб бўлдими?



Махмуд Қошфарий

- ? 1. Қадимги Ўрта асрларда туркий қабилаларининг ёзувини дастлаб кимлар ўрганганди?
- ? 2. Арабларнинг Жанубий Қозогистон худудидига кириши билан қандай ўзгаришлар ўрин олди?
- ? 3. Ўрта Осиёнинг бошқа давлатларидан (ўзбек, тожик, туркман ва ҳаказо) ўрта асрлик қандай алломаларни биласизлар?
- * Руна ёзуви – Қадимги туркий уруғ ва қабилаларнинг белгилари асосида пайдо бўлган, қадимдан келаётган ёзувнинг бир тури.

Трактаттар – белгили бир илм соҳаси бўйича тўлиқ ўрганилиб, баён қилинадиган илмий иш.



Бартольд Василий Владимирович (1869–1930) – олим, шарқшунос, «Қирғизлар (қозоқлар) тарихий очерк», «Ўрта Осиёдаги туркий халқларнинг тарихи ҳақидаги ўн икки дарс» ва бошқа асарлар муаллифи.

Ижодий топшириқлар.

1-топшириқ. «Илмнинг ривожланишига ўрта асрлардаги Қозогистон олимларининг қўшган ҳиссаси» мавзусида ўз фикр-мулоҳазангизни ёзинг.

2-топшириқ. Қўшимча маълумотлардан фойдаланиб, ўрта асрлардаги Қозогистон ва Фарбий Европа давлатларининг илмий ютуқларига солиштирмали таҳлил қилинг.



XIII асрнинг бошида араб Марверуди туркийлар орасида илм ва билимнинг тарқалиши ҳақида шундай деб ёзди: «Туркийларда ёзув бўлди: улар сеҳргарлик сирларини ва осмон жисмлари ҳақида билди. Болаларини саводли бўлишга ўргатди».

Ермуханов Б. Қозогистоннинг ўтмиши ёзма манбаларда. Алматы, 2006. – 46 бет.



1. Мана шу қисқа парчадан яна қандай маълумотлар олишга бўлади?

Ўнинчи боб

XVIII–XX АСРЛАРДАГИ ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ИЛМ ВА ФАННИНГ РИВОЖЛАНИШИ

41–42-§

XVIII–XX асрнинг бошида Қозғистондаги тадқиқотлар

Ўқиши мақсади:

- ✓ XVIII–XX асрнинг бошида Қозғистондаги илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишларини тушунтириш;
- ✓ XVIII–XX асрнинг бошида тадқиқотчиларнинг ишларини ўрганиш асосида Қозғистондаги илмнинг ривожланишига қўшган ҳиссасини баҳолаш.


Таянч сўзлар:

Ўзбекча	Қозоқча	Русча	Инглизча
Шарқшунослар	Шығыстанушылар	Ориенталисты	Orientalists
Экспедиция	Экспедиция	Экспедиция	Expedition
Рус географик жамияти	Орыс географиялық қоғамы	Русское географическое общество	Russian geographical society

Мавзуга ўтиш:

«Олимларнинг Буюк дала ахолисини тадқиқот қилишга бўлган бефарқлиги илм ва фаннинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда».

Муаллифнинг фикридан қандай хулоса чиқаришга бўлади?



Г.Н. Потанин

1. Россия олимларининг Қозғистондаги илмий тадқиқотлари. Қозғистон Россия империясининг таркибига кирганидан бошлиб ўлкани илмий ўрганиш жараёни бошланди. Тадқиқот ишлари билан илмий маҳкамалар билан бир қаторда якка шахслар ҳам

шуғулланди. Россиялик күплаб тадқиқотчилар қозоқ фольклори, генеалогик (шажараги) ва этнографик маълумотлар асосида турли хил асарлар ёзди.

Үйлаб кўринг!

«Қирғиз-қайсақ» экспедицияси ўлкани мустамла-
кага айлантиришга шаро-
ит яратиб бердими?

Россия тадқиқотчилари ўлкани мустамла-
кага айлантириш мақсадларини бошчиликка
олди. Қирғиз-қайсақ экспедициясини қурган
И.К. Кириллов «Қирғиз-қайсақ ва қорақалпоқ
ўрдалари ҳақида» номли илмий иш ёзди.
Унда муаллиф қозоқ ва қорақалпоқ ерини
тўлиқ тарифлайди: табиат шароитини, фойдали қазилма бойлик-
ларини ва савдо йўлларини кўрсатиб беради. У Россиянинг Ўрта
Осиё халқлари ва қозоқлар билан савдо-иктисодий муносабатлар
ўрнатишнинг имкониятларини ва буниг фойдали эканлигини да-
лиллади.

Қозогистонда XVIII асрда кенг тармоқли тадқиқотларнинг даст-
лабки ҳаракатлари М.В. Ломоносов номи билан боғлиқ. У ўлка
ҳудудини ўрганадиган илмий экспедициялар ташкиллаштириш-
нинг ва географик харита тузишни бошловчиси бўлди.

1768–1774 йилларда Қозогистонга юборилган экспедиция-
ларнинг бирини академик, табиат тадқиқотчиси П.С. Паллас
бошқарди. Экспедиция йўналиши Шимолий-Фарб, Шимол ва
Шимолий-Шарқий Қозогистоннинг ҳудудларини босиб ўтадиган
бўлиб белгиланди. Бу экспедиция ишининг натижаси сифатида
П.С. Палласнинг «Россия империясининг турли провинциялари



Кўч. П.С. Палласнинг ижодидан

бўйича қилинган саёҳат» номли уч бўлимдан иборат бўлган илмий иши чоп этилди. (СПб., 1773). Илмий ишда қозоқ ҳалқининг тарихи ва этнографияси ҳақида бебаҳо маълумотлар бор. П.С. Паллас қозоқларнинг турмуш тарзи билан чорвачилиги ҳақида: «*Булар аслини олиб қарагандা бой туради. Моллари ҳам кўп, шунинг учун турмуш шароити яхши... Қозоқларнинг бойлиги, аслини олганда уларнинг моли*», – деб ёзади.

Тадқиқотчи И.Г. Георги Қозоғистон ҳудудига мустақил экспедиция уюштириди. 1796 йилда у «Россия давлатини макон қилган барча ҳалқларнинг турмуш тарзини, бошпаналари, кийим-кечаклари ва бошқа ёдда қоладиган дунёларининг тасвири» номли китобини эълон қилди. У китобда қозоқларнин турмуш тарзи, маданияти, урф-одатлари ва анъаналари, шу билан бирга чорвачилик ҳаётининг ўзгачаликлари ҳақида қимматли маълумотлар ёзилди. Қозоқларнини «ақл-ўй томонидан қизиқувчан ва билишга хумор» деб тасвиirlайди.

Кичик юз ҳудудининг табиий бойликларини ўрганишда Россия илм-фан академиясининг корреспондент аъзоси П.И. Ричков қимматли маълумотлар эълон қилди. Ўзининг олдинги қаторли илмий ишларининг орқасида «Оренбург ўлкасининг Колумби» деган номга эга бўлди. У вақтда Оренбург ўлкасига Кичик юз ерлари ҳам кирап эди. П.И. Ричков «Оренбург тарихи» ва «Оренбург губерниясининг топографияси ёки тарифи» деб номланган қимматли илмий асарларини ёзди. У илмий асарларда қозоқларнинг Едил-Ёйиқ ҳудудига Ҳақназар хоннинг ҳукмронлиги даврида келгани ҳақида, Кичик юз қозоқларининг Россиянинг таркибига киришининг жараёни ҳақида баён қиладиган маълумотлар бор. Муаллиф Оренбург шахрининг, Ёйиқ билан Оренбург чегара чизиқларининг солиниши, Россиянинг Ўрта Осиё ва қозоқ даласи билан савдо-сотиқ мунносабатларининг қандай ўрнатилганини бошидан охиригача тарифлайди. У Оренбургдан Бухорога бораётган савдогарларга маҳаллий ҳалқларнинг тарихи ҳақида, ҳатто араб тилида ёзилган бўлса ҳам, адабиётлар олиб келишга буюртма берарди.

XVIII асрнинг охирида рус офицери И.Г. Андреевнинг «Ўрта юз қирғиз-қайсақларининг тарифи» илмий иши чоп этилди. Муаллиф Сибир черарасида узоқ вақт хизмат қилиб, қозоқ ҳалқининг ҳаёти

Ўйлаб кўринг!

Россия олимлари қозоқ ерини тадқиқ қилишга нима учун алоҳида эътибор берди?

ва турмушини ўрганган эди. Ўзининг китобида Ўрта юзнинг тарихи ва чегараси ҳақида маълумот қолдирди. У ерда далаликларнинг урф-одатлари ва анъаналари кенг турда ифодаланади. Шу билан бирга қозоқларнинг Иртишнинг ўнг томонига қачондан бошлаб ўтганлиги айтилади.

Россияда кўплаб тадқиқотчилар Г.Ф. Миллер, В.И. Татищев ва бошқалар қозоқ халқи ҳақида кўплаб асарлар ёзди. Масалан Г.Ф. Миллер «Сибир тарихида» бебаҳо маълумотлар учрайди.

2. XIX–XX асрнинг бошида қозоқ ўлкасини тадқиқ этишда рус олимларининг роли. XIX–XX асрнинг бошида Қозогистонда илмий тадқиқот ишлари авж олди. Қозогистонни тадқиқ қилиш билан олдинги қатордаги рус зиёли жамиятининг вакиллари, *шарқшунослар* (*ориенталистлар*), сиёсий қувғин бўлиб келгандар, шу билан бирга қозоқ жамиятининг билимли олимлари шуғулланди. Бу соҳада чет элликлар – инглизлар, немислар, французлар ҳам сезиларли из қолдирди.

Қозогистоннинг тарихи ва географияси, этнографияси ва маданиятини тадқиқ қилишда

Россия олимлари ва ҳарбий офицерларнинг ҳиссаси катта бўлди. Россия зиёли жамиятининг Қозогистонга сиёсий сабаблар билан кўчиб келган вакиллари кўплаб илмий асарлар ёзиз қолдирди. Улар турли касб ва ҳунар эгалари: шоирлар ва ёзувчилар, тарихчилар ва этнографлар, ҳарбий хизматчилар ва шифокорлар эди. Шу билан бир қаторда улар қозоқ ўлкасини мустамлака қилиш сиёсатини илмий нуқтаи назардан асослашга ҳам хизмат қилди.

Қозогистонни тадқиқ қилувчиларнинг босим кўпчилиги Оренбург, Омби, Тошкент шаҳарларида тўпланди.

1830 йилда «Отечественные записки» журналида рус офицери Б.С. Броневскийнинг «Ўрта юз қирғиз-қайсақлари ҳақида ёзмалар» номли илмий асари эълон қилинди. Унда Шимолий-Шарқий Қозогистон қозоқларининг тарихидан, ҳаёти ва турмуш тарзидан қимматли маълумотлар келтирилган.

Таниқли тарихчи А.И. Левшин «Қирғиз-қозоқ ёки қирғиз-қайсақ ўрдалари ва далала-



А.И. Левшин

рининг тарифи» номли уч бўлимдан иборат илмий асарини ёзди. Муаллиф тадқиқотларида қозоқ ўлкасининг тарихи ва этнографияси, географияси ҳақида жуда қимматли маълумотлар келтиради.

Тўргай вилоятининг ветеринари А.И. Добросмислов қўплаган мўл маълумот манбалари асосида «Тўргай вилояти. Тарихий очерк» номли уч томдан иборат катта ҳажмли илмий асар ёзиб қолдирди. Унда Кичик юзда қозоқ хонликларининг тарихи ва сиёсий воқеалари тўлиқ тасвирланган. Муаллиф XIX асрнинг 60-йилларидағи маъмурий ислоҳатлар жараёнини ва қандай олиб борилганини тўлиқ баён қиласди.

Россия шарқшуноси, этнограф В.Радлов қозоқ ўлкаси аҳолисининг маданияти, тили, тарихига тегишли чуқур тадқиқотлар юргизди. Унинг «Сибир қозоқларининг этнографияси ҳақида» номли катта ҳажмли илмий асари туркология илмининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Қозоқ ўлкаси ҳақида ноёб маълумотлар қолдирган машҳур тадқиқотчиларнинг бири, географ П.П. Семенов-Тян-Шанский. У Олтой, Еттисув, Ўрта Осиё ерларига экспедиция уюштириб, «Қирғиз ўлкаси» ва «Туркистон ўлкаси» номли йирик илмий асарлар ёзди.

Қозоғистон мавзуси таниқли рус тадқиқотчиси Г.Н. Потанин асрларида ҳам муҳим ўрин эгаллади. Унинг тадқиқотларида қозоқларнинг маданияти ва турмуш тарзи, қозоқ-рус муносабатлари, Иртиш атрофидаги қозоқ аҳолиси кенг миқёсда тарифланади. 1862 йилда у биринчи марта Ёйик даласига илмий экспедицияга отланади. Кейинги йили Зайсандаги экспедицияга иштирок этиб, Қўклиектида, Марқакўлда ўлканинг турмуш тарзини, чорвачилиги ва географиясини ўрганибина қолмай, шу билан бир қаторда қуритилган ўсимликлар гуруҳини ишлаб чиқди. Кейин у бир қанча вақт давомида Омби генерал-губернаторлигига татар ва қозоқ тилидан тилмоч бўлиб хизмат қиласди. Ундай кейин Томскида статистика комитетида котиб вазифасини бажарди. У бу ерда *Рус географик жамиятининг* Шарқий бўлимини бошқарди. Катта ёшга

Аниқланг

Қўшимча маълумотларни фойдаланиб, Левшин асарларининг аҳамиятининг аниқланг.



В. Радлов

келганды у «Сибир ўлкасини ва турмушини яхшилаш» жамиятини қурди.

XIX асрнинг 70–90 йилларида Потанин Сибир ўлкаси, Қозогистон, Марказий Осиёдаги түлиқ тадқиқ қилинмаган ҳудудларига саёҳат уюштириб, уларнинг тарихи, этнографияси, географияси, ботаника ва иқтисодиётiga боғлиқ бўлган ноёб маълумотлар тўплади. У Алаш вакилларининг қўллаб-қувватлаши орқали Семей вилояти Қарқарали уездидаги қишлоқларни оралади. Г.Н. Потанин дастлабкиларнинг бири бўлиб кўчиб келган руслар билан маҳаллий қозоқлар ўртасидаги ўзаро тушунувчиликлар ҳақида айтган. «Сибир аскарлари ҳақида ёзмалари»да рус казакларининг орасида қозоқ тили оғзаки сўзлашиб қуроли сифатида кенг тарқалганини маълум қиласди. Шу билан бирга рус казаклари қозоқ урф-одатларини кўп қисмини ўргангандигини баён қиласди. Уларнинг, айниқса Коряков ва Ямишев станцалари ҳудудида ўзаро яқин муносабатда эканлигига тўхталган.

Ёдингизга туширинг!

Рус географик жамиятига аъзо бўлган қандай қозоқ маърифатпарварларини биласиз?

Кўплаб маълумотлар ёзилган. У бутун вужуди билан Қозогистон даласини ва унинг халқини яхши кўрди. Уларнинг ўтмиши ва бугунини фаол равишда ўрганиш билан шуғулланди. Маҳаллий аҳоли билан яқин муносабатда бўлиб, рус жамиятини қозоқ халқи билан ҳар томонлама таништирди. Далаликларга паст назар билан қарайдиган ўқимишлилардан кўнгли тўлмади.

У кўчманчи халқларнинг жаҳон маданиятига кўшган ҳиссасини юқори баҳолади.

Қозоқ тарихи ва этнографиясини тадқиқ этувчи олимларнинг бири Абубакир Диваев бўлди. У Оренбург шаҳрида дунёга келган, миллати бошқорт. Оренбург кадет корпусида ўқиб юриб, қозоқ халқининг тарихи билан этнографиясига қизиқиши уйғонди. XIX асрнинг 80-йилларининг охирида истеъфога чиққан у ўз умрини далаликларнинг тарихи ва маданиятини тадқиқ этиш ишига бағишилади.



А. Диваев

Хавасчил археологларни Туркистан уюшмасининг шу билан бирга Рус географик жамиятининг аъзоси бўлди. 1917 йилгача А.Диваев 100-ортиқ тарихий-этнографик илмий ишларини эълон қилди. Олим Қозоғистон тарихини ёзиш вақтида фольклор маълумотларини фойдаланишининг муҳим эканлигини алоҳида атаб кўрсатди. А.Диваев рус олимлари билан қўшилиб, қозоқнинг 4000 га яқин мақол-маталларини тўплади.

3. Сиёсий сургун қилингандарнинг Қозоғистонни тадқиқ қилиши. XIX асрнинг ўртасига келиб Қозоғистон сиёсий сургун қилингандар истеъқомат қиласидиган маконга айланса бошлади. Декабристлар, петравшевчиллар ташкилотининг аъзолари, Польшадаги миллый-озодлик қўзгалонларга иштирок этганлар сургин қилиниб олиб келинди.

Рус шоири А.Н. Плещев 1850–1859 йиллар орасида ўн йилга яқин Қозоғистонда сиёсий сургунда бўлди. У Оқмечитда юрган вақтида қозоқлар билан бирга бўлиб, Қўқон хонлигига қарши курашга иштирок этди. А.Н. Плещев қозоқларга катта ҳурмат юзасидан қаради, улар ҳақида шундай деб хавас қилиб ёзди: «*Қозоқларга қизиқиши билан қарашибдан кўз тўймайди. Ёрқин юзли, мард юракли шахслар. Уларни ҳурмат қилмаслик мумкин эмас...*»

Қозоғистонга сургун қилиниб келган Польшанинг инқилобчил-демократи Адольф Янушкевич XIX асрнинг 40-йилларида Марказий Қозоғистонга уюштирилган илмий экспедицияга фаол иштирок этди. Шу сафари вақтида кундалик ёзди. Кейинчалик у кундалик поляк тилида чоп этилди. А.Янушкевич ўзининг кундалигида қозоқ даласи аҳолисининг тарихини, урф-одатлари ва анъаналарини тасвирлайди. У ўзининг бир хатида қозоқ халқи ҳақида: «*Қудрати кучли Худо шунчалик ҳам қобилиятили қилиб яратган бу халқнинг одамзод тараққиётидан бир чеккада қолиб кетиши мумкин эмас.... маҳаллий кўчманчи номадларнинг кутган куни эртага-ёқ келади, шундай қилиб улар ўзларига ҳозир тегадан паст назар билан қарайдиган бошқа халқларнинг орасидан обрўли ва ҳурматли ўрнини ўйиб эгаллайдиган бўлади*», – деб илиқ ниятини билдиради.

4. Қозоғистон ҳудудидаги илмий маҳкамалар ва кенг тармоқли тадқиқотлар. Қозоғистоннинг илмий нуқтаи назардан ўрганишда

Фикр-мулоҳаза

Қозоғистон ҳудудида тадқиқот билан шуғулланган сургун қилинган яна қандай олимларни биласизлар?

Рус географик жамияти муҳим рол ўйнади. Жамиятнинг Қозоғистонда, у билан чегарадош ҳудудларда – Оренбургда, Омбидга, Семейда ва Тошкентда бўлимлари ва бўлимчалари очилди.

XIX асрнинг 70 йиллари Қозоғистон ҳудудида вилоятлар қурилганидан кейин уларнинг барчасида статистика комитетлари пайдо бўлди. Улар Қозоғистон халқининг тарихи, маданияти, чорвачилиги ҳақида ноёб маълумотлар ва манбалар тўплади. Илмий ёзмалар йил сайин чоп этиладиган «Шарҳларда» ва «Эсадалик китобчалар»да чоп этилиб турилди.

Фарбий Қозоғистоннинг тарихини ўрганишда *Оренбург илмий архив комиссияси* кўп ишлар олиб борди. У 1887 йил қурилган эди. Комиссия мажлисларида архивдаги манбалар асосида тайёрланган илмий баёнотномалар муҳокама қилинди. Бу манбалар «Оренбург илмий архив комиссиясининг манбалари» деган ном билан чоп этилиб турилди.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошида Қозоғистоннинг далали уездларини Ф.Щербина раҳбарлик қилган экспедиция тадқиқот қилди. Экспедицияга иштирок этувчилар «Қирғизларнинг ер фойдаланиши ҳақида манбалар» деган ном билан кўп томли китоб тайёрлашди. Бу гуруҳнинг ишига Қозоғистоннинг турли уездларидағи билимли қозоқлар ҳам фаол иштирок этди. Шу билан бир қаторда қозоқ ҳалқи ҳақида ноёб маълумотлар Россия империясининг 1897 йилда ўтказган дастлабки Бутунrossия ҳалқ саноги вақтида тўпланди. Унда Қозоғистоннинг чорвачилик хизмати, маданияти, тарихи, шу билан бирга халқининг сони тўғрисида муҳим маълумотлар тўпланди.

5. Инглиз, немис ва француз тадқиқотчилари. XIX–XX асрларнинг бошида Қозоғистон ҳақида немис, инглиз ва француз олимлари қимматли илмий асарлар ёзди. Қозоғистоннинг жанубий-шарқий ҳудудини инглиз саёҳатчиси ва рассоми Т.Аткинсон кенг кўламда ўрганди. У 1848–1855 йилларда Еттисув қозоқларининг кўчиб юрадиган ерларини айланиб, маҳаллий ҳалқнинг ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар тўплади. Кўчманчи қозоқларнинг турмуш тарзини ифодалайдиган расмлар чизди. Немис географи, этнограф ҳамда тарихчи Ф.фон Хелльвальд «Ўрта Осиё. Ер рельефи ва ҳалқи» номли йирик асар ёзди. У ўз илмий асарида қозоқларнинг турмуш тарзини,

Фикр-мулоҳаза

Қозоғистонни тадқиқот қилишдаги Фарбий Европа олимларининг мақсади қандай деб ўйлайсиз?



Шормановлар
оиласи

қўшни халқлар билан ўзаро муносабатини тўлиқ тасвирлаб берди. Француз олими Ш.Е. Ужвалди де Мезе-Ковез Жанубий Қозогистон шаҳарларини тадқиқот қилиб, бир қанча манбалар тўплаб, чоп этди.

6. Қозоқ тадқиқотчилари. XIX асрнинг иккинчи ярмида билимли қозоқларнинг бир гурӯҳи туғилиб ўсган ўлканинг тарихи ва этнографиясини тадқиқот қилишга фаол иштирок этди. Шўқон Валихановнинг отаси Чингиз Валиханов ўғлининг яхши ишларини давом эттириди. У Сибир маъмуриятига керакли тарихий-этнографик манбалар тўплаштириди.

Таниқли қозоқ этнографи Муса Шорманов муҳим этнографик тадқиқотлар қолдирди. М.Шорманов Омби кадет корпусида ўқиб, ўқиши тутагтанидан кейин Баяновул ташқи округининг бўлиси, оға сultonи каби лавозимли хизматларни бажарди. Рус армиясининг полковниги унвонини олди. У «Гарбий Сибир қирғизларининг мол ўстириш касби ҳақида», «Қирғизларнинг миллий урф- одатлари», «Павлодар уездининг қирғизлари ҳақида ёзмалар» деган мақолалар чоп эттириди.

Мухаммад-Солих Бабажанов қозоқнинг биринчи этнографларининг бири бўлган. Бўкей хонлигининг ҳудудида дунёга келган. У



М.-С. Бабажанов

Оренбург кадет корпусида билим олган. Ўқиши ўрнини битирганидан кейин Ички Ўрдада бир қатор лавозимли маъмурий хизматларда фаолият юргизди. 1862 йилда М.С. Бабажанов рус географик жамиятининг аъзоси бўлиб сайланди ва унинг Катта кумуш медали билан мукофотланди. Унинг «Нарин қуми ҳақидаги географик ва этнографик маълумотлар», «Ички Қирғиз Ўрдасидаги саёзлик» ва бошқа бебаҳо мақолалари чоп этилди.

Халқ маърифатпарвари *И.Алтинсарин* ўз замондошлари орасида олим-этнограф сифатида машҳур бўлди. У рус географик жамиятининг Оренбургдаги бўллимининг тўлиқ аъзоси бўлди. Географик жамиятнинг топшириклари бўйича баёнотлар қилиб турди, қозоқ халқининг этнографияси ҳақида мақолалар чоп этиди. И.Алтинсарин ўзининг бўш вақтларини қишлоқ орасида ўтказди, ўз халқининг тарихи, фольклори, шажараси, урфодати, анъаналари ҳақида маълумотлар тўплади. Бир қатор илмий мақолалари журнал ва газеталарда чоп этилди.



М.Ж. Кўпейўғли

Илмий изланишлар мероси бизгача етиб келган қозоқ тарихида Машҳур Жусип Кўпейўғлининг оладиган ўрни алоҳида. У фалсафа, тиббиёт, астрономия, геология, география, этнография, фольклористика, лингвистика, педагогика соҳаларига аталган бир қатор илмий асарлар ёзиб қолдирди. Машҳур Жусип Кўпейўғли дин соҳасида бир қатор изланишлар олиб борди. Унинг бой дала маданияти ҳақидаги теран маъноли ўй-фикрлари ва кўзқарашлари бебаҳо. Шоир ёшлигиданоқ халқ оғзаки адабиёти намуналарини тўплаш билан шуғулланди.

1865 йилда у «Ер Олжабой ботир» жирини Сақов шоирнинг айтиши бўйича ёзиб олган. Ёшлик даврида Машҳур Жусип Кўпейўғли Абилай хон, Қазибек Бий, Бўгенбой ботир каби машҳур шахслар ҳақидаги тарихий маълумотларни тўплаб, қоғозга туширди.

Машҳур Жусип Омби, Отбосар, Ақмола каби шаҳарларнинг атрофларидағи қозоқ қишлоқларини кўп оралади, Жанубий ва Фарбий Қозоғистон ерларига бориб қайтди. Эл оралаб юрган са-

фарларида Машхур Жусип Кўпейўғли Майрам ҳожи Жанайдарўғли, Қенесари хон авлодлари билан, Ақан Сери ва Саққулақ бий каби машҳур шахслар билан учрашиб, айтгандарини қофозга тушириб олди. Машхур Жусип Кўпейўғли истедодли ўлкашунос ҳам эди.

Атаб айтсак, у қозоқ халқининг буюк жировларининг бири Бухар Қалқаманўғлининг дағн этилган жойини аниқлаб, кўсатиб берди.

Машхур Жусип Кўпейўғлининг халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплашга зўр иштиёқ билан киришишининг натижасида кўплаб тарихий афсоналар, этнографик манбалар, хонлар ва сultonларнинг, ботирлар ва бийлар шунингдек ҳўжаларнинг келиб чиқиши тарихи ҳақида қимматли маълумотлар бугунги кунга қадар сақланган.

М.Ж. Кўпейўғлининг илмий асралари тарихий шахсларимизнигина эмас, умумий қозоқ тарихига алоқадор бўлган масалаларни ҳам ҳар томонлама ўрганишга мўл имконият беради.

Қозоқларнинг тарихи ва этнографиясини тадқиқ этиш билан машҳур давлат арбоблари А.Бўкеҳон, А.Байтурсинов, М.Дулатўғли, А.Ермеков, С.Асфендияров, М.Жумабаев, Қ.Кеменгеров, А.Сейитов ва бошқалар шуғулланди. Ўз юртининг тарихи ва маданиятини ўрганишга иштирок этиш уларнинг халқнинг аянчли аҳволини янада чуқурроқ англаб этишларига ёрдамлашди. Қелажакда улар ўз халқининг аҳволини яхшилаш учун фаол турда кураш юргиза бошлиди.

Сифатли билим ва узоқ йиллардаги илмий-тажрибалик меҳнат тажрибаси А.Бўкеҳоннинг машҳур олим-энциклопедист бўлиб шаклланишига, Қозоғистон ва унга чегарадош давлатларнинг тарихи билан маданиятини ва иқтисодиётини чуқур ўрганишига таъсир кўрсатди. У биринчи Абайтануши ҳам бўлди. Элимиздаги мол ва экин чорвачилигини илмий нуқтаи назардан ўрганган биринчи олим А.Бўкеҳон қозоқ халқининг қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга зўр кўнгил бўлди. У қозоқларнинг йирик қора моли ва қўй тухуми ҳақида бир қатор илмий ишлар ёзди. А.Бўкеҳоннинг илмий ишлари бугунги кунда қадрияти ва аҳамиятини сақлаб, муҳимлиги орта тушди. У императорлик рус география жамиятининг Фарбий Сибир бўлимининг аъзоси бўлди. 1902 йилда рус географик жамиятининг Семейдаги бўлимчасининг очилишига ўз

Ўйлаб кўринг!

Қозоғистонни тадқиқ этаётган рус ва қозоқ олимларининг мақсадлари бир бўлдими?

хиссасини қўшди. «Известия», «Записки» ва «Отчеты» нашрлари-га мақолалар чоп эттирди. Ф.А. Брокгауз ва И.А. Ероннинг «Янги энциклопедик лугати» ни ёзишга иштирок этди. Унинг энг дастлабки йирик монографик илмий асари қозоқ халқининг қадимдан бугунги кунга қадар бўлган тарихига аталади.

Фикр-мулоҳаза

А.Бўкейхоннинг қозоқ ерини тақдик қилишдаги мақсади қандай бўлди?

1903 йила Петербургда «Россия. Ўлкамизнинг тўлиқ географик тавсифи» деган қўп томли нашрининг ўн еттинчи томи чоп этилди. Бу илмий асарда А.Бўкейхон қаламидан кўплаб тарихий-этнографик асарлар, атаб айтганда, «Қирғизлар» (қозоқлар – муаллиф.), «Султон Кенесари Қосимўғлининг тарихига тегишли маълумотлар», «Қарқарали уезди қирғизларининг (қозоқларининг) уруғ таркиби», «Абай (Иброрхим) Қунанбаев», «Қирғизларнинг (қозоқларнинг) ош бериши ҳақида» яна бошқа тадқиқотлари чоп этилди.

7. Қозоқларнинг тиббиёт соҳасида тадқиқотлари. XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошида тиббиёт соҳасида ҳам қозоқ олимлари чиқа бошлади. Юқумли касалликларнинг тарқалиб, ўз ватандошларининг ҳалок бўлиши қозоқ шифокорларини эътиборсиз қолдирмади. Улар ўз халқининг саломатлигини сақлашга фидокорона хизмат қилди. Қозоқнинг дастлабки шофокор-олимлари қаторига Мұҳаммаджон Қарабаев, Халел Досмухамедов, ака-ука Асилбек ва Мусулмонбек Сейитовлар ва бошқалар бўлди.

Х.Досмухамедов Санкт-Петербургдаги ҳарбий тиббиёт академиясини битириб, соғликни сақлаш соҳасида узоқ йиллар давомида меҳнат қилди. У Урал вилоятининг Темир уездиде шифокор бўлди. Умумқозоқ «Қозоқ» газетасининг саҳифаларида унинг «Касалликлар ҳақида», «Юқумли касалликларнинг турлари» каби бирқатор мақолалалри чоп этилди.

А.Сейитов Томск университетининг тиббиёт факультетини битириб, аввал Омби шаҳрида, ундан кейин Баяновул ва Семейда фаолият юритди. Семей вилоятида юқумли касалликларга қарши олиб бориладиган чора-тадбирларни бошқарди. Унинг тиббиёт соҳасида ёзилган мақолалари ҳозирги кунгача илмий-тажрибалик аҳамиятини йўқотмади. XX асрнинг 30-йилларида оммавий очарчилик этак олган вақтда рафиқаси Нафия иккиси қишлоқдошларини ажал оғзидан олиб қолди.

- ?
1. «Қозоғистон ҳудудига юборилган экспедициялар Россия подшолигининг мустамлакачилик сиёсатининг бир йўналиши» деган фикрга қўшиласизми? Фикрингизни исботланг.
 2. XVIII–XX асрлардаги тадқиқотчиларнинг илмий ишлари Қозоғистонда илм ва фаннинг ривожланишига қандай таъсир кўрсатди?

* Шарқшуносалар – шарқ давлатларини тадқиқ қилувчи ориенталист олимлар. Экспедиция – иш юзасидан бир нечта одамнинг бир мақсад атрофида белгили бир жойга чиққан сафари.

Рус географик жамияти – 1845 йил 18 августда Санкт-Петербург шаҳрида курилган географик жамият.

Георги Иоганн Готлиб (1729–1802) – таниқли немис этнографи, географи, табиат тадқиқотчиси ҳамда саёҳатчи. 1768–1774 йилда Оренбург экспедицияси таркибида Россиянинг жанубий-шарқида, Едил бўйи, Ёйик, Шимолий Қозоғистон, Олтой, Байкалга борган.

Ломоносов Михаил Васильевич (1711–1765) – руснинг машҳур олими, шоир, рассом, филолог ва тарихчи.

Рычков Петр Иванович (1712–1777) – Россия Фан академиясининг корреспондент-аъзоси, таниқли иқтисодчи, географ ва Оренбург ўлкаси тарихини тадқиқотчиси.

Шорманўғли Муса (1818–1884) – тадқиқотчи, этнограф, қозоқ фольклори намуналарини тўпловчи, Баяновул ташқи округининг 1853–1868 йиллардаги оға султони.

Ижодий топшириқлар.

1-топшириқ. XVIII асрнинг ўртасигача қозоқ ерида илмий тадқиқотлар юргизилдими? Аниқланг. XVIII–XX асрлардаги тадқиқотлар ўлкага қандай ўзгаришлар олиб келди? Мана шу саволларга жадвални тўлдириш орқали жавоб беринг.

XVIII асрдаги тадқиқотлар	XIX–XX асрнинг бошидаги тадқиқотлар

2-топшириқ. Қўшимча маълумотлардан фойдаланиб, «Менинг қишилогимнинг (шаҳримнинг) тарихи» мавзусига тадқиқот юргизиб, кичкина ҳикоя ёзинг.

3-топшириқ. XVIII–XX асрнинг бошидаги Қозоғистондаги тадқиқотларнинг мақсади ва йўналишини аниқланг.

«Европача тарбия олган қирғиз (қозоқ – муаллиф) зиёлиларининг элнинг бутун ҳудудида тарқоқ юриши қирғизларнинг бирлашишига имконият бермади. Уларнинг бир қатор гуруҳининг тўпланиб, бош қўшадиган битта ҳам доимий ўрни йўқ. Шунинг учун зиёли қирғизларнинг мар-

казини қуриш ҳақида ўйланиш керак. Ўз юртими севадиган патриот қирғизлар ўз ерининг табиатини, халқини, унинг халқ оғзаки адабиётининг намуналарини чуқур ўрганишга киришишлари керак. Бу қирғиз зиёлиларининг миллий вазифаси бўлиши шарт. Тўғри, қирғизларниң афсона ва ҳикояларини тўплаш билан рус зиёлилари ҳам шуғулланмоқда. Бироқ улар бу соҳада қадимда келаётган маҳаллий аҳолининг ёрдамисиз ҳеч нарсага эриша олмайди. Сабаби, биринчидан, рус жамияти белгили бир даражада бегона бўлган ишга етарли куч-ҳаражат сарфлай олмайди. Иккинчидан, маҳаллий турмуш шароити билан ҳар томонлама таниш бўлган қозоқ зиёлилари тўпланган маълумотларга илмий нуқтаи назардан таҳлил юргиза олади. Улар афсона ва ҳикояларнинг гумонли бўлган қисмларини осонгина тушунтириб ҳам беради».

Потанин Г.Н. Уч томли танланган ижод намуналари. Тарих, этнография ва фольклор ҳақидаги асарлар. Павлодар, 2005, 3-том, 284-бет.

1. Муаллифнинг бундай хуносага келишига нима сабаб бўлди деб ўйлайсиз?

43–44-§

XIX–XX асрнинг бошидаги Қозоғистон ҳудудидаги ўқув ўринларининг хизмати

Ўқиш мақсади:

- ✓ XIX–XX асрнинг бошидаги Қозоғистон ҳудудида ўқиш ўринларининг ривожланишида ўзгариш ва уйғунликни аниқлаш;
- ✓ XIX–XX асрнинг бошидаги Қозоғистондаги билим бериш маҳкамаларини хизматларига қараб гурухларга ажратиш.

Таяинч сўзлар:

Ўзбекча	Қозоқча	Русча	Инглизча
Семинария	Семинария	Семинария	Seminary
Училище	Училище	Училище	Specialized school
Дунёвий	Зайырлы	Светский	Secular

Мавзуга ўтиш:

Расмдаги шахс қозоқ халқининг маърифатчилик ишини ривожлантиришга учун қандай хизмат қилди?



1. Қозоқларнинг анъанавий билим тизими. Қозоқ халқининг асрлар давомидаги тарих таълими уларнинг азалдан билимли ва саводли бўлишга ҳаракат қилганлигидан далолат беради. Таниқли рус тарихчиси А.Седельников қозоқлар ҳақида шундай деб ёзади: «*Қирғиз-қайсақлар (қозоқлар – муаллиф) анча маданиятли халқ. Шунинг учун келажаги яхши бўлади*». Ҳар бир ота-она фарзандига одобни ўргатган, саводли ва билимли бўлишга чорлаган. Бунга мисол сифатида қозоқлар орасида «Билакли бирни йиғар, билимли мингни йиғар» деган мақол кенг тарқалган. XIX–XX асрнинг бошида Қозогистонда халққа билим бериш тизими диний ва **затонавий** йўналишда юргизилди. XIX асрнинг ўртасигача қозоқ болалари мусулмон мактаблари билан мадрасаларда билим олди. Уларни асосан муллалар ўқитди. Ўқиш ота-оналарнинг ҳаражати ҳисобидан амалга оширилди. Мусулмон мактабларида, асосан, ўғил болалар ўқиди.

Халқ орасида **мадрасаларнинг** обрўси катта бўлди. Улар муллалар билан мактаб муаллимларини тайёрлади. Ўқиш вақти 3–4 йилгача чўзилди. Мадраса шогирдлари ислом динининг асослари бўйича бошланғич билим олиш билан бир қаторда фалсафа, математика, тибиёт, тарих, тил билими ва астрономия ҳақида билимларни эгаллашди.

Диний ўқиш марказларининг асосий вазифаларининг бири – ёшларнинг бўйига одоблик намунаси ва одамгарчилик фазилатларини сингдириш эди. 1870 йилдан бошлаб подшо ҳукуматининг бошчилигида мадрасаларда шартли равища рус тилини ўқитиши киритилди.

Мадрасада биринчи синф хоналар қурилди. Улар шогирдлар турадиган, таҳорат қиласидиган, ювинадиган, шу билан бирга овқатланадиган


Аниқланг

Подшо ҳукумати мадрасаларга рус тилини ўқитишини қандай мақсад билан киритди?

Ёдингизга туширинг!

Мадрасаларда билим олган қандай қозоқ зиёлиларини биласиз?

хоналар бўлди. Мадрасага устозликка одатда ёши 40 дан ошган одамларгина қабул қилинди. Улардан мадрасани битирганлиги хақида диплом талаб қилинди. Мактабдаги ўқишини тугатган фарзандини ота-оналари билимини давом эттириши учун янги усуллар билан ўқитадиган Уфадаги «Фалия», Оренбург шаҳридаги «Хусания», Троицкдаги «Расулия» мадрасаларига ўқишга берди. Секин-аста подшо ҳукумати мусулмонча билим берадиган ўқиш ўринларини тўлифи билан ўз назоратига олишга киришди. Мактаблар ва мадрасаларни очиш учун уезд раҳбарининг шахсий руҳсатномаси талаб қилинди.



И. Гаспринский

2. Янги тизимдаги мактаблар. XX асрнинг бошида анъанавий мактаблар билан мадрасалар жамиятнинг талабини қониқтирмади. Мусулмон мактабларида ислоҳат ўтказиш ҳаракати бошланди. Уни ташкил қилувчилар **жадидчилар** деб аталди. XX асрнинг бошида янги тизимдаги мактаблар пайдо бўла бошлади.

Мусулмон болаларига хат танитишликда овозли тизимга асосланган усул қўлланилди. Билим беришнинг бу услубининг асосини солган таникли турки тилдош ҳалқ маърифатпарварларининг бири И.Гаспринский бўлди. Жадидчилар мактабларда арифметика, география, табиатшунослик, тарих каби бошқада замонавий фанларни ўқитиши зарурлигини исботлади. Янги услубдаги мактабларда билимли ва тажрибалар муаллимлар дарс берди, керакли ўқув қуроллари билан кўргазмалари етарли бўлди. Ундан ташқари билим бериш услуби анча самарали эди. Қозоғистондаги энг биринчи янги услубдаги мактаб 1900 йилда Туркистон шаҳрида очилди. Бундай мактаблар кейин бошқа шаҳарларда ҳам очилди. Қозоқ зиёлиларининг кўп қисми янги услубдаги мактабларда билим олиб чиққанлар эди.

Ўйлаб кўринг!

Янги тизимдаги мактабларнинг кўзлаган мақсади қандай деб ўйлайсиз?

Бироқ янги услубдаги мактаблар элга кенг тарқала олмади. Подшо ҳукумати янги услубдаги мактабларнинг очилишига имкон қадар қаршилик кўрсатди. Сабаби бундай мактабларни **панисламизм** ва пантуркизмнинг ўчоқлари деб санади. Шунинг учун 1917 йилгача Қозоғистон ҳудудида 100 га яқингина янги услубдаги мактаблар очилди.

3. Қозоқ ўлқасида замонавий мактаблар ва ўқув ўринларининг очилиши. 1813 йил Омбида, 1825 йилда эса Оренбургда ҳарбий училищалар очилди. Кейинчалик улар Сибир ва Оренбург Неплюев кадет корпуслари деб ўзгартирилди. Бу ўқув ўринларига қозоқ болаларини қабул қилишга бир қанча чекловлар қўйилди. Миллати қозоқ кадетларга бир қанча сирли деб ҳисобланган ҳарбий фанларни ўрганишга руҳсат берилмади. Омби кадет корпусини таниқли қозоқ олимни, тадқиқотчи ва маърифатпарвар Шўқон Валиханов тамомомлади.

Казак станцияларида, истеҳком-қалъаларда диний черковлар ва казакларнинг фарзандлари ўқийдиган мактаблар очилди. Улардаги билим бериш даражаси жуда паст эди. Ўқитувчиларнинг кўп қисмини чаласавод *дъяклар*, шу билан бирга хизматини қилиб бўлган солдатлар ва казаклар ташкил этди. Умуман олганда, Қозоғистонда ҳалққа билим бериш соҳаси ва завод даражасини қаноатли бўлди деб айта олмаймиз. Замонавий мактаблар жуда кам эди. Ўқитувчилар етишмади. Кўчманчи ва ярим кўчманчи турмуш тарзи шароитида доимий мактаблар очиш катта қийинчиликлар билан амалга оширилди.

Қозоғистонни ишлаб чиқариш соҳаси томонидан ўзлаштирилиши туфайли саводли ва билимли одамларга деган эҳтиёж ортиб борди. Шунинг учун 1850 йилда Оренбургда ўқиши муддати 7 йиллик бўлган янги услубдаги мактаб очилди. У ерда асосан ҳаттотлар ва таржимонлар тайёрланди, рус тарихи, математика, география, геометрия ўқитилди. 1857 йилда эса мана шундай мактаб Омбидা очилди.

1861 йилда Троицкида, бошқа шаҳарларда ҳам рус-қозоқ мактаблари очилди. 1867–1868 йиллардаги маъмурий реформалар амалга оширилганидан кейин ва кўчиб келувчиларнинг сони ортиб бориши туфайли замонавий мактабларнинг қатори қўпайди. Уларнинг ўқиши дастурларини генерал-губернаторларнинг ўзлари белгилаб, Халқ маърифат вазирлиги билан тасдиқланди. Қозоқларнинг фарзандлари рус посёлкалари ва казак станцияларининг ёнидаги мактабларда бепул ёки озгина ҳақ тўлаб ўқишига имконияти бўлди.

1883 Оренбург губерниясининг Ор шаҳрида биринчи маротаба қозоқларга аталган муаллимлар мактаби очилди. У мактабнинг очилишига қозоқ маърифатпарвари Ибрай Алтинсариннинг

қўшган ҳиссаси катта бўлди. 1885 йилдан бошлаб барча уездларда қишлоқ хўжалиги мактаблари очилди. Улар қозоқ ўлқасида билим ва ҳунармандчилик соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилди. Барча ерларда бирдай бўлис рус мактаблари пайдо бўла бошлади. Тўрғай, Ақтобе, Қостанай ва бошқа шаҳарларда қиз болаларга аталган бошлангич мактаблар очилди. 1892 йилдан бошлаб қозоқ болалари учун кўчманчи қишлоқ мактаблари ташкиллаштирилди.

Қозогистондаги рус тилли ҳалқнинг орасида саводсизликнинг даражаси жуда баланд эди. Буни 1897 йилдаги ҳалқ саноғи яққол кўрсатди. Аҳолинининг 8,1% гина хат таниди. Русча савод чиқарган қозоқларнинг фоизи бундан ҳам паст бўлди. Мусулмонча ўқиб, савод чиқарган қозоқларнинг сони эса аксинча жуда кўп эди. Бироқ уларнинг қанча фоизининг саводли эканлиги ҳалқ саноғини ўтказиш вақтида ҳисобга олинмади.

Фикрингиз зарур!

XIX асрдаги маърифат-парварчilik соҳасига салбий таъсир кўрсатган омилларни атанг.

Россия империяси қозоқларнинг ўрта ва олий билим олишларига йўл бермасликка ҳаракат қилди. Саводли қозоқларнинг сони ортиб боргани сайин миллий онг тез ўйгонади деган хатар пайдо бўлди.

XIX асрда қишлоқ хўжалиги ва фельдшерлик мактаблар очила бошлади. Улар ўрта билимли шифокорларни етиштириб чиқарди. Бироқ Қозогистонда битта ҳам олий ўқув юрти очилмади.

4. Дала ўлқасида қишлоқ мактабларининг пайдо бўлиши. 1901 йил июнь ойида Дала генерал-губернатори Сухотин Ақмола ва Семей вилоятларининг ҳарбий губернаторларига рус-қозоқ мактабларини очишга таклиф билдириди. Дастлабкида бу фикрга қозоқлар эҳтиёткорлик билан қаради. Фарзандларини руслаштириш билан бир қаторда, чўқинтириб юборади деб хавотирланди. Шу билан бирга қозоқлар рус-қозоқ мактаблари орқали болаларни рус чорвадорларига айлантириб, ҳарбий хизматга шартли равишда мажбуrlайди деб чўчиди.

Шунинг учун Ақмола вилоятидаги Халқ училищасининг директори А.Е. Алекторов ҳалқ орасида янги мактабларни очишнинг мақсадлари ва вазифаларини тушунтириди. Рус-қозоқ мактабларининг моддий базасини таъминлашга алоҳида эътибор берди. Билим бериш қозоқларда она тилида юргизилиши айтилди. Қишлоқ мактабининг ўқитувчилари учун маҳсус услубий қўлланмалар тай-



Қозоғистондаги дастлабки мактаблар

ёрланди. Уларга ўқиши муддати икки йил әди. Ўқувчилар қозоқ ва рус тилларини, арифметикани ўқиди. Қейинчалик ислом динининг асосларини ўқитишга руҳсат берилди.

Рус маърифатпарварларининг бир қатори қозоқ болаларининг одобли хулқ-автори ва билим олишга деган зўр қизиқишиларини алоҳида айтиб ўтади. Маърифатпарвар Ф.Собисевич: «*Киргиз (қозоқ – муаллиф) болалари ўзларининг хулқ-авторини, ўқишига деган шиддатли интилиши, билимни тез ва етук эгаллашга қобилияти томонидан ҳар қандай мақтovга ҳам лойиқ*», – деб қозоқ болаларининг ўқишига деган қизиқиши ва қобилияти ҳақида тўлқинланиб ёзади.

5. Омби-Дала ўлқасининг йирик билим маркази. «Алаш» ҳаракати вакилларидан бири С.Садуақасовнинг фикрича, Ақмола вилоятининг Омби уезди Қозоғистоннинг энг йирик маърифатпарвар худудларининг бири бўлди. Омби шаҳри амалда бутун Қозоғистон учун машҳур билим марказларининг бирига айланди. 1789 йил Омбида Осиё мактаби очилди. У мустамлакачи хукумат учун чиновник ходимлар тайёрлаш билан шуғулланди. 1872 йил Омбида муаллимлар семинарияси очилди. У амалда бутун Қозоғистон

Ўйлаб кўринг!

Россия империясининг мустамлака ҳудудларда мактаблар очишидаги мақсади қандай бўлди?

учун мualлим ходимларни тайёрлайдиган марказга айланди. Унда бошланғич училищалар учун мualлимлар тайёрланди.

Омбида, шу билан бирга Кўкчетов ва Ақмолада қозоқ болалари га аталган интернатлар очилди. Уларга сарфланадиган ҳаражатни қозоқлар ҳайрия ёрдами ҳисобидан ўзлари тўлашди. Ўқишига ҳар бир қозоқ бўлисидан йилига 2 тада бола юборишга келишилди.

1882 йил Омбидаги техника *училищаси* очилди. У заводлар ва фабрикалар, шу билан бирга автомобиль соҳасидаги хизмат учун ўрта билимли раҳбар ходимлар тайёrlаши керак эди. Омби мол шифокорлари ва фельдшерлик мактабида кўплаб қозоқ болалари ўқиди. Бу мактаб мана шу соҳада бутун Қозогистон учун ходимлар тайёрлайдиган ягона маҳсус ўқув юрти бўлди.

Фикр-мулоҳаза

Нима учун ўқув ўринларининг кўпчилиги Омби шаҳрида очилди?

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошида Омби ўқув ўринлари қозоқ халқининг атоқли вакиллари, давлат ва жамоат арбоблари Алихан Бўкеҳон, Ахмет Байтурсинўғли, Айдархан Турлибаев, Ўтинши Алжанов, Райимжан Марсеков, Сейилбек Жанайдаров, ака-ука Асилбек, Муратбек ва Мусилманбек Сейитовлар, Мағжан Жумабаев, Сакен Сейфуллин, *Қўшке Кеменгеров*, Смағул Садуақасов, Бирмуҳамед Айбасўғли,



Омбидаги Сибир кадет корпуси

Амире Исин, Муқан Айтпенов, Нигмет Нурмаков каби шахслар ўқиди.

Уларни барчаси халқ маърифатчилик ишига, Қозоқ ўлкасидағи миллій-демократик ҳаракатта, шу билан биргә туғилиб ўсган ўлкасининг илмий нұқтаи назардан тадқиқ этишга лойик хисса қўшишди. Кенгаш ҳукумати даврида сиёсий қувғин-сургунга учраб, отилиб кетишиди.

6. Россия империясининг олий ўқув ўринларидағы қозоқ студентлари. Бириңчи рус инқилобининг таъсири билан қозоқларнинг миллій онгги бироз ортди. Олисни кўзлаган қозоқлар фарзандларини Россия ва чет элларнинг ўрта ва олий ўқув ўринларига ўқишга юборди. Улар билим олишни ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш деб тушунди. Қозоқ ёшларининг кўп қисмининг ҳуқуқ факультетини танлашининг асосий сабаби мана шунинг ёрқин мисоли.

XIX–XX асрларда фақат Қозон шаҳрининг ўзида (императорлик Қозон университетида, Қозон ветеринария институтида, Қозон муаллимлар семинариясида) 100-га яқин қозоқ ёшлари таҳсил олди. Кўплаб қозоқ ёшлари Санкт-Петербург, Москва, Томск, Саратов, Киев, Тарту, Каир, Бомбей, Стамбул ва Варшава университетларида билим олди. Масалан, Санкт-Петербург университетининг ҳуқуқшунослик факультетини М.Шоқай ва А.Турлибаев олтин медаль билан битириб чиқди. Алихан Бўкейхан Санкт-Петербург Ўрмон институтини, С.Асфендияров Санкт-Петербург ҳарбий тиббиёт факультетини, А.Сейитов Томск университетининг тиббиёт факультетини, Ж.Досмухамедов Тарту университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлади. С.Жанторин, Б. ва А.Ниязовлар, С.Нурлиханов ва бошқалар Санкт-Петербург, Қазан, Томск, Москва университетларининг ҳуқуқшунослик факультетида ўқиб, олий билим эгаллади. Бошқа ҳам кўплаб қозоқ студентлари бўлди.

Қарқаралида туғилиб, вояга етган Динмухаммед Султанғазин жуда кам учрайдиган талантли студент бўлди. У Томск универ-



Қ.Кеменгеров



С.Асфендияров



Қозонда таҳсил оладиган қозоқ ёшлари. 1916 йил

ситетининг тиббиёт факультетини, Санкт-Петербург университетининг шарқшунослик ва ҳуқуқ факультетини битирди. Петербург тиббиёт институтини Асфендиярова Гулсим, кейин Асфендиярова Мариям тамомлади.

Қозоқларнинг оммавий билим олишга кўчиши уларнинг подшо ҳукуматига қарши миллий-озодлик ҳаракатининг кучайиб боришига, ўз олдига автономия олишга бўлган интилишига етаклади.

- ? 1. «Россия империяси қозоқ болаларини ўқитиш орқали подшо ҳукуматига хизмат қиласиган чиновникларни тайёрлашни кўзлади» деган фикрга қўшиласизми?
- 2. Жадидлик мактабларнинг бошқа мактаблардан фарқи қандай бўлди?
- 3. Қўшимча маълумотларни фойдаланиб, подшо ҳукумати даврида Марказий Осиёда очилган дунёвий мактабларни атанг.

- * Семинария – ўрта таълим берадиган махсус билим юрти.
- Училища – белгили бир касб берадиган ўрта ва махсус ўқув ўрни.
- Жадидчилик – XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида Россия империясида туркий тилдош мусулмон халқлари орасида тарқалган ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий ҳаракат.
- Мадраса – масжид ёnidаги ислом динини ўқитадиган ўрта ва олий дараҷали ўқиши.
- Панисламизм – барча мусулмон қавмининг бирлашган ислом давлатига бирлашишига насиҳатлайдиган диний-сиёсий идеология.

Пантуркизм – туркийлик, XX асрнинг бошида пайдо бўлган, Туркияning ғамхўрлиги билан туркий тилдош халқларнинг бир давлатга бирлашишини кўзлайдиган оқим.

Дунёвий билим – илмий билим асослари.

Дъяк – қадимги Россиядаги давлат маҳкамаларида котиблиқ ишини бажарадиган ходим, чиновник.

Гаспринский Исмайил (1851–1914) – таниқли турк маърифатпарвари ва Россиянинг жамоат арбоби. Ўзининг бутун ҳаётини Россия империясидаги мусулмонларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга бағишилади.

Турлибаев Айдархан (1877–1937) – жамоат арбоби, ҳуқуқшунос, «Алаш» ҳаракатининг фаол иштирокчиси.

Кеменгеров Қўшмухамбет (Қўшке) (1896–1937) – Алаш арбоби, олим, ёзувчи.



Ижодий топшириқлар.

1-топшириқ. ПТМХ формуласи орқали қўйидаги хulosага тегишли фикрингизни исботланг.

«*XIX–XX асрнинг бошида Қозогистонда ўқув ўринларининг кўплаб очилиши халқ орасида ўзгаришлар олиб келди*».

Позиция – менинг ўйимча, ўқув ўринлари очилганидан кейин ...

Тушунтириш – сабаби ...

Масалан – шундай мисол келтиришга бўлади ...

Хулоса қила келиб ...

2-топшириқ. XIX–XX асрнинг бошидаги Қозогистондаги таълим маҳкамалари хизматининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилинг.

Дастурли мактаблар	Янги услубдаги мактаблар	Дунёвий мактаблар

 «Оренбург фуқаролар гимназиясида, қирғизлар (қозоқлар) учун Троицкда очилган мактабда таҳсил олаётган болаларнинг ўқишлари қаноатли. Қирғиз халқининг болаларига оид ажойиб фазилати бор. Улар билим олишга қунт ва шиҷоат билан иштиёқ ва қобилиятини кўрсатади. Қирғизларнинг билим олишга деган иштиёқини... болаларини Оренбург фуқаролар гимназиясига жойлаштириш учун кумуш пул билан 55 минг сўмдан ортиқ ҳайрия ёрдамини берганидан ҳам билишга бўлади».

Туркистон ўлкаси // Қозоқлар. Кўпчиликка аталган тўйқиз томли маълумотнома. Т. VII. Қозогистон ҳамда қозоқлар ҳақида. Алмати, 1998. 23-бет.

 Даля аҳолисининг билимга иштиёқини қандай тушунтиришга бўлади?

Ўқиши мақсади:

- ✓ Кенгаш таълим тизими ривожланишининг ўзига хос хусусиятларни аниқлаш учун «саводсизликни тугатиш», «қизил ўтов», «муаллимлар интиитути», «Мактабдаги билим бериш», «касбий билим бериш», «олий ўқув юртлари» тушунчаларини фойдаланиш;
- ✓ Қозоғистондаги Кенгаш таълими тизимини ислоҳатлашни таҳлил қилиш, ютуқлари ва зиддиятларини аниқлаш.

Таянч сўзлар:

Ўзбекча	Қозоқча	Русча	Инглизча
Саводсизликни тугатиш	Саутасыздықты жою	Ликвидация неграмотности	Removal of illiteracy
Қизил ўтов	Қызыл отау	Красная юрта	Red yurt

Мавзуга ўтиш:

Кенгаш ҳукуматининг ҳукмронликка келганидан кейин таълим соҳасидаги дастлабки ислоҳати қандай йўналишда бўлди?



1. 1920–1930-йилларда Қозоғистондаги саводсизликка қарши кураш: ютуқлар ва зиддиятлар. Большевиклар ҳукмронликка келган дастлабки кунларидан бошлаб оммавий саводсизликка қарши кураш олиб боришга киришди.

Кенгаш ҳукуматининг маҳаллий ҳукумат маҳкамалари фуқаролар уруши шароитида имкон қадар мактаблар очди. Халққа маърифатпарварлик орқали большевиклар ўзларининг идеологиясини сингдиришга ва оддий одамларнинг ишончига киришни кўзлади.

1918 йил 26 июлда Туркистон АҚСР да Халқ таълими комиссарлиги (Наркомпрос), 1919 йилда эса Қирғиз инқилобий комите-

тида – мактаб бўлими очилди. 1919 йил 26 декабрда В.И. Ленин «РКФСР» халқлари орасида саводсизликни тугатиш ҳақида» декретга қўйди.

1920 йилдан бошлаб большевиклар Лениннинг топшириқлари ни амалга ошира ўтириб, барча ерларда саводсизликни тугатиш тўғрисидаги фавқулодда комиссиялар қуришга киришди. Улар харф танимайдиганларни ҳисобга олишни, ўқитувчи ходимлар тайёрлаш, мактаблар ва қисқа муддатли курсларини ташкил қилиш билан шуғулланди. Курсларда ўқиши ва ёзиши ўргатиш билан чекланмай, табиатшунослик, бухгалтерлик ҳисоб, музика дарси, расомчилик ва бошқа фанларни ўқитди. Белгили бир даражада идеология масаласи ҳам бир қаторда юргизилди. Мана шу мақсадда Қенгаш ҳукумати маҳкамалари Алаш арбоблари ва халқ маърифатпарварларини тортди. 1919 йил Ақмола вилоятининг Омби уездидаги маърифатпарварчилик курсларида хизмат қилишга жамиятнинг саводли фуқаролари Мағжан Жумабаев, Қўшке Қеменгеров, Амире Исин чакирилди.

2. Саводсизликни тугатиш. 1919 йилда Халқ Комиссарлари Қенгashi (ХКК) саводсизликни тугатиш ҳақида Декретга қўйи қўйди. Давлат қишлоқларга оммавий маданий

Фикрингиз зарур!

«Саводсизлик тугатилишин» жамитининг фаолияти элда билимни ортиришда сезиларли рол уйнадими?



Савод чиқариш курси

марш уюштиришини эълон қилди. Саводсизликни тугатишнинг кўчманчи пунктлари, аёллар орасида саводсизликни тугатиш учун қизил ўтовлар, коммуна мактаблари, мактаб-интернатлар, *рабфаклар* (ишчилар факультети) қурила бошлади.

Қозоғистонда саводсизликни тугатиш жараёни давомида кўплаб заддиятларга учради: маблағнинг етишмовчилиги, мактабларнинг, уй-жойларнинг ва дарсликларнинг камлиги, тажрибали ўқитувчилар етишмовчилиги.

Мана шу туфайли 1923 йилда А.Байтурсынўғли янгидан очилган мактабларга 20 минг ўқитувчи керак әканлигини айтди. Бўлинган маблағ эса 2616 ўқитувчи ва кутубхоначиларнинг маошигагина етарли эди. Шунинг учун у маҳаллий ҳукумат маҳкамаларини мактабларни ўзлари очишга, уларни таъминлашга ўз ҳаражатларини сарф қилишга чақирди.

Саводсизликни тугатиш курашида «қизил ўтов» деб аталадиган билим марказлари фаолият юргизди. Улар ўтроқ халқ орасида ўқиш уйи бажарадиган вазифаларни бажарди.

1924 йил февраль ойида «Саводсизлик тугатилсин» жамиятининг қозоғистонлик бўлими ўз фаолиятини бошлади. 1925 йилда жамиятнинг 882 бошлангич ташкилотида 77800 аъзо рўйхатдан ўтди. Шу йилларда буюк маърифатпарвар А.Байтурсынўғли қозоқ тилининг фонетика соҳасига мослаштирилган араб алифбосини ёзди. 1925 йилдан бошлаб халқ таълими ишига сарфланадиган маблағ миқдори ортиб борди. Барча намунадаги кенгаш мактабарининг тармоқлари ортди. Шунинг натижасида ўқувчилар сони ортди. Китобларнинг чоп этилиши йилдан-йилга ортиб борди. 1926 йилда саводхонлик даражаси қозоқ халқида – 6,9%, рус халқида – 36% ни ташкил қилди.

1921–1922 йилларда Қозоғистоннинг барча губернияларида очарчилик даврида мактаб ишиниг аҳволи жуда оғир эди. Республикада қаровсиз қолган етим болаларнинг сони сезиларли даражада ортди, улар мактабдан четда қолди. Масалан, 1921 йилда Қозоғистонда 158 000 уй-жойсиз болалар бўлди, 1922 йилда уларнинг сони 333 мингга етди. Халққа билим бериш эҳтиёжига ажратилган маблағ очарчиликдан зарар кўрган аҳолига юборилди. Ўқитувчилар кўп ҳолларда маош олишмади. Дарсликлар ва услубий қўлланмалар етишмади.

Қозоғистонда кенгаш мактабларининг ягона тизимини қуришдаги асосий қийинчиликлар ҳақидаги масалалар ҳар йили

Кенгаш Қозғистонида саводсизликни тугатишга қарши йўналтирилган чора-тадбирлар

Йиллар	Воқелар
1918 йил	«Ягона меҳнат мактаби тўғрисида Декларация» қабул қилинди.
1919 йил	«Саводсизликни тугатиш ҳақида Декрет» қабул қилинди.
1921 йил	Саводсизликни тугатишга аталган Марказий фавқулодда комиссия (Қазграмчека) қурилди.
1924 йил, февраль	«Саводсизлик тугатилсин» жамияти қурилди.
1930 йил, август	Барчага бирдай мажбурий бошланғич таълим кирилди.

Ўқитувчилар конференциясида айтилди: мактабларнинг noctor моддий-техника базаси, антисанитария, болалар орасида касалликнинг тарқалиши, билимли ўқитувчи ходимларнинг етишмовчилиги, туман таълим маҳкамалари томонидан мактабларга услубий раҳбарлик ва ёрдамнинг йўқлиги, билим беришда турли эски услубларнинг қўлланишда бўлиши, меҳнат тартибини бузиш тез-тез бўлиб турди. Ўқув режалари ва дастурлар етишмади, ўқувчиларнинг дарсга қатнашиши жуда noctor, ўқитувчиларнинг маоши жуда кам бўлди. Билим бериш ўринлари кўп ҳолларда санитария-гигиена талаблари га жавоб бермади. Синфлардаги ўқувчилар сони ҳаддан ташқари кўп, баъзи ҳолларда 45 ўқувчигача етиб борди. Бу масалалар рус мактабларида, қозоқ тилида билим берадиган мактабларда ҳам учради. Ўқитувчилар халқ санофини юргизишга, идеологик чора-тадбирлар ва мажлисларга иштирок этиб, шанбаликларга чиқди. Улар республика ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштирок этувчилар ва ташкиллаштирувчилар қаторида бўлди.

«Саводсизлик тугатилсин» жамияти фаолиятига комсомол ёшлар фаол иштирок этишиди. 1928 йилда уларнинг бошчилигига маданий марш уюштирилди. 1930 йилда маданий маршга 5 минг комсомол аъзолари иштирок этди.

Саводсизликни тугатишга 30-йилларнинг бошида очарчилик ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Юзлаган минг далаликлар кўчиб кетишга мажбур бўлди. Кейинги йилларда секин-аста аҳвол яхшилана бошланди. 1939 йилда Қозғистоннинг 50 ёшгача бўлган аҳолисининг

Фикрингиз зарур!

Кенгаш ҳукуматига «Саводсизликни тугатиш» масаласини кўтаришига нима сабаб бўлди?

саводхонлиги 80% га яқинлашди. Қозоқ халқининг саводхонлиги – 54,5%, рус халқининг саводхонлиги 70,4% деб аниқланди.

3. Кенгаш ҳокимиятининг дастлабки ўн йиллигига оммавий таълим соҳасининг шаклланиши. Янги Кенгаш ҳукмронлиги барча билим бериш соҳасини қайта қуришни талаб қилди. 1918 йил Қозоғистон ҳудудининг катта қисмини эгалайдиган РКФСР да қабул қилинган «Ягона меҳнат мактаби тўғрисида» ги қоидаги биноан аввалги бошланғич училищалар, гимназиялар, реал училишлар ва бошқа ўқув ўринларининг ўрнига 2 босқичли ягона меҳнат мактаблари қурилди. Унинг биринчи босқичида 8 ёшдан 13 ёшгacha бўлга, иккинчи босқичида эса 13 ёшдан 17 ёшгacha бўлган болалар ўқиди деб белгиланди. 1918 йил 31 октябрда «Кичик миллатлар мактаби тўғрисида» ги қарорига биноан, барча миллатлар, шунинг ичида қозоқлар ўзларининг она тилида ўқиши ташкиллаштира олади деб эълон қилинди.

Аниқланг

1920-йиллардаги мактаблардаги моддий-техник базанинг заифлигини қандай тушунтиришга бўлади?

1920–1921 ўқув йилида республикадаги мактабларнинг сони 2410 га етди. (1914–1915 ўқув йилида – 2011). Мактабларда билим бериш даражаси ҳали ҳам ночор эди. Болалар ва ўқитувчиларга аталган дарслеклар ва ўқув қуроллари етишмади. Айниқса, қозоқ мактабларида дарслеклар етишмади. Шунинг учун

А.Бўкейхон, А.Байтурсинўғли бошлаган Алаш зиёлилари саводли бўлган эл фуқароларини қозоқ мактаблари учун дарслеклар ёзишга чақирди. Болалар уйидаги моддий-техник аҳвол танқид кўтармас эди, унда ҳатто алмаштирадиган кийимлар ва ўрин-тўшаклар етишмасди. Қишлоқда тураг жойлар уезд ва губерния марказларидан узоқда жойлашди. Қозоқ мактабларида алифбо дарслекларнинг ўзи ҳам етишмади. Олий маълумотли тажрибали педагоглар жуда оз эди. Масалан, 1924 йилда Ақмола уездиде олий маълумотли битта ҳам қозоқ бўлмади.

Қозоқнинг миллат зиёлилари ижодий нуқтаи назардан самарали меҳнат қилиб, маданий қурилиш, халққа билим бериш соҳасини тезлаштиришга катта ҳисса қўшди. Қозоқ тилида дарслеклар ёзилди. Бундай дарслекларнинг муаллифлари А.Байтурсинўғли, Ж.Аймаутов, С.Сейфуллин, М.Жумабаев, *А.Ермековлар* бўлди. Алгебрадан қозоқ тилидаги мактаб дарслигини профессор *Санжар Асфендияров* ёзди. 1928 йилнинг охиригача қозоқ мактаблари учун 30-дан ортиқ дарслик чоп этилди.

1929 йилгача Қозогистонда араб ёзуви қўлланилди. XX асрнинг бошида Ахмет Байтурсинўғли таклифи билан фонетиканинг ўзига хос хусусиятлари назарга олиниб, араб графикасига асосланган «тўғридан тўғри ёзиш» тузилди. 1929–1940 йиллар оралиғида лотин графикасига асосланган алифбо ёзиш тизими киритилиб, 1940 йилдан бошлаб у кирилл графикасига алмаштирилди.

Мактаб фаолиятига алифбонинг ўзгартирилиши катта қийинчиликлар туғдирди. Фуқароларни қайта ўқитишга тайёргарлик курслари улгурмади. 1930 йил 27 майда кўчманчи халқ истеъқомат қиласидиган маконларда барчага бирдек мажбурий бошланғич таълим жорий қилинди. Бироқ мана шу йилларда кенг тарқалган очарчилик мактабларнинг кенг равища очилишига тўсқинлик қилди. 1941 йил республикада 7,5 минг мактаб фаолият юргизди, шунинг ичida 5,1 мингтаси бошланғич мактаб эди. Унда 1 миллионга яқин турли ёшдаги болалар таълим олди. Барчага бирдек мажбурий ўқишига кирадиган мактаб ёшидаги болаларнинг 98,9%-и ўқиши билан таъминланди.

Уруш йилларида мактаб сони ортмади: фақат 1% гина ўсади, педагог ходимлар таркиби 10% га камайди. Бошланғич синфларда юқори синф ўқувчилари ёки нафақадорлар дарс беришди. Ўқувчилар сони 1 138 187 дан 792 058 гача камайди. Йигит кишилар урушга кетганидан кейин, фронт ортидаги қийинчиликлар аёллар ва болаларнинг зиммасига тушди. Баъзи бир болалар оналарига ёрдамлашиб, мактабга бормай қолар эди.

1939 йилда барчага ўртоқ ҳарбий хизмат жорий қилинганида кейин, мактабларда ҳарбий иш фани ўқитила бошланди. Гуманитар фанларнинг ўқитилишида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуларга кўп кўнгил бўлинди. Барча мактабларда урушдан ярадор бўлиб қайтган жангчилар билан учрашувлар ўтказилиб турилди.

4. XX асрнинг биринчи ярмидаги маҳсус ўрта ва олий таълим. Большевиклар ҳукмронликка келганидан кейин реуспубликада олий билим юртлари ва *техникумлар* очила бошлади.

Кенгаш ҳукумати ўрнатилганидан кейин дастлабки йиллarda билими бор тажрибали ходимлар етишмади. С.Сайфуллин дастлабкilarнинг бири бўлиб педагогика билим юртларини ривожлантиришга, студентларнинг турмуш шароитига доимо эътибор бериб турди. Унинг бевосита иштироки билан ҚазАКСР Халқ Комиссарлари Кенгаши 1140 давлат стипендиясини қозоқ ёшлари учун бел-

Изланинг!

Ҳозирги кунда Қозогистонда қанча мактаб бор?

гилади. Республика Халқ Комиссарлар Кенгаши қозоқ мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлайдиган Қозғистондаги ягона олий билим юрти Оренбург шаҳридаги Халққа билим бериш институтини (КИНО) ғамхўрликка олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қозғистон хукумати қарори билан она тилида дарсликлар чоп эттириш учун 25 минг сўм бўлинди.

1928 йилда Қозғистонда биринчи ўқув ўрни Қозоқ педагогика институти очилди. Кейин унга буюк Абай номи берилди.

Кейинчалик бошқа олий ўқув юртлари ҳам очилди: Алмати ветеринария институти (1929), Қозоқ қишлоқ хўжалиги институти (1930), Алмати тиббиёт институти (1931), Урал педагогика институти (1932), 1934 йилда Қозоқ давлат университети очилди. 1941 йилда республикада 20 олий билим юрти ва 118 маҳсус ўрта таълим мактабларида 40 мингга яқин студент ўқиди.

Республикада олий билим юртларига маҳаллий халқ орасидан чиққан профессор-ўқитувчилар етишмади, кўплаган институтларда қозоқ студентларининг сони кам эди. Асосий сабабларининг бири оммавий кўринишга эга бўлган очарчилик ва сиёсий қувғин-сургуннинг оқибати эди.



ҚозМПУ нинг дастлабки биноси

Тажрибали профессор-ўқитувчи ходимларни танқислиги масаласини ходимларни бошқа республикалардан (Россия, Украина, Ўзбекистон) ҳақириш орқали ҳал қилишга ҳаракат қилди.

Уруш олий билим юртларининг ҳаётига ўзгаришлар олиб келди. Алматига КСРИ нинг Европа қисмидан бир қатор олий билим юртлари кўчирилиб, олиб келинди. Машҳур олимларнинг Қозоғистонга қўчиб келиши ўқув ўринларининг илмий даражасини орттиришга қулай шароит яратиб, янги олий билим юртларининг очилишига имконият берди. (Алмати чет тиллар институти, Қозоқ давлат консерваторияси, Қозоқ давлат қизлар педагогика институти, Қозоқ давлат жисмоний тарбия институти). Қозоқ қизлар педагогика институти Қозоғистон коммунистик партиясининг биринчи котиби Ж.Шаяхметовнинг шахсий раҳбарлиги билан очилди. Студентларга бепул овқат, ётоқхонада туришни давлат томонидан таъминлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

1945 йилда республиканинг олий билим юртларида 45 минг студент ўқиди. Республикада интелектуал салоҳияти сезиларли даражада ортган ўрта маҳсус ва олий билим юртларининг тизими қурилди.

5. Урушдан кейинги йиллардаги таълим соҳаси. 1950 йилларда умумий таълим мазмунини такомиллаштириш ишлари олиб борилиб, мактабдаги политехника ўқитишига алоҳида эътибор берилди. 10 йиллик таълим соҳасига кўчиш бошланди. Мактабларда машинатаниш кабинетлари, ўқув-тажриба майдонлари ташкиллаштирилди. Шу билан бирга айтарли даражада қийинчиликлар ҳам бўлди. Синфлардаги ўқувчилар сони ҳаддан ташқари кўп бўлди. Қатта шаҳарларда мактаблар уч сменада ишлади. Қишлоқ мактабларидаги педагогларнинг дарс соати ҳафтасига норматив асосидаги 18 соатнинг ўрнига 40–42 соатни ташкил қилди. Бу ҳолат ўқувчиларнинг ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатди. Мактабларнинг кўп қисмлари эски биноларда жойлашди. 1950–1960 йилларда кечки мактаблар очила бошлади.

1959 йилдаги саноқ бўйича республикадаги маҳаллий миллат вакилларининг сони халқнинг 30% нигина ташкил қилди. Қозоғистоннинг шимолий вилоятларида қозоқ тилида ўқитадиган мактаблар сони қисқарди. Вилоят марказларида биттадангина қозоқ тилидаги мактаблар ишлаб турди. 1970 йилда шаҳар аҳолисининг таркибидаги қозоқларнинг улуши 17,2% бўлди. Шу-

Ўйлаб қўринг!

Таълим соҳасидаги ислоҳатлар шу вақтда қанчалик муҳим бўлди?

нинг оқибатларидан қозоқ мактаблари ёпилиб, рус тилида таълим берадиган мактабларга айланди.

1972 йил республика барчага мажбурий ўрта таълимга кўчди. Таълим ва тарбия ишларининг дастурига ўзгаришлар киритиш учун янги ислоҳатлар юргизилди. Тарих, адабиёт, биология, химия, астрономия, география, меҳнат ва чет тиллари фанлари бўйича янги таълим дастурлари тайёрланди. 56 янги дарслик чиқарилди. Республика мактабларида кабинет тизими киритилди. Улар бюджет ва ҳомийлар ҳисобидан жиҳозланди.

Ўйлаб кўринг!

Таълим соҳасида олиб борилган ислоҳатлардан қандай камчиликларни кўришга бўлади?

1980-йиларда болаларни 6 ёшдан бошлаб мактабга қабул қилиш дастури киритилди. Катта шаҳарларда болабоғчаларнинг етишмовчилиги асосий масалаларнинг бири бўлиб қолаверди. Шаҳар ва қишлоқ мактабларида билим бериш сифатида айтарли даражада фарқ сезилди. Мактаб тизимидағи оғир инқироз, айниқса XX асрнинг 80-йилларининг иккинчи ярмида бошланди.



1. Кенгаш ҳокимиятининг дастлабки ўн йиллигига Ўрта Осиёning бошқа республикаларида мактаб ишининг аҳволи қандай эди?
2. «Янги лотин алифбосига кўчиши: самарали ва самарасиз томонлари» номли мавзуда фикр-мулоҳаза ўтказинг.
3. Таълим даражаси давлатнинг ижтимоий-сиёсий ривожланишининг суръати билан боғлиқми?



Қизил ўтов – Кенгаш ҳукуматининг дастлабки йилларидағи қиз-келинчакларнинг саводини чиқариш учун ташкиллаштирилган кийгиз уй.

Ишчи факультети (рабфак) – ҚСРИ-да 1919–1930 йилларда катталарга атаб очилиб, умумий таълим берган ўқув маскани.

Техникум – техник касб-хунар таълимини берадиган ўрта даражали маҳсус ўқув даргоҳи.



Асфендияров Санжар (1889–1938) – давлат ва жамоат арбоби, тиббиёт соҳасининг тажрибали мутахассиси, таниқли тарихчи, олим. 1935 йилда «Қозогистоннинг ўтмиши маълумотлар ва ҳужжатларда» номли китоби чоп этилди.

Ермеков Алимхан (1891–1970) – жамоат арбоби, «Алаш» партияси ва Алашурда ҳаракати раҳбарларининг бири, математик, устоз, олим. «Буюк математика курси», «Қозоқ тилининг математика терминлари» (1935) номли китобларнинг муаллифи.

Ижодий топшириқлар.

1-топшириқ. Қенгаш таълим тизимининг ютуқлари ва камчиликларини кўрсатиб, хулоса чиқаринг.

Қенгаш таълими	
Ютуқлари	Камчиликлари
Хулоса:	

2-топшириқ. Берилган қалит сўзлардан фойдаланиб, Қенгаш таълими тизимининг ривожланишига оид фикрингизни билдиринг.

«Саводсизликни тугатиш», «Қизил ўтов», «муаллимлар институти», «мактабдаги билим бериш», «ўрта маҳсус таълим», «олий билим юртлари».



1940 йил, 6–8 февраль

Қозоқ КСР-и Ҳалқ таълими комиссариати коллегиясининг қозоқ алифбосини киритишин тузатиш чора-тадбирлари тўғрисидаги мажлисининг протоколидан.

3. Тингланди: Янги алифбони киритишин тезлатиш чоралари ҳақида. Қарор: раҳбарият (директива) маҳкамаларининг янги алифбога кўчишни тезлаштириш ва араб ёзувидан барча давлат ва ижтимоий соҳаларда қутилиш тўғрисидаги буйруғига суюнган ҳолда, Қозогистоннинг 10 йиллигига XTK-нинг коллегияси буйиради:

1. XTK-нинг барча бўлимлари ва маҳкамаларида ривожлантиришни кучайтириб, таълим-тарбия, сиёсий маърифат, илмий, кутубхона, нашриёт ва идора ишларининг барча соҳалари Қозогистоннинг 10 йиллигига қадар 100% янги алифбога кўчирилсин.

Раис Мамаев. Котиб Соболев.

*Қозогистондаги маданий қурилиш (1918–1932 йй.)
Хужжатлар ва маълумотлар тўплами. Т. 1. Алмати, – 1965. 75-б.*



1. Коллегия қарорининг араб алифбосига бўлган кўзқараши қандай бўлди?

Үқиши мақсади:

- ✓ Қозоғистонда илм-фаннынг ривожланишида Қозоқ КСР Фанлар академиясининг ролини аниқлаш;
- ✓ Қенгаш давридаги илм-фаннынг ривожланишига Қозоғистоннинг машхур олимларининг құшган ҳиссасини тақлил қилиш;
- ✓ Қенгаш сиёсий тизими шароитида Қозоғистон илм-фаниннинг ривожланишидаги қиынчыликлар ва зиддиятларга баҳо берип.

Таянч сўзлар:

Ўзбекча	Қозоқча	Русча	Инглизча
Академия	Академия	Академия	Academy
Қаниш Сатбаев	Қаныш Сәтбаев	Қаныш Сатпаев	Kanysh Satpayev
ИТИ	FZI	НИИ	SRI (scientific research institute)

Мавзуга ўтиш:

1. Бу илмий марказ давлатимизнинг қайси шахрида жойлашган?
2. Унинг Қозоғистон илм-фаниннинг ривожланишидаги роли қандай?



1. Қозоқ КСР Фанлар академисининг қурилишининг шартшароитлари. 1920 йил Оренбург шаҳрида дастлабки илмий маҳкама Қозоғистоннинг тадқиқ этиши жамияти қурилди. 1932 йилда Қозоғистонда КСРИ Фанлар академиясининг кичик илмий базаси очилди. 1938 йилда база бир нечта секторлари бор КСРИ Фан академиясининг қозоқ бўлимчаси бўлиб қайта қурилди.

XX асрнинг 20-йилларининг ўртасидан бошлаб республикада КСРИ ФА ташкиллаштирган бир қатор доимий ва мавсумий илмий



Академик Қ.И. Сатбаев,
Н.Д. Онгдасинов ва
қозоғистонлик олимлар

ташкилотлар фаолият юрита бошлади. Академиклар А.Е. Ферсман, А.Н. Самойлович, А.А. Григорьевлар раҳбарлик қилган экспедициялар ўлкада илмий тадқиқотлар олиб борди. Улар фойдали кон ўринлари, ўсимликлар ва ҳаёвонотлар дунёси билан бир қаторда қозоқ халқининг тарихи ва этнографияси ҳақида ноёб китоблар ёзди. 1941 йилда КСРИ ФА-нинг қозоқ бўлимчасида 100 илмий ходим меҳнат қилди, унинг учтаси фанлар доктори, 14 таси фанлар кандидати эди. Аталган олимлар республиканинг 11 та илмий-техникув маҳкамалари ва амалиёт бўлимларида меҳнат қилди. Картиграфлар ва геодезистлар Қозоғистон худудининг 90% га яқинини харитага туширди. Геологлар янги кон кўзларини очишиди. Катта илмий изланишларнинг жараёнида республика хром ва ваннадий заҳираси бўйича дунёда 1-ўринни эгаллади. Мол чорвачилиги ҳам тараққий этиб, қўй ва эчкининг янги турлари чиқарилди.

Уруш йилларида бўлимчада кўчиб келган КСРИ нинг таниқли олимлари И.П. Бардин, А.А. Скочинский, Л.Д. Шевяков, В.Обручев, Д.И. Прянишников, Н.В. Цицин, А.Н. Панкратова, Н.М. Дружинин, И.И. Мещаниновлар хизмат қилди. 1943 йил Алматида «Кўҳна замондан бугунги кунгача бўлган Қозоқ КСР тарихи» деб номланадиган китоб чоп этилди. Нашрнинг тайёрланишига академик А.Панкратова ва бошқа олимлар ҳам иштирок этди.

Ёдингизга туширинг!
Ўзга миллат олимлари Қозоғистон илмфанинг ривожланишига қандай ҳисса қўшди?

2. Қозоғистон Фанлар Академияси қурилишидаги Қ.И. Сатбаевнинг роли. Қозоғистон Фанлар академиясининг ташкиллаштирилишига Қ.И. Сатбаев ката ҳисса қўшди. У 1941 йилда Алмати шаҳрида Қозоғистон Фанлар академиясини ташкиллаштиришни қўлга олди. 1942 йилда КСРИ Фанлар академиясининг Қозоқ бўлимчасининг президиум раиси бўлиб тайинланди. Бу республикамизда мустақил Фанлар академиясини очишга ўз таъсирини кўрсатди. У Москва билан хат алмасиб, келишувлар олиб борди. Олим КСРИ нинг Европа қисмидан вақтинча кўчирилган олимакадемикларни тўплади. Келажакдаги Фанлар академиясига бино излаштириди. Республиkaning таниқли олимларининг ижтимоий турмуш масалаларини яхшилашга ёрдам берди. Ўзи жонкуярлик кўрсатиб, кўплаб ёш олимларни докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга чақирди.

Фанлар академияси – ҳар қандай давлатнинг ривожланишининг кўрсаткичи. Олимнинг бу соҳада қилган меҳнати чексиз. 1941 йилда КСРИ ҳукуматининг қарори билан Россия ва КСРИ Фанлар академиясининг олимлари Қозоғистон ҳудудига жойлаштирилди. Қ.Сатбаев Кенгаш олимларини жалб қилиб, республиkaning бой табиий бойликларини ўрганишга куч сарфлади. 1940 йил биргини геология институти очилса, 1944 йилда КСРИ Фанлар академиясининг қозоқ бўлимчасида 6 институт ва 4 сектор ишлаб турди. 576 ходим, унин ичida 2 академик, 4 КСРИ ФА нинг корреспондент-аъзоси, 27 фанлар доктори хизмат қилди. Уруш йилларида илмий ходимлар таркиби уч марта ортди. Урушдан кейин тоғ-кон, химия, металлургия, тупроқшунослик институтлари очилди. 1944 йил З январда Қ.Сатбаев республика раҳбариятига бир марказдан келишилган Фанлар академиясини очиш кераклигини айтиб, қозоғистоник илмнинг ривожланиши ҳақида хат йўллайди. 1944 йилнинг охирида у ҳукумат топшириғи бўйича ҚозКСР Фанлар академиясини очишга киришади. ҚозКСР Фанлар академиясини қуриш бўйича Ҳукумат комиссияси курилади. Унинг таркибига КСРИ ФА нинг 11 та академиги ва президенти С.И. Вавилов киради. Қозоқ КСР-и Фанлар академиясининг қурилишига оид ташкиллаштириш ишларига шу вақтдаги Қозоқ КСР-и Вазирлар Кенгашининг раиси Н.Онгдасинов раҳбарлик қилди.

3. Фанлар академиясининг қурилиши. Узоқ тайёргарлик ишларидан кейин 1946 йил 1 июнда Қозоқ КСР Фанлар академияси

очилди. Илм даргоҳи дастлабкида ҳозирги микробиология институтининг икки қаватли биносида жойлашди. Фанлар академиясининг таркибида 18 ИТИ, 8 сектор, 7 амалиёт станцияси, 3 ботаника боғи бўлди. Ходимларнинг сони 1400 одам, унинг ичидаги 57 фанлар доктори, 184 фан номзодлари бўлди. Қ.Сатбаев бошчилигига 11 янги илмий-текшириш институтлари қурилди.

Кўп вақт ўтмай Қозоғистон Фанлар академияси илмий тадқиқотлар сони ва даражаси бўйича бутуниттифоқ ва Украина академиясидан кейинги учинчи ўринга чиқди. Фанлар доктори ва фан номзодларининг сони ортди.

КСРИ-нинг иттифоқдош республикалар билан илмий муносабатлари мустаҳкамланиб борди. Саноат ўринларида фаннинг сўнгги ютуқлари кенг равишда киритилди. Фанни молиялаштириш ҳажми ортиб борди. Бу ҳақида академик Қ.Сатбаев: «КСРИ ФА-нинг қозоғистонлик базасини ташкилаштириш арафасида унинг молиявий заҳираси бир нечта мингнигина ташкил қиласа, 1946 йилда Қозоғистон Фанлар академиясининг бюджети 45 млн. сўмдан ошиб кетди». Йил сайин илмий текширувлар ва олимларнинг маошига бўлинадиган молия заҳираси ўсиб борди.

Янги академиянинг биносининг лойиҳасини тайёрлашда Қ.Сатбаев ўзи аралашиб, ташаббус кўтарди. 1951 йилда ҳозирги Шевченко кўчаси бўйида қурилиш ишлари бошланди. Биринчи пойдеворини Фанлар академияси президентининг ўзи солди. Бинотаникли архитектор Алексей Щусевнинг лойиҳаси бўйича солиниб, 1957 йилда қурилиш якунланди. Келгуси йилда олимлар янги бинога жойлашиб, илмий тадқиқотларни юргизишга киришди. Д.А. Қонаев Қозоғистон Фанлар академиясининг президентлиги даврида илм-фаннынг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

4. XX асрнинг 50–80-йилларида Қозоғистонда илм ва фаннинг ривожланиши. XX асрнинг 50–80 йилларида республикада қозоғистонлик ва марказга бўйсинадиган илмий маҳкамалар фаoliyat юргизди. Марказга буйсинадиган маҳкамалар тўғридан-тўғри КСРИ хавфсизлик ведомствосига қаради.

Қозоғистон олимлари геология, химия, география, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда бир қатор ютуқларга



Д.А. Қонаев

эришди. Масалан, 1956 йилда Қ.И. Сатбаев раҳбарлигига геолог олимлар Марказий Қозоғистоннинг бўлжамли-металлогенли харитасини тузди. XX асрнинг 60–80 йилларида нефть кон ўринлари кенг равишда ўрганила бошланди. Қозоғистонлик олимлар Гарбий ҳудуддаги нефть ва газ кон ўринларини тадқиқ этишга киришиб, бир қатор илмий ишлар чоп эттирди. Республика олимларининг илмий изланишларининг натижасида 1960 йилларда жуда катта сув қурилиши Иртиш-Қарағанда канали солинди. Буғдойнинг янги навлари чиқарилди.

Ижтимоий фанлар соҳасида тадқиқот доираси кенгайтирилиб, олимлар катта ютуқларга эришди. 1945 йил Қозоқ ҚСР Вазирлар Кенгашининг Ёрлиги билан республика Фанлар академиясининг бўлимчаси таркибида Тарих, археология ва этнография институти қурилди. Институтга 1961 йил Ш.Валиханов номи берилди. Институтда А.Марғулан, Е.Бекмаханов, А.Нусипбеков, Б.Сулейменов, Г.Дахшлайгер, Х.Арғинбаев ва бошқа истеъдодли олимлар меҳнат қилди. Мана шу илмий маҳкамадан юртимизнинг тарихи, этнографияси ва маданиятига оид катта-катта нашрлар чоп этилди.



Қозоғистон Республикасининг
Фанлар академияси,
Алмати шаҳри

1957–1959 йилларда «ҚозКСР тарихининг» икки томи нашрдан чиқди. Маърифатпарвар олимлар Ш.Валиханов, И.Алтінсарин асарларини түплаб, чоп эттириш қўлга олина бошланди. 1958 йилда Қозоқ КСР Фанлар академиясининг Философия ва Ҳуқуқ институти, 1961 йилда Тил билими, адабиёт ва санъат институтлари очилди. XX асрнинг 50-йилларининг охиригача Қозоқ КСР Фанлар академиясининг таркибида 50 илмий-амалиёт маҳкамаси хизмат қилди, 500 га яқин аспирант таҳсил олди. 1985 йил республикада 40 мингдан ортиқ илмий ходим бўлди.

1940 йилларнинг охири – 1950 йилларнинг бошида сиёсий қувғин-сургуннинг янги тўлқини бошланиб, таълим мағкуравий босимни қаттиқ сезинди. Машҳур тарихчилар: Е.Бекмаханов, А.Марғулан, Б.Сулейменов, Е.Дилмухамедов ва бошқа олимларга миллатчилик айби қўйилди. Улар қозогистоннинг Россия империяси таркибига кириши, миллий-озодлик ҳаракатлар ва яна бошқа масалалар атрофида услугубий катта хатоларга йўл қўйди деб айбланди. Қ.И. Сатбаев ҳам сиёсий сургунга учради. М.Авезов Москвага кетишга мажбур бўлди. Қ.Сатбаев Фанлар академиясидан қувилиб, «Едиге ботир» жирига муқаддима ёзгани учун миллатчи деб айбланди. Ходимлар масаласида тўғри қарор қабул қилмади деб айбланди. Партия қаторига қабул қилинган вақтда келиб чиқиши тарихини (бий оиласидан чиққан) яширди деган айб ҳам қўйилди. Қ.Сатбаев хизматидан олинди. Е.Бекмаханов Қенесари Қосимўғли қўзғалонини насиҳатлагани, «буржуазиячил-миллатчил қўзқарashi» учун айбланиб, 25 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.



1. Қозоқ КСР Фанлар академиясининг қурилишига қандай шарт-шароитлар таъсир кўрсатди.
2. Қозоқ КСР Фанлар академияси илм-фанинг ривожланишига қандай ҳисса қўшди?
3. Қозогистон илм-фанининг ривожланишида тўсқинликлар бўлдими?

Ёдингизга туширинг!
Қ.Сатбаевдан ташқари яна қандай қозоқ олимлари қувғинга учради?



А.Х. Марғулан



Е. Бекмаханов



Академия – 1. Тадқиқот ишлари билан шуғулланадиган энг олий илмий маңқама. 2. Билимнинг маҳсус бир соҳаси билан боғлиқ бўлган олий даражали ўқув ўрни.

ИТИ – илмий текшириш институти.



Нуртас Онгдасинов (1904–1989) – давлат ва жамоат арбоби. У маҳаллий миллат ходимларини тайёрлашга катта ҳисса қўшди. Қозоқ КСР-и Фанлар академияси биносини қурдиришга керакли ҳаражатни топишга ёрдам берган. КСРИ ФА-нинг президенти В.Л. Комаров билан учрашувида Қаниш Сатбаевни «Қозоқ КСР-и Фанлар академиясининг келажакдаги президенти», – деб таништирган. Н.Онгдасинов юқори лавозимларда юриб, ижод билан ҳам шуғулланди. Арабча-қозоқча, форсча-қозоқча тушунтирма луғатлар ёзган.

Қаниш Сатбаев (1899–1964) – геолог-олим, минерология фанларининг доктори, префессор, академик. Қозоқ КСР Фанлар академиясини ташкиллаштирувчи ва унинг биринчи президенти, Қозоқ КСР академиясининг академиги, Қенгаш Иттифоқи ва Қозогистон металлогения мактабининг асосини солувчи, қозоқдан чиққан биринчи академик.

Ижодий топшириқлар.

1-топшириқ. GREAT формуласи бўйича Қозоқ КСР Фанлар академиясининг қурилишининг тарихий аҳамиятини таҳлил қилинг.

G (Groundbreaking) – аҳамиятли/ юз буриш	
R (Remembered) – ёдда қоладиган	
E (Events) – муҳим воқеа	
A (Affected) – келажакка таъсири	
T (Terrifying) – учраган қийинчиликлар	

2-топшириқ. «Қозоқ КСР Фанлар академиясининг қурилишидаги Қ.И. Сатбаевнинг роли» мавзусида 100–120 сўздан иборат бўлган ўз фикр-мулоҳа зангизни ёзинг.

3-топшириқ. 2 гурӯхга бўлинib, «Қенгаш Қозогистонида илм ва фаннинг ривожланишидаги қийинчиликлар ва зиддиятлар» мавзусида фикр-мулоҳаза юргизинг.



**Қозоқ КСР Олий Кенгаши Президиуми,
Вазирлар Кенгаши ва Қозғистон КП(б)МК-нинг
«Қозоқ КСР Фанлар академиясини қуриш тұғрисида»ги қарори**

Алмати шаҳри

1946 йил 1 июнь

Қозғистондаги илмий маҳкамаларнинг самарали ривожланиши, Кенгаш йилларида илмий ходимларнинг ортиб бориши ва беш йиллик режага оид илмий-тадқиқот ишлари соҳасида янги вазифалар КСРИ Фанлар академиясининг Қозоқ бўлимчасини олдинги қаторли илмий ўй маркази ва илмий ходимларни тарбиялаш мактаби сифатида Қозоқ КСР Фанлар академиясига қайта ташкиллаштириш масаласини кун тартибига қуиди. КСРИ ХҚҚ-нинг 1945 й. 26 октябрдаги қарорига кўра Қозоқ КСР Олий Кенгашининг Президиуми, Вазирлар Кенгаши ва Қозғистон КП (б) МК қарор қиласди:

1. Фаолият юргизиб турган КСРИ Фанлар академиясининг бўлимчаси сифатида Қозоқ КСР Фанлар академиясини қуриш;

2. Қозоқ КСР Фанлар академиясининг қурилган куни деб 1946 йил 1 июнни тасдиқлаш;

3. Қозоқ КСР Фанлар академияси Президиумининг доимий жойлашадиган жойи сифатида Алмати шаҳрини белгилаш;

4. Қозоқ КСР Олий Мажлисининг Президиуми, Вазирлар Кенгаши ва Қозғистон КП (б) МК барча партия, кенгашшик, чорвачилик ва ижтимоий ташкилотларни Қозоқ КСР Фанлар академиясига, унинг ижодий ишларига ҳар томонлама ёрдам беришга чақиради.

Қозоқ КСР Олий Мажлисининг Президиуми, Вазирлар Кенгаши ва Қозғистон КП (б) МК илмий ўйнинг ягона марказига бирлашган республика олимларининг Қозғистондаги фан ва маданиятнинг янада ривожланишига ўз кучлари ва билимларини аямайдиганларига ... комил ишонч билдиради.

Қозоқ КСР Олий Мажлисининг Президиуми раиси А. Қазақбаев

Қозоқ КСР Вазирлар Кенгашининг раиси Н. Оңгасинов

Қозғистон КП (б) МК котиби Ж. Шаяхметов

ҚР ПА. 708-қор. 10-т. 72-иши. 6-9 нн. Асл нусха.

- [?] 1. Маълумотни ўқиб чиқиб, 1946 йилгача бўлган КСРИ Фанлар академиясининг Қозоқ бўлимчасига қандай баҳо беришга бўлади?**
- 2. Қозоқ КСР Фанлар академиясини Алмати шаҳрида очишнинг сабаби нимада деб ўйлайсизлар?**

Ўн биринчи боб
БУГУНГИ КУНДАГИ ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ИЛМ
ВА ФАН ТИЗИМИ

49–50-§

**Қозғистон Республикасида илм ва фаннинг
ривожланиш масалалари ва келажаги**

Ўқиши мақсади:

- ✓ Қозғистон Республикасининг стратегиялари ва дастурларини тадқиқ этиш асосида илм ва фан тизимини янгилашнинг шарт-шароитлари ва аҳамиятини таҳлил қилиш;
- ✓ жаҳон илм ва фан тизимиға кириш учун инновацион илмий ва таълим муассасаларини қуришнинг аҳамиятига баҳо бериш;
- ✓ Қозғистон Республикаси «Болашақ» халқаро билим бериш дастурининг элни модернизациялашдаги аҳамиятини таҳлил қилиш.

Таяинч сўзлар:

Ўзбекча	Қозғча	Русча	Инглизча
Дуалл таълим	Дуальды оқыту	Дуальное обучение	Dual training
Стипендиат	Стипендиат	Стипендиат	Scholarship holder

Мавзуга ўтиш:

«Қандай давлат бўлмасин, ўсиб-ўлгайиши, жаҳондда ўзини ўрнини эгаллаши шу давлатнинг билимига, билим сифатининг аҳволига боғлиқ».

Н.А. Назарбаев

Муаллифнинг фикрига оид ўз фикрингизни билдиринг.

1. Мактабгача бўлган таълим соҳасини ривожлантиришининг асосий ютуқлари, масалалари ва келажаги. Қозғистонда таълим соҳасини, унинг ичидаги мактабгача бўлган таълим соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш ва қўлланиш вазифаси олга қўйилган. Интелектуал, билимли, кўзи очиқ ва юқори маданиятли халқнинггина келажаги самарали бўлади.

Болабоғчадаги тарбия – әлимизнинг ёрқин келажагининг кафолати. Мактабгача бўлган таълим ва доимий машғулотлар тизими-нинг дастлабки даражаси сифатида бола шахсининг шаклланиши ва ривожланиши учун шароит яратади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мактабгача таълим муассасаларининг сони камайди. Бола туғиши кўрсаткичи камайди. Мактабгача бўлган муассасалар хусусийлаштирилди. 1999 йилда мактабгача бўлган таълим муассасаларининг сони 80% га қисқарди. 1991 йилда 8,74 муассаса бўлса, 1999 йилда 1,15 мингга камайди. Кейинги йилларда мактабгача бўлган таълим тизими ўз ҳолатига кела бошлади.

2010 йилда барча мактаб ёшигача бўлган болажонларни болабоғча билан таъминлаш учун «Балапан» маҳсус давлат дастури қабул қилинди. Дастур доирасида дастлабки йили 4 мингга яқин болабоғча ва кичик марказлар ўз фаолиятини бошлади. Давлат раҳбарияти 2020 йилгача 3–6 ёшдаги болаларни мактабгача бўлган таълим билан 100% таъминлашни топшириди.

2. Умумий ўрта билим берадиган мактабларнинг аҳволи. Мустақиллик йилларида Қозоғистон ўрта билим бериш бўйича жаҳонда етакчи ўринга чиқди. Умумий ўрта билим берадиган мактабларда дарслик билан таъминлаш ва компютерлаштириш масаласи ҳал қилинди. 1998 йилда «Дарин» республика илмий-амалиёт маркази қурилди. Марказ қобилиятли болаларни аниқлашда ва қўллаб-кувватлашда муҳим рол бажарди. Қозоғистон бўйича шахсий мактаблар очила бошлади.

Таълим вазирлиги элемизда 12 йиллик билим бериш тизимиға кўчишни қўлга олди. Қўп тилда билим бериш дастурлари ишга қўшилди. Билимнинг янгилangan мазмунининг стандартлари кири-тилди. 2008 йилдан бошлаб «Назарбаев Интелектуал мактаблари» (НИМ) лойиҳаси амалга оширилди. НИМ-да билим бериш халқаро дастур бўйича юргизилади. Улар билан рақобатдош бўла оладиган қозоқ-турк лицейлари (ҚТЛ) ҳам фаолият юргизади. 2016 йилдан бошлаб ҚТЛ номи «Билим инновация лицейи» деб ўзгартирилди.

2003–2004 ўқув йилида мактаб битирувчилари учун Ягона миллий тест топшириш жорий қилинди. Бу давлатимизнинг ёшлари учун олий билимнинг мавжудлигидаги ошкораликни таъминлашнинг бошланиши бўлди. 2018 йилгача бўлган мактаб битирувчилар

Изланинг!

Кўшимча маълумотлардан
кўшни давлатларнинг мактабгача бўлган таълим тизими билан танишинг.

Үйлаб күринг!

Таълим соҳасини жаҳон стандартларига мослаштириш қанчалик зарур?

рига ЯМТ мактаб аттестатини олишга ва олий билим юртига ўқишига тушишга яроқли бўлди. Бугунги кунда ЯМТ топшириш қоидасига бироз ўзгаришлар киритилиб, янги форматда ўтадиган бўлди.

1980 йиллари қозоқ тилида ўқитадиган мактаблар сони камайса, мустақиллик йиллари ўқувчиларнинг тўртдан уч қисми давлат тилида билим олади. 2025 йилга қадар уч сменали мактаблар тўлиқ йўл қилиниб, қишлоқ жойларни интернатлар билан тўлиқ таъминлаш амалга оширилади.

3. «Интелектуал мактаблар» (НИМ). XXI асрнинг бошида Қозоғистоннинг тез ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлаш олий техник ва бошқариш ваколати бор касбий мутахассислар тайёрлаш эҳтиёжини туғдирди. Республикада болаларнинг қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантиришга имкониятлар яратиш учун мутахассислаштирилган таълим маҳкамаларининг тармоғини кенгайтириш амалга оширилди. 2008 йилда истеъоддли болалар учун «Интелектуал мактаблар» лойиҳаси ишга кўшилди. 2011 йил 19 январда «Назарбаев Интелектуал мактаблари» тўғрисида ҚР нинг қонуни қабул қилинди.

Назарбаев Интелектуал мактабларининг асосий мақсади – ўрта таълимнинг қозоғистонлик етук дастурлари ва халқаро етук таж-



Химия-биология йўналишидаги Назарбаев Интелектуал мактаби (Алмати шаҳри)

рибаларни ҳисобга ола ўтириб, кўп тиллик тизимни киритиши орқали миллатнинг интелектуал қобилиятини ривожлантиришига таъсир кўрсатиш. Билим беришда инглиз тилига эътибор берилди.

Ўқишига кириш учун номзодлар махсус тест топшириб, «Ўркен» таълим грантига эга бўлади. Мактабнинг иккита асосий йўналиши бор – физика-математика ва химия-биология йўналишлари. 10 ва 12-синф ўқувчилари Кембридж стандартларига асосланган халқаро имтиҳон топширади. Яқуний аттестациядан муваффақиятли ўтган ўқувчилар 12-синфни битирганидан кейин умумий ўрта билим ҳақида аттестат, ЯМТ, IELTS, TOEFL, SAT I, SAT II сертификатларини ва ўқувчиларнинг танлови бўйича бошқада сертификатлар олади.

Мактабнинг асосий хусусияти бўлиб уч тилда таълим бериш ва дарсдан ташқари хизматни мустақил ўзи юргизиш бўлиб ҳисобланади. Уч тилда билим олиш давомида ўқувчилар мослашувчанлик, танқидий ва ижодкорлик ўйлаш кўнималарини ривожлантиради.

Уч тилда билим бериш моделини шакллантириш учун қўйидаги шароитлар яратилган: инглиз тилидаги муҳитни яратиш учун чет давлатларнинг олий тоифали мутахассислари жалб қилинган; дарслеклар ва билим бериш ускуналари ҳозирланган; уч тилни қўлланиб дарсдан ташқари чора-тадбирлар ўтказиш учун имкониятлар яратилган; жаҳон тилларидағи дарслеклар билан жиҳозланган замонавий кутубхоналари мавжуд; ўқучилар учун мактаб ошхоналарида сифатли ва бепул овқат ташкиллаштирилган. Интелектуал мактабларга дунёнинг энг яхши ўқитувчилари чақирилган. Кучли инфратузилмаси шаклланган. Интелектуал мактабларга рақобатбардош танлов натижаси асосида истеъоддли болалар қабул қилинади.

Қозогистоннинг барча вилоят марказлари ва республиканинг муҳим аҳамиятга эга шаҳарларида Интелектуал мактаблар тармоғи фаолият юргизади. Мактаб битирувчиларининг Назарбаев Университетида, Қозогистоннинг ва чет элларнинг энг яхши олий ўқув юртларида таҳсил олишга имконияти бор.

4. Ўрта махсус билимни такомиллаштириш. Сўнгги йилларда бир нечта жаҳон иқтисодий инқирозларининг тажрибаси кўрсатганидек, хом ашёга асосланган иқтисодиёт жуда ҳимоясиз ва жаҳон нархига тобе бўлади. Шунинг учун иқтисодиётнинг ривож-

Ўйлаб кўринг!

Уч тилда билиш бериш тизимининг ортиқчиликлари қандай?

Үйлаб кўринг!

Ўзингиз истеъкомат қиласидиган ўлкада қандай техник ва касб-хунар таълим берадиган ўкув даргоҳлари бор?

ланиш келажаги техник ва профессионал мутахассислар тайёрлашни талаб этади.

Бунинг барчаси Қозогистонда касб-хунар таълими маҳкамалари ва иш берувчиларнинг шериклик сифатида бирлашиб таълим беришга йўналтирилган дуаль таълим тизимини киритишга олиб келди. Унинг ўзгачалиги касб-хунар

таълими жараёнининг 80%-и асосий иш ўрнида ўтади. Ҳозирги кунда 350 коллежда *дуаль таълим* тизими киритилмоқда. 2015 йилда Германия, Канада, Австралия, Сингапур ва бошқа давлатлар билан биргалашиб ўқув марказларини очиш орқали ТКХТ тизимини такомиллаштириш вазифаси қўйилди. 2017 йилдан бошлаб «Барча учун бепул касб-хунар таълими» лойиҳаси амалга оширилиб келмоқда.

5. Олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим. Мустақилликнинг дастлабки йилларида давлатимиздаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимига ҳам таъсир кўрсатди. Қозогистондаги олий билим юртлари сезиларли даражада таркибий ўзгаришларга учради.

Олий билим юртларида илмий-педагогик хизмат билан шуғулланадиган ходимлар чет элларга кета бошлади. Дарсликлар, айниқса қозоқ тилидаги ўқув қуроллари етишмади. Префессор ўқитувчилар таркибининг маоши камайди. Хусусий олий билим юртларининг қурилиши бу масалаларни ҳал қилмади.

Мустақиллик олгандан кейин қийинчиликларга қарамасдан, ўмумий ўрта мактабнинг ривожланиш дастури етарли ва самарали равишда амалга оширилиб келди. Олий ўқув юртларининг таълим дастурлари, ўқув режалари ва таълим услублари жаҳон стандартига мослаштирилди. Билим олувчилар ва профессор ўқитувчилар таркибининг академик даражаси ортиб кетди.

Замонавий ахборот ва телекоммуникация технологияларини фойдаланиш орқали масофавий таълим тури кенг тарқалди. Қозогистон Республикасининг таълим соҳасида «Билим тўғрисида», «Фан тўғрисида», шу билан бирга давлат дастурлари, атаб айтганда, «Қозогистон Республикасида таълимни ривожлантиришнинг 2011–2020 йилларга аталган давлат дастури», «Интелектуал миллат–2020» қозогистонлик лойиҳаси қабул қилинди.

2010 йил Қозогистон Болон декларациясига қўшилиб, ички таълим тизимини халқаро стандартларга яқинлаштириш имкониятига эга бўлди.



Л. Гумилев номидаги
Евросиё Миллий
университети

Бизнинг күз ўнгимизда Пойтахтимиз Ўрта Осиёнинггина эмас бутун МДҲ нинг энг йирик илмий, таълим ва маданий марказига айланди. 1996 йилда ҚР Түнгич Президентининг раҳбарлигига Евросиё Миллий университети қурилди.

1991 йилда Ҳўжа Аҳмад Яссавий номидаги Халқаро қозоқтурк университети (ҲҚТУ) очилди. Бу ўқув ўрни турк халқлари ва давлатлари билан муносабатларни ривожлантиришда алоҳида эътибор бериладиган давлат университети бўлиб ҳисобланади. Туркистон шахри қадимдан стратегик муҳим шаҳарларнинг бири, Қозоқ хонлигининг пойтахти бўлиб ҳисобланган. ҲҚТУ – халқаро ва мустақил мартабага эга Қозогистон ва Туркия Республикаларининг ўртоқ давлат университети.

2001 йилда Қозоқ-Британ техник университети (ҚБТУ) очилди. Университет халқаро илмий даражадаги илмий-техник мутахассислар тайёрлайдиган республиканинг етакчи ўқув ўринларининг бири. 2010 йилда ҚБТУ давлатимизнинг энг яхши олий ўқув ўрни деб танилди.

Ҳарбий билим юртларининг тармоғи қурилди: Миллий Хавфсизлик университети, Радиоэлектроника ва алоқа ҳарбий-инженерлик институти, Ҳаво мудофаа кучларининг ҳарбий институти. Олий билим юртларида ҳарбий кафедралар очилиб, Хавфсизлик вазирлигининг ёнидан кадет корпуси қурилди.



Хўжа Аҳмад
Яссавий номидаги
Халқаро қозоқ-
турк университети

Қозогистонда турк оламининг ўртоқ маданий қадриятларини ўрганиш ва туркий тилдош давлатлар орасидаги илмий-гуманитар интеграцияни ривожлантириш асосий йўналиши бўлиб ҳисобланадиган Халқаро Туркий Академияси очилди. Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик комитети ёнидан олий билим юртларининг тармоғи қурилди. Уларнинг барчаси миллий интелектуал даражасини орттириш ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Ёдингизга туширинг!

Кенгаш даврида Қозогистонда очилган қандай ўқув даргоҳларини билансизлар?

2005 йил «Олий билим юртларининг энг яхши ўқитувчиси» мусобақаси киритилди. Мусобақа ғолиби берилган грантни илмий тадқиқотлар юргизишга, чет элларда малака орттиришга сарфлайди. Йил сайин олий билим юртларининг «Энг яхши ўқитувчи» номига эга бўлган ғолибларига 200 грант бўлинди. Ҳозирги кунда Қозогистонда юздан ортиқ ўқув маскани фаолият юргизади.

6. Президентнинг «Болашақ» дастури. 1993 йил Қозогистон Республикаси Тўнғич Президенти «Болашақ» халқаро стипендиясини тайинлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Посткенгаш давридаги давлатлар тарихида биринчи маротаба истеъододли ёшларга тўлиқ давлат ҳисобидан чет элларда сифатли билим олишга имкониятлар яратилди. Дастур битирувчилари ишга мусобақа тартибидан ташқари қабул қилинади.

ҚР «Билим тұғрисида» ги қонунига оид, «Болашақ» халқаро стипендияси – Қозогистон Республикасининг қонунида белгиланған тартибда фуқароларни чет элларнинг етакчи олий билим юртларига күн-дүзги үқиши тартиби бүйича ёки чет элларда мутахассислар тайёрлаш тұғрисидаги республика комиссияси томонидан белгиланадиган мутахассисларнинг чет эл ташкилотларида малака орттириши учун Қозогистон Республикаси Президенти тайинлайдиган стипендия.



2014 йил Майамида (АҚШ) Going Global VIII халқаро конференциясида «Болашақ» дастури әнг яхши *стипендия дастури* деб топилди. 2019 йилга қадар «Болашақ» дастури бүйича 13 минг ёшлар таълим олди. «Болашақ» халқаро стипендияси пофона бүйича самарали ўсишнинг, битирувчиларнинг билимли мутахассис бўлиб чиқишлигининг кафолатига айланди. Дастур битирувчилари бугунги кунда давлат хизматида, компанияларда, хусусий секторларда, халқаро ва нодавлат ташкилотларда самарали фаолият юргизмоқда. Қозогистон Республикасининг ҳукумати 2005 йил 4 апрелдаги №301 қарори билан «Халқаро дастурлар маркази» акциядорлик жамиятини қурди. Стипендиатларга ўз элига қайтганидан кейин беш йил ишлаш вазифасини тасдиқлаган шартли база тайёрланди.

2011 йилдан бошлаб «Болашақ» дастури чет элларга «бакалавриат» бүйича студентлар юборишни тұхтатиб, таълим магистратура ва докторантура дастурлари бүйичагина юргизлади. Мутахассисларни тайёрлайдиган дастурга мақсадли танлаш услуги киритилди. Иш берувчиларнинг аниқ буюртмаси бүйича мутахассислар тайёрлашни ва иш берувчи, стипендиат, раҳбарият («Халқаро дастурлар маркази») уч томонлама шартнома тузишни күзлайдиган дастурли мақсадли асос киритилди.

2012 йилда илмий, педагогик, тиббий, инженер- техник мутахассисларни 1 ойдан 12 ойгача чет элларда малака оширишга юбориш учун дастурлар тайёрланди.

2014–2015 йилларда чет тили ва қозоқ тилларини билиш талаби кучайтирилди. Инглиз тилини Қозогистонда ўқитишини күзлаган «6+6» тил соҳаси бүйича тайёрлашнинг янги модели

Үйлаб күринг!

«Болашақ» халқаро дастурининг қандай ортиқчиликлари мавжуд?

ишга қўшилди. «Болашақ» стипендиатларининг баъзилари инглиз тилида таълим олди. Сабаби инглиз тили орқали дунёнинг кўплаб давлатлари билан тўғридан-тўғри муносабат ўрнатишга етук билимли, янги технологияларни ўзлаштиришга бўлади. «Болашақ» стипендиатлари давлатдан ташқарида ўқиб, республиканинг 10 та имиджини шакллантиришга сезиларли даражада таъсирини кўрсатмоқда. Бу фоя жамиятнинг миллий, дунёвий зиёлиларини шакллантириди.

Тадқиқот юргизинг

Қўшни давлатларда мана шундай халқаро таълим дастурлари мавжудми?

7. «Назарбаев университети». XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигига Қозоғистон халқаро миқёсдаги етакчи Европа ва Америка намунасидағи олий билим юртини қуришга йўналиш олди. Мана шу мақсадда «Назарбаев университети» қурилди. Элбоши бошчилигига 2010 йилда асос солинган Назарбаев университети жаҳон миқёсидаги тадқиқот университетига айланишни кўзлайдиган давлат ўқув ўрни бўлиб ҳисобланади. 2010 йил сентябрь ойида университет Foundation тайёргарлик дастури бўйича дастлабки студентларини қабул қилди. Элбоши Назарбаев университетининг очилиш маросимида: «Янги университет – давлатимизда олий таълим беришнинг флагмани», – деб атаб ўтди.

Ҳозирги кунда олий билим юрти мустақил таълим стандартлари бўйича фаолият олиб боради. Университет мартабаси томонидан автоном ва академик эркинлик қоидаларинининг доирасида иш олиб борадиган халқаро миқёсдаги олий билим юрти бўлиб ҳисобланади.

Университетнинг барча академик ва илмий-тадқиқот дастурлари дунёнинг энг яхши 30 та олий билим юртларининг етакчи университетлари билан жаҳон стандартларига мос ўқитилади. Префессор ўқитувчилар таркиби ва илмий-тадқиқот ходимлари дунёнинг ҳар томонидан тўплантган. Университетда тажрибали чет эл профессорлари ва чет тилини етук ўзлаштирган, чет эл тажрибасидан ўтган ватанимиз олимлари дарс беради. Дарслар инглиз тилида юргизилади. Билим олувчиларнинг умумий сони 3 мингга яқин. Йил сайин 500 та ёшлар грант соҳиби аталиб, ўқишига тушади. Пулли ўқиши тури ҳам мавжуд. Студентлар ва магистрантларнинг асосий қисми бепул ёки ҳомийлик грантлари асосида таҳсил олади. Билим олувчилар олий стипендия олишга эришиб, замонавий жиҳозланган ётоқхоналарда туради. Ўқишига тушадиганларнинг асосий қисми –



Назарбаев университети, Нур-султон шаҳри

Назарбаев Интелектуал мактабларининг битириувчилари ва республикамизнинг бошқа мактабларининг истеъдодли ёшлари.

Талабга эга мутахассисликлар қаторида, айниқса, «компьютер технологияси», «инженерли механика», «робототехника ва меахатроника», «таълим менеджменти» «биологик фанлар», «электротехника ва электроника», «Қурилиш инженерияси» алоҳида ўрин эгаллади.

Назарбаев университетида учта марказ: Энергетик тадқиқотлар, Ҳаёт ҳақидаги илмлар, Таълим сиёсати марказлари устувор йўналиш сифатида фаолият олиб боради.

2013 йил Назарбаев университети магистратура ва докторантурага қабул қила бошлади. Университетда давлат хизматчилари нинг малакасини ошириш, кичик ва ўрта бизнес раҳбарияти учун тренинглар, шу билан бирга ватанимизнинг олий билим юртларининг ректорлари малакасини ошириш бўйича бир қатор қисқа муддатли дастурлар ишга қўшилган.

Олий ғамхўрлик кенгаши – университетнинг, Интелектуал мактабларнинг ва Жамғарманинг юқори бошқарувчи маҳкамаси бўлиб ҳисобланади. ҚР Ҳукуматининг бош вазири – Ғамхўрлик кенгашининг раиси.

2015 йилда Элбоши Н.А. Назарбаевнинг иштирокида университет студентларининг дастлабки ўқиши тамомлаш маросими

Үйлаб кўринг!

Келажакда Назарбаев университетига ўқишига тушиш учун дўстингизга қандай маслаҳат берар эдингиз?

ўтказилди. Шу йилда 446 битиравчи диплом олди. 2016 йил 443 бакалавр ва 178 магистрант ўқишини тамомлади. Битиравчиларни баъзи бирлари – Массачусетс технологиялар институти, Стэнфорд университети, Колумбия университети, Принстон университети, Сан-Диегодаги Калифорния университети, Сингапурнинг миллий университети, Пенсильвания университетлари каби жаҳоннинг обрўли олий билим юртларига ўқишига тушиб, шу билан бирга Назарбаев университетида ўқишини давом эттириди.

Хозирги кунда университет битиравчилари таълим, молия ва консалтинг, қурилиш ва саноат соҳаларида меҳнат қиласди, шу билан бирга битиравчиларни баъзи бирлари чет эллик йирик компанияларнинг Қозогистондаги бўлимчаларида фаолият юргизади. Университет битиравчилари орасидан ўз касбини очганлар ҳам бор.

8. Ватанимиздаги илм-фанинг аҳволи. Қозогистон мустақилликка эришганидан кейин ватанимиздаги илм-фан соҳасида бир қатор масалалар пайдо бўлди. 2003 йил Миллий Фан академияси давлат маҳомини йўқотиб, амалда ижтимоий ташкилотга айланди. Кўплаб илмий-текшириш институтларининг штатларида ходимлар сони камайди.

Аниқланг

Мустақилликнинг дастлабки йилларида фанда ўрин олган қийинчиликларни аниқланг.

Давлатнинг илм-фан соҳасидаги масалаларни ечишга йўналтирилган ҳаракатларига қарамасдан, уларнинг кўпчилиги ўз ечимларини кутмоқда. Илм-фани молиялаштириш УИД-нинг 0, 12 %-ни ташкил қиласди (2018 йил – муаллиф), ривожланган давлатларда эса илм-фанга ажратилган молия ҳажми УИД-нинг 5%-га етади. Бу ҳолат илмий текширувлар сони ва сифатининг сезиларли даражада пасайишига олиб келди.

Бугунги кунда аталган камчиликларни бартараф этилиб, элимиизда илм-фанинг бундан кейин ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

2019 йилда ёш олимларга аталган маҳсус илмий лойиҳалар уюштирила бошланди. 2020 йилдан бошлаб илмий лойиҳалар мусобақалари ўтказилиб, ватанимизнинг фан соҳасига чет эллик тадқиқотчилар кенг равишда жалб қилинмоқда. Турли соҳадаги маҳкамаларнинг қўллаб-қувватлаши орқали илмий ходимларнинг турғун уй масаласи ҳал бўла бошлади.

?

- Илф-фанга оид мақсад ва вазифаларни аниқланг.
- ҚР да илм-фан тизимининг ривожланиш йўналишларини кўрсатинг.
- Ҳозирги кунда ҚР таълим тизимида қандай муаммолар бор? Унинг бартараф этиши йўлларини кўрсатинг.
- «Ҳозирги кунда биз ёшларни керакли мутахассисликларга тайёрлашимиз зарур» деган фикрни қандай тушунасиз?
- Ватанимиздаги илм-фан масаласини ҳал этишининг қандай йўлларини таклиф қиласар эдингиз?

Дуал таълим тизими – назария ва амалиётни уйғунлаштиришга имконият берадиган таълим дастури.

Стипендиат – стипендия соҳиби.

*

Ижодий топшириқлар.

1-топшириқ. Қозогистондаги таълим тизимига SWOT таҳлил қилинг.

S (кучли томонлари)	
W (заиф томонлари)	
O (имкониятлари)	
T (хавф-хатарлари)	

2-топшириқ. 3 групга бўлиниб, жадвални тўлдиринг.

Урушгача бўлган даврдаги Қозогистонда илм-фанинг аҳволи	Урушдан кейинги даврдаги Қозогистонда илм-фанинг аҳволи	Бугунги кундаги Қозогистонда илм-фанинг аҳволи
---	---	--

3-топшириқ. Қўшимча маълумотлардан фойдаланиб, МДҲ давлатларида халқаро билим бериш дастурлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниланг.



Қозогистон Республикасининг Тўнгич Президенти Н.А.Назарбаевининг «Президентнинг беш ижтимоий лойиҳаси» номли халққа мактуби

УЧИНЧИ ТАШАББУС: «ОЛИЙ МАЪЛУМОТ ОЛИШНИНГ ИМКОНИЯТИ ВА СИФАТИНИ ОРТИРИБ, СТУДЕНТ ЁШЛАРНИНГ ЁТОҚХОНАДАГИ АҲВОЛИНИ ЯХШИЛАШ»

Ҳозирги кунда давлатимизда олий билим юртларида 530 мингдан ортиқ ёшлар таҳсил олмоқда, уларнинг 30 фоизга яқини давлат ажратган грант билан таҳсил олмоқда.

Олий маълумотли бўлишнинг имконияти ва сифатини орттириш учун қуидаги чора-тадбирларни таклиф қиласан

Ҳозир ҳар йилда бўлинадиган 54 минг грантга қўшимча 2018–2019 ўқув йилида яна 20 минг грант ажратиш керак.

Унинг 11 мингтаси техник мутахассисликлар бўйича бакалавр даражасида билим бериши керак бўлади.

Бу тўртинчи саноат инқилоби шароитидаги янги иқтисодиётда катта талабга эга бўладиган минглаган янги мутахассисни тайёрлашга имконият беради.

Бу ерда биринчи навбатда инженерлар, ахборотли технология, робот техникаси, нанотехнология соҳасининг мутахассислари ҳақида сўз бўлмоқда.

Бу ҳам ёшларга давлат ғамхўрлигининг ёрқин мисоли.

Шу билан бирга техник ва қишлоқ хўжалиги мутахассисликлари бўйича барча олий билим юртлари грантларининг микдорини миллий олий ўқув ўринларининг грантлари даражасига кўтариши лозим.

Аталган чора-тадбирлар ўрта мактаб битирувчиларини олий маълумот билан кўпроқ таъминлашга имконият беради, бу – умумжаҳон тренди.

Шу билан бирга стандартга оид таълим тизимини шакллантира ўтириб, студентларнинг билим олишига ва истеъқомат қиласадиган жойига шароит яратишга керакли даражада эътибор беришимиз зарур.

Ҳозирги олий билим юртлари ва колледжларнинг студентларини ётоқхона билан таъминлаш энг муҳим масала.

Бу масалани ҳал қилиш учун олий билим юртлари, колледжлар ва девелоперлик компаниялар давлат ва хусусий мулкнинг шериклиги қоидаси билан ётоқхона солишини бошлаши керак. Давлат ўз томонидан Таълим ва фан вазирлиги орқали ётоқхона қурилишига сарфланадиган инвестицияларнинг белгили бир қисмини аста-секин қайтарилишига имконият беради.

2022 йилнинг охиригача студентларга атаб камида 75 минг ўринли янги ётоқхона солишини топшираман.

Бу олдиндаги йилларда ортиб борадиган талабни эътиборга олишининг ўзида ётоқхона танқислигини бирийўлата ҳал қиласан.

«Мустақил Қозогистон», 6 марта, 2018 йил



1. Элбоши билим сифатини орттириш учун қандай вазифалар қўйди?
2. Студентларни ётоқхона билан таъминлаш масаласини қандай ҳал қилишни кўзланган?

Тўртинчи бўлим юзасидан тест топшириқлари

1. Қадимги турк алифбосидаги ҳарфлар сони:

- A) 29
- B) 30
- C) 33
- D) 35
- E) 41

2. Ўрта асрлардаги қипчоқларнинг адабий ёдгорлиги:

- A) «Донолик китоби»
- B) «Руна ёзуви»
- C) «Кодекс Қуманикус»
- D) «Қултегин ёзуви»
- E) «Тарих-и-Рашиди»

3. Қорахон даври ёзма адабиётининг таниқли вакили:

- A) Ҳўжа Аҳмад Яссавий
- B) Сулаймон Бақирғани (Ҳаким ота)
- C) Али Иезди
- D) Юсуф Болосоғуний
- E) Махмуд Қошғарий

4. «Оренбург тарихи» ва «Оренбург губерниясининг топографияси ёки тарифи» илмий асарларининг муаллифи:

- A) И.Г. Георги
- B) П.С. Паллас
- C) П.И. Ричков
- D) М.В. Ломоносов
- E) И.К. Кириллов

5. Қозоқ халқининг биринчи этнографларининг бири:

- A) Муса Шорманов
- B) Мұхаммад-Солих Бабажанов
- C) И.Алтисарин
- D) Машхур Жұсип Күпейіүғли
- E) Алихан Бўкеҳон

6. Мусулмон мактабларини ислоҳатлаш ҳаракатининг вакиллари:

- A) Демократлар
- B) Жадидчилар
- C) Социалистлар
- D) Диндорлар
- E) Муаллимлар

7. Саводсизликни тугатишда муҳим рол бажарган маҳкамаси:
- A) Рабфак
 - B) «Қизил ўтов»
 - C) Мадрасалар
 - D) Мактаблар
 - E) Махсус курслар
8. Қозоқ тилидаги биринчи Қозогистон тарихи дарслигининг муаллифи:
- A) А. Ермеков
 - B) Ж. Аймауитов
 - C) А. Байтурсынүғли
 - D) С. Асфендияров
 - E) С. Сайфуллин
9. Қозоқ КСР Фанлар академиясининг қурилган йили:
- A) 1939 йил
 - B) 1942 йил
 - C) 1946 йил
 - D) 1950 йил
 - E) 1960 йил
10. Истеъодли ёшларни чет элларда ўқитишга аталган давлат дастури:
- A) «Халқаро дастур»
 - B) «Болашақ»
 - C) «Интелектуал жамғарма»
 - D) Грант
 - E) Йўлланма

Тўртинчи бўлим юзасидан тадқиқот иши:

Илм ва фанга ҳисса қўшган менинг ўлкамнинг вакиллари.

Түртінчи бўлимга хулоса

Бу бўлимда илм ва фаннинг қадимги даврдан бугунги кунгача бўлган тараққиёти билан танишдингиз. Турли даврлардаги илм ва фаннинг ривожланишига қиёсий таҳлил қилинди. Қозогитон ҳудудида илмий маҳкамаларнинг пойдевори янги замонда, яъни XVIII–XX асрнинг бошида қўйилди. Кенгаши даврида кучли таълим тизими қурилиб, республиканинг илмий базасининг пойдевори қурилди. Бироқ ижтимоий ва гуманитар таълим соҳасида марксизм ва ленинизм идеологияси ўрнатилиб, партия кўзқараши улугланди.

1946 йил ҚозКСР Фанлар академиясининг қурилиши Кенгаши Қозогистонининг илм-фанининг энг катта ютуғи эди. Унинг асосини биринчи президенти Қ.Сатбаев солди.

Мустақилликка эришган вақтдан бошлиб Қозогистонда аввалги Кенгаши даврининг таълим тизимини ҳам, шу билан бирга жаҳоннинг бошқа давлатларининг ютуқларини ҳам олга тортиб миллий таълим тизимини қуриш тўғрисида бир қатор чора-тадбирлар қабул қилинди. Шундай бўлса ҳам таълим соҳасида ҳали ҳам ечилмаган масалалар учрайди. Сўнгги йилларда давлатимиз таълим соҳасининг аҳволини яхшилаш учун бир қатор чора-тадбирлар олиб бормоқда. Назарбаев Интелектуал ва замонавий моддий-техник база билан таъминланган инновацион мактаблар очилди. Уч тилли таълим тизими жорий қилинди. Ёшлар «Болашақ» Президент дастури бўйича билим олмоқда. Элимизда илм ва фан соҳаси тараққий этиб, ривожланиб келмоқда.

ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИГАН АДАБИЁТЛАР

- Абай.** Қалин әлим қозогим... Шеърлар. – Алмати, 2017.
- Абдувақоп Қора.** Мустафо Шоқай. – Астана, 2012.
- Абсеметов И.** Сакен Сейфуллин. – Астана, 2006.
- Академик Қ.И. Сатбаев:** хатлари ва ёзмалари. – Алмати, 1998.
- Академик Қ.И. Сатбаев ва Қозогистон илм ва фани (мақолалар ва очерк, әсдаликлар).** – Алмати, 1999.
- Аққули С. Алихан Бўйейхон.** Васият. 2 т. – Шимкент, 2016.
- Алаш ҳаракати.** – Алмати, 2011.
- Алашурда.** Ҳужжатлар тўплами. Тўплаштирган Мартиненко Н. – Алмати, 1992.
- Алексеенко А.Н.** Қозогистон аҳолиси. 1920-1990 йиллар. – Алмати, 1993.
- Алексеенко Н.В., Алексеенко А.Н.** 100 йилдаги Қозогистон аҳолиси-нинг сони (1897–1997). – Ўскемен, 1999.
- Аманжолова Д.** Алмагойиб замон. Алаш Қозогистон этносиёсий тарихида. – Алмати, 1998 й.
- Андреев И.Г.** Ўрта юз қирғиз-қайсақларининг (қозоқларнинг) тарифи. – Алмати, 1998.
- Асиљеков М.Х., Галиев А.Б.** – Қозогитондаги ижтимоий-демографик жараёнлар (1917–1970). – Алмати, 1991.
- Аяганов Б.** Кенгаш социализмининг гулланган даври ва қулаши. Қозогистон полигони. – Алмати, 2000.
- Байпақов К.М.** Буюк Ипак Йўли (Қозогистон ҳудудидаги йўналишлари). – Алмати, 2007.
- Беш аср куйлайди.** 5 томли. – Алмати, 1989.
- Буюк даланинг Буюк исмлари.** Манбалар тўплами. – Алмати, 2019.
- Вер Н.** Кенгаш давлатининг тарихи (1922– 1991). – Москва, 1992.
- Валиханов Ш.Ш.** Асарлар тўплами. 5 томли. – Алмати, 1984–1985.
- Гумилев Л.Н.** Кўхна турклар. – Алматы, 1994.
- Депортация тарихи.** Қозогистон. 1939–1945 йиллар. Ҳужжатлар тўплами. – Алмати, 2019. – 3 т.
- Депортация.** – Алмати, 2000.
- Еримбетова Қ.** Қолдирган изи мангулик. Анна Панкратова. – Астана, 2016.
- Ермуханов Б.** Ёзма манбалардаги Қозогистон тарихи. Эр.ав. V аср. – эрамизнинг XV асри. – Алмати, 2006.
- Ерофеева И.В.** Абулхайир хон: лашкарбоши, амирчи ва сиёsatчи. – Алмати, 1919.

Жиреншин К.А. XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошидаги Қозоғистоннинг сиёсий ривожланиши. – Алмати, 1996.

Кеменгерүгли К. Қозоқ тарихидан. – Астана, 2015.

Карибаев Б. Қозоқ хонлигининг қурилиш тарихи. – Алмати, 2015

Карибаев Б.Б. Қозоқ хонлари. – Алмати, 2015.

Карибаев Б.Б. Қосим хон. Шахс. – Алмати, 2008.

Конвест Р. Зулматли йиллар. – Киев, 1995 .

Қозоқ интеллигенциясининг тарихи. – Астана, 2006.

Қозоқ КСР ининг индустрялаштириш тарихи (1936–1941 йиллар). – Алмати, 1967.

Қозоғистон тарихи. – Алмати, 2010, 4-том.

Қозоғистон тарихи. Очерклар. – Алмати, 1993.

Қозоғистон тарихи: Ақтандаклар. – Алмати, 1991.

Қозоғистон ақолиси: тарихий таълими ва ҳозирги замон. – Алмати, 2017.

Қозоғистон ақолиси: тарихи ва бугунги ақволи. – Алмати, 2017.

Қозоғистонга сургун қилинган халқлар: тарихий тақдири. – Алмати, 1998.

Қозоғистондаги 1916 йилдаги миллий-озодлик ҳаракати. Манбалар ва әсдаликлар түплами. – Алмати, 1937.

Қозоғистондаги Фуқаролар уруши: Вокеалар йилномаси. – Алмати, 1974.

Қалибекова М.Ш. Қозоғистонга махсус кўчиб келганлар: ҳужжатлар ва манбалар (1930–1956). – Алмати, 2011.

Қалибекова М.Ш. Қозоғистоннинг депортацияга учраган халқларининг тарихи (1937–1956 йиллар). – Алмати, 2008.

Қаҳрли 1916 йил. Ҳужжатлар ва манбалар түплами. – Алматы, 1998.

Қасимбаев Ж. Қозоқ хонлигининг давлат арбоблари (XVIII аср). – Алмати, 1999.

Қозибаев М.Қ. Тарих ва ҳозирги замон. – Алмати, 1991.

Қозибаев М.Қ., Ф.И. Голощекиннинг сиёсий портрети. – Алмати, 1998.

Қозибаев М.Қ., Алдажуманов К.С., Абильхожин Ж.Б. Қозоғистондаги кучлаб колективизациялаш: хўрлик ва зўрлик. – Алмати, 1991.

Қойгелдиев М.Қ. Алаш ҳаракати. – Алмати, 2017.

Қонаев Д.А. Сталиндан Горбачевгача. – Алматы, 1994.

Қул-Мұхаммед М.А. Алаш вакиллари сиёсий-хуқуқий қўзқарашларининг эволюцияси. – Алмати, 1998.

Қурманов З. «Алаш» партиясининг қирғиз бўлимчаси: қурилиши, хизмати, тақдири. – Нур-султон, 2019.

Левшин А.И. Қирғиз-қозоқ ёки қирғиз-қайсақ ўрдалари ва даласи-нинг таърифи. – Алмати: Санат, 1996.

Менгдиқұлова Г.М. Қозоқ диаспорасынинг тарихий тақдиди: шаклла-ниши ва ривожланиши. – Алмати, 1997 .

Мурсалим Б.С. Алаш автономиясинаң аскари. – Алмати, 2015.

Назарбаев Н.А. Тарих түлқинида. – Алмати, 1999.

Нусипбеков А.Н. Қозоқ ерларининг Қозоқ АҚСР таркибиға бирикти-рилиши. – Алмати, 1953.

Нурпейисов К. Қозогистондаги кенгашларнинг шаклланиши (1917 йил март – 1918 йил июнь оралиғи). – Алмати, 1987.

Олкотт Брилл Марта. Қозоқлар. – АҚШ, 1987.

Омарбеков Т. 1929–1931 йиллардаги халқ қўзғалонлари. – Атмати, 2018.

Омарбеков Т. Очарчилик. – Алмати, 2009.

Омарбеков Т. Очарчилик. – Алмати, 2019.

Ўрта Осиё ва Қозогистондаги 1916 йилдаги миллий-озодлик ҳаракат: ҳаракатлантирувчи кучи, жараёни, тарихий дарси. – Алмати, 1997.

Райимханова К.Н. Анъянавий ҳунар. – Алмати, 2002.

Роберт Киндлер. Сталин кўчманчилари. Қозогистондаги ҳукмронлик ва очарчилик. – Москва, 2017.

Садуақасұғли С. Уч томли илмий ишлар тўплами. – Астана, 2013.

Смағұлов О., Смағұлова А. Қозоқ халқининг келиб чиқиш тарихи. – Алмати, 2017.

Сталин давридаги ҚСРИ қозоқлари. Жамоалаштириш ва ижтимоий ўзгаришлар (1928–1945 йиллар). – Алмати, 2009.

Толибеков С.Е. XV–XX асрнинг бошидаги кўчманчи қозоқ жамияти (сиёсий-иктисодий тадқиқот). – Алмати, 2017.

Тинишибаев М. Қозоқ халқининг тарихи. – Алмати, 1993.

Хафизова К.Ш. Дала ҳукмдорлари ва XVII–XIX асрлардаги уларнинг қўшни давлатлар билан элчилик муносабатлари. – Нур-Султон, 2019.

Шоқай. М. Қенгаш ҳукумати қўл остидаги Туркистон. – Алмати, 1993.

1917 рус инқилоби давридаги Қозогистон. – Алмати, 1991.

ИНТЕРНЕТ МАЪЛУМОТЛАРИ, ЭЛЕКТРОН ҚЎШИМЧАЛАР

e-history.kz
edu.-e-history.kz
nlrk.kz
archive.president.kz
cga.kz
iie.kz
almatymuseum.kz
nationalmuseum.kz
csmrk.kz
library.kz
adyrna.kz
kk.wikipedia.org
bugin.kz
history-state.kz
akorda.kz
strategy2050.kz
edu.gov.kz
kaznpu.kz

МУНДАРИЖА

III БЎЛИМ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ОНГНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

ОЛТИНЧИ БОБ

ҚОЗОФИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ОНГНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

23–24-§. Ижтимоий-сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланиши	3
25–26-§. Қозоқ хонлиги давридаги ижтимоий-сиёсий онгнинг ривожланиши	12
27–28-§. «Зор замон» оқими вакилларининг мафкуравий қадриятлари	25
29–30-§. XIX асрдаги қозоқ маърифатпарварларининг ижтимоий-сиёсий кўзқарашлари	33

ЕТТИНЧИ БОБ

«АЛАШ» – ИЖТИМОЙ ОНГ ВА МИЛЛИЙ ФОЯ

31–32-§. «Алаш» миллий ғоясининг концептуал асослари	43
33–34-§. Алаш ҳаракати ва қозоқ инқилобчи-демократларининг сиёсий кўзқарашлари	55

САККИЗИНЧИ БОБ

«МӘҢГІЛІК ЕЛ» УМУММИЛЛИЙ ҒОЯСИ-XXI АСРДАГИ ҚОЗОФИСТОН ЖАМИЯТИНИ БИРЛАШТИРУВЧИ АСОС

35–36-§. «Мәңгілік Ел» умуммиллий ғоясининг тарихий асоси	69
37–38-§. Қозогистон жамиятининг умумиллий қадриятлари	77

IV БЎЛИМ

ИЛМ ВА ФАННИНГ РИВОЖЛАНИШИ

ТҮҚҚИЗИНЧИ БОБ

ҮРТА АСРЛАРДАГИ ҚОЗОФИСТОННИНГ ИЛМИЙ МЕРОСЛАРИ

39–40-§. Ўрта асрлардаги Қозогистонда илм ва фаннинг ривожланиши	91
--	----

ЁНИНЧИ БОБ

XVIII–XX АСРЛАРДАГИ ҚОЗОФИСТОНДАГИ ИЛМ ВА ФАННИНГ РИВОЖЛАНИШИ

41–42-§. XVIII–XX асрнинг бошида Қозогистондаги тадқиқотлар	97
43–44-§. XIX–XX асрнинг бошида Қозогистон ҳудудидаги ўқув ўринларининг хизмати	110
45–46-§. Кенгаш таълим тизимининг ютуқлари ва зиддиятлари	120
47–48-§. Қозоқ КСР Фанлар академияси – КСРИ-нинг йирик илмий маркази	130

ЎН БИРИНЧИ БОБ

БУГУНГИ КУНДАГИ ҚОЗОФИСТОНДАГИ ИЛМ ВА ФАН ТИЗИМИ

49–50-§. Қозогистон Республикасида илм ва фаннинг ривожланиш масалалари ва келажаги	138
--	-----

Дарсликка республиканинг бир қатор белгили ўқув ўринлари
ва илмий-текширув маҳкамалари (ал-Фаробий номидаги ҚозМУ,
Л.Н. Гумилев номидаги ЕМУ, Абай номидаги ҚозМПУ,
Р.Б.Сулейменов номидаги Шарқшунолик институти
ва давлат тарихи институти)
дарсликка ўз танқид-фикрларини билдириди.
Дарсликни тайёрлашга иштирок этганлар –
Д. Қалиева, А. Манқараев, А. Нартай.

*Муқовада А.Дузелхановнинг «Сақ жангавори» расми,
Матнданги қишлоқ хўжалиги, мол чорвачилиги, чегара, кўкатлар,
Монголия, Мауараннахр ва ҳаказо сўзлар лингвистларнинг
айтиши бўйича ёзилди.*

Оқу басылымы

Қабылдинов Зиябек Ермұханұлы
Сандыбаева Ақмарал Даіырқызы
Лебаев Фархат Рашидұлы

ҚАЗАҚСТАН ТАРИХЫ

Жалпы білім беретін мектептің 11-сыныбына арналған оқулық

Екі бөлімді

2-бөлім

(өзбек тілінде)

Арнайы редактор Л.Н. Черкесова

Әдіскер-ұстаз Е.М. Күркеев

Редакция менгерушісі Ә. Пірманов

Редакторы Г. Нұрланқызы

Көркемдеуші редакторы А. Лукманов

Техникалық редакторы Ү. Рысалиева

Корректоры Ү. Бахова

Өзбек тілінің мәтінін аударған Ш. Айходжаева

Өзбек тілінде компьютерде беттеген Г. Өтменова

ISBN 978-601-200-716-9



9 786012 007169

ИБ №7470

Басуға 20.08.2020 ж. қол қойылды. Пішімі 70×90 $\frac{1}{16}$.
Офсеттік қағаз. Әріп түрі «Мектептік». Офсеттік басылыш.

Баспа табагы 10,0. Шартты баспа табагы 11,7.

Таралымы 5000 дана. Тапсырыс №

«Атамұра» корпорациясы ЖШС, 050000, Алматы қаласы,
Абылай хан даңғылы, 75.

«Жазушы» баспасы, 050009, Алматы қаласы, Абай даңғылы, 143.
E-mail: zhazushi@mail.ru